

Ш.Р. Кобилов

КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ КУРАШ:  
ИҚТИСОДИЙ,  
МАҢНАВИЙ-МА҆РИФИЙ  
ЧОРАЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯ

Ш. Р. ҚОБИЛОВ

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ:  
ИҚТИСОДИЙ, МАҲНАВИЙ-МАҲРИФИЙ  
ЧОРАЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ**

*Монография*

ТОШКЕНТ — 2015

УЎК: 328.18 (575.1)

ББК 65.9(5У)

Қ-52

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг  
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган

Масъул муҳаррир:  
генерал-майор **Ш. Т. Икромов**

**Тақризчилар:**

юридик фанлар доктори, профессор **И. Исмоилов**;  
иқтисод фанлари доктори, профессор **С. Зайнутдинов**;  
иқтисод фанлари доктори, профессор **Т. Жўраев**;  
юридик фанлар доктори, профессор **Р. Кабулов**

Мазкур монография жамиятда демократик институтлар ва  
миллий қадриятлар, адолат ва ҳуқуқ-тартиботнинг амал қилишга,  
миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига путур  
етказиб, миллатнинг барқарорлиги ва фуқароларнинг хавфсиз-  
лигига таҳдид solaётган коррупция муаммосига бағишлиданади.  
Ушбу салбий ҳодиса, катта ёки кичик, бадавлат ёки камбағал  
бўлишидан қатъи назар, барча мамлакатларда учрайди, айниқса,  
 rivожланаётган давлатлар ривожига ҳалокатли таъсир қўрсатади.  
Шу боис бу монографияда коррупциянинг моҳияти, келиб чиқиш  
сабаблари ва коррупцияга қарши курашишнинг иқтисодий ва  
маънавий-маърифий йўллари ёритилган.

Илмий изланувчилар, профессор-ўқитувчилар, ҳуқуқни  
муҳофаза қилиш органлари ходимлари, қолаверса, кенг  
итобхонлар оммасига мўлжалланган.



© Қобилов Ш.Р. 2015 й.  
© Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси, 2015 й.

ISBN 978-9943-4530-1-2

## КИРИШ

ХХ асрнинг иккинчи ярмига келиб коррупция халқаро муаммога айланди. Айниқса, глобаллашув жараёнлари натижасида бир мамлакатдаги коррупция бошқа мамлакатлар ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади. 1994 йилнинг 31 декабрида «Financial Times» газетаси 1995 йилни «Коррупцияга қарши курашиш йили» деб эълон қилганлиги кўпчиликка маълум. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса коррупцияга оид саводхонликни ташвиқот қилиш учун 9 декабрни «Коррупцияга қарши кураш халқаро куни» деб таъсис этди ва ушбу кун 2004 йилдан бошлаб нишонланиб келинади.

Дарҳақиқат, ҳозирги вақтда ижтимоий оғишлар чўққисида бўлган коррупция нафақат ҳуқуқшунос олимларнинг, балки турдош соҳалар — фалсафа, сиёsatшунослик, социология, иқтисодиёт, психология соҳаларида фаолият кўрсатувчи олимларнинг ҳам эътиборини борган сари кўпроқ тортмоқда.

Коррупция жиноятчиликнинг энг хавфли шакли бўлиб, алоҳида белгиларига эгадир. Бир томондан, у тизимли ҳодиса бўлиб, уюшган, фаразли ҳамда иқтисодий жиноятчиликнинг таркибий қисми ҳисобланади ва улар билан чамбарчас боғлиқ. Бошқа томондан, у жиноий жавобгарлик назарда тутилган аниқ жиноятлар мажмуи ҳисобланади. Совет қонунчилиги коррупцияни тан олмаган бўлса-да, бироқ, лавозим жиноятлари деган тушунча мавжуд эди. Уларнинг аксарияти бугунги кундаги коррупция ҳисобланади.

Халқаро-ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий, сиёсий тажрибаларни тадқиқ этиш асосида коррупциянинг моҳияти, келиб чиқишининг обьектив ва субъектив сабаблари ҳамда олдини олиш борасида айрим фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Дунё тафаккури коррупция муаммосини ҳал қўймай туриб, давлат бошқаруви вазифаларини самарали ҳал

Қилиб бўлмаслигига аллақачон ишонч ҳосил қилган. Масалан, юнон мутафаккирлари Афлотун ва Арасту коррупцияни сиёсий категорияга киритганлар. Н. Макиавелли уни фуқаролар фазилатларини (фуқароликни) бузувчи давлатнинг умумий иллатидан далолат берувчи омил деб ҳисобланган. Ш. Монтескьё эса уни яхши сиёсий тартиб ёки тизим яроқсиз ҳолга келадиган дисфункционал жараён деб таърифлаган.

Бугунги Ўзбекистон жамиятининг кўплаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммолари орасида коррупцияга қарши кураш алоҳида ўрин тутади. Таъкидлаш жоизки, 2003 йил 9 декабрь куни БМТнинг коррупцияга қарши кураш конвенцияси имзоланган. Ушбу конвенция коррупция каби офат билан глобал даражада курашишга имкон берадиган янги хужжат ҳисобланади. Конвенция дунёвий тараққиётга кўмаклашишда ҳамда барчанинг фаровонлиги учун кишилик дунёсини такомиллаштиришга қаратилган ишларда ҳалоллик, ҳуқуқ устуворлигини хурмат қилиш, ҳисбот юритиш ва ошкоралик каби фазилатлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлади. Бугунги кунда дунёнинг 158 давлати ушбу конвенциянинг аъзоси ҳисобланади. 2008 йил 7 июль куни Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши кураш конвенцияси (Нью-Йорк 2003 йил 31 октябрь)га қўшилиши тўғрисида»ги Қонун имзоланди. Шу тариқа мазкур иллатнинг олдини олиш, унга қарши кураш бўйича халқаро мажбурият қабул қилинди. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра коррупция дунё ҳамжамиятига йилига 80 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар келтиради<sup>1</sup>. Бугунги кунда давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамиятларининг иқтисодий ривожланишига путур етказадиган, демократик институтларни заифлаштирадиган, ижтимоий тартибни бузадиган ҳамда жамият ишончини йўқотадиган

<sup>1</sup> Қаранг: Спициадель В. Б., Белова К. В. Коррупция: история и современность. – М., 2007. ([anticorrupt.-ul.ru](http://anticorrupt.-ul.ru), <http://zakon.ru>, [www.k2kapital.com](http://www.k2kapital.com), [www.transparancy.org](http://www.transparancy.org), [www.crime.vl.ru](http://www.crime.vl.ru)).

коррупцияга қарши курашда ҳамкорликдаги ҳаракатлар зарурлиги эътироф этилмоқда.

Коррупцияга қарши курашнинг долзарбилиги бир қанча омиллар билан изоҳланади.

*Биринчидан*, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берганлиги»ни таъкидлайди<sup>2</sup>. Аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги тенгсизлик чуқурлашиб бораётган замонда гаразли мақсадларда ҳокимиятни суистеъмол қилиш билан боғлиқ жанжаллар ва фош этишлар ҳокимиятнинг обрўсини туширади, демократияни обрўзизлантиради, шиорларидан бири коррупцияга қарши кураш бўлиши мумкин бўлган диктатурага бурилиш хавфини юзага келтиради.

*Иккинчидан*, иқтисодий мазмуни глобаллашув жараёнларида чекланиб бораётган ресурсларни тақсимлаш жараёнининг бузилишидан иборат бўлган коррупция, умуман, иқтисодиётнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига салбий таъсир кўрсатади.

*Учинчидан*, коррупция, бошқа кўплаб салбий-ижтимоий ҳодисалар сингари, ўзини такрор ишлаб чиқариш учун шароит яратади – бўлғуси ижтимоий-иктисодий ва сиёсий тартибга салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, кенг миқёсли коррупция қанчалик узоқ давом этса, унга қарши кураш ва оқибатларини тугатиш, ҳатто айрим сабаблари йўқ қилинган тақдирда ҳам, шунчалик қийин кечади.

*Тўртинчидан* (буниси ҳозирги вақтда жуда муҳим), коррупция кенг миқёсда ривожланган мамлакатнинг обрўси нафақат сиёсий, балки иқтисодий томондан ҳам тушиб кетади, қарзлар бериш, хорижий инвестицияларни киритиш ва шу каби шароитларга таъсир этади, ҳар қандай бошқа обрў сингари, уни қайтариш қийин бўлади.

Коррупция ва жиноятчиликнинг хавфсизликка соладиган таҳдидлари мажмуаси, конвенция қабул қилиниши-

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва кафолатлари. – Т., 1997. – 85-б.

дан олти йил аввал (1997) дунёнинг ўнлаб мамлакатларида чоп этилган ва дунё хавфсизлиги назарияси ва амалиётига улкан ҳисса қўшган Президентимиз Ислом Каримовнинг фундаментал «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кўрсатиб берилган. Булар қўйидагилар:

- амалга оширилаётган ислоҳотларга қаршилик кўрсатиш;
- давлатнинг конституциявий асосларини емириш;
- жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емириш;
- жамият аъзоларининг фуқаролик мавқенини йўққа чиқариш, ислоҳотлар ғоясини обруғизлантириш;
- пул орқали ҳокимиятни кўлга олишга интилиш;
- нопок йўллар билан бойлик орттириш. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар;
- жиноий йўллар билан бойлик орттирган кимсаларни «демократия» учун жафо чеккан курашчилар деб кўрсатиш. Бундай шахслар аввалига ўз халқини алдаб, капитал тўплайди, кейин демократия ва адолатни рўкач қилган ҳолда жамоатчилик фикрини алдаб, сиёсий обруғ орттиради. Сир эмаски, бундай шахслар ўз манфаатлари йўлида республикадаги вазиятга таъсир кўрсатишга уринаётган ташқи кучларга хизмат қилишга ҳамиша тайёр турувчилардир;

— жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортишга қаршилик кўрсатиш. Бу ҳолат чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотиши натижасида мамлакат foят муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар ва тажрибалардан, жаҳон иқтисодий тизимининг соғлом, «соғ» қисмига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлади<sup>3</sup>.

Коррупция, унинг миқёси, хусусияти ва динамикаси — дунё мамлакатларидағи умумий сиёсий, ижтимоий ва

<sup>3</sup> Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-т. — Т., 1998. — 88–95-б.

иқтисодий муаммолар оқибатидир. Ўзбекистон ҳозир оддий модернизациянигина эмас, балки ижтимоий, давлат соҳасидаги ва иқтисодий негизларнинг туб ўзгаришини, яны нафақат ишлаб чиқариш, иқтисодиётни, балки инсон онгини модернизация этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши кескин чоралар кўрилмаслиги унинг жиноий, иқтисодий ва ижтимоий муаммодан сиёсий муаммога айланишига, мамлакат конституциявий тузумининг асосларига путур етказувчи миллий оғат даражасига чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқининг фаровонлиги, хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги устувор йўналишлардан бири сифатида коррупцияга қарши қатъият билан кураш олиб бориш кераклигини, коррупцияга қарши самарали курашиш ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шарти эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, Юртбошимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида: «Коррупция мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни, бозор иқтисодиётини барпо этиш, инвестицияларни жалб қилиш жараёнига тўсқинлик қилиши, демократик давлатнинг сиёсий ва ижтимоий институтларига салбий таъсир кўрсатиши, мамлакатнинг келажакдаги ривожланишига жиддий таҳдид қилиши»ни қайд этади.

Мазкур ижтимоий салбий ҳодисага қарши курашнинг мураккаблиги шундаки, коррупция нафақат яширин, балки содир этилишида келишув хусусиятига ҳам эга. Аксарият ҳолларда унинг устидан шикоят қилинмайди, чунки иккала томон ҳам ноқонуний битимдан фойда олади. Ҳатто пора талаб қилиш устидан ҳар доим ҳам шикоят қилинавермайди, чунки одамлар коррупцияга қарши кураш жараёнига ҳар доим ҳам ишонмайдилар. Бунинг учун ҳам объектив, ҳам субъектив хусусиятга эга бўлган муайян асослар бўлиб, улар ҳам мамлакатда, ҳам хорижда тўпланган тажрибаларга алоқадордир.

Коррупция ҳаракатлари, одатда, давлат фаолиятининг мугахассис бўлмаган одам тушуниши жуда қийин бўлган ниҳоятда мураккаб ва ўзига хос, яширин турларида содир этилади. Коррупциянинг турли шароитларга мослашувчалиги, тинмай ўзгариб ва такомиллашиб бориши, шу боис унинг асосий хусусиятини латентлик (яширинлик) ташкил қилини ҳақидаги фикрлар кўплаб билдирилади. Амалда ушбу ҳодиса ҳақида тўлиқ ёки лоақал *репрезентатив* маълумотлар йўқ, суд қилинадиган айбордor шахслар эса янада камроқ, уларнинг айримларигагина, асосан, хавфи камроқ бўлганларига нисбатан ҳақиқий жиноий жазо тайинланади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, кучгайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишини орзу қиласидиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим»<sup>4</sup>.

Таъкидлаш жоизки, 2003 йил 9 декабрь куни БМТ нинг коррупцияга қарши курашиш конвенцияси имзоланганидан сўнг, мамлакатимизда ушбу Конвециянинг мөҳияти, маъно-мазмунини тушунтириш, коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича билимларни кенгайтириш ва тарқатиш каби муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, вазирликлар, ташкилотлар ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида, маҳаллаларда коррупцияга оид саводхонликни оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш йўлига қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Пре-

<sup>4</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-т. – Т., 1998. – 429-б.

иденти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси ва Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўқитиладиган фанлар таркибида «Коррупцияга қарши курашиш» маҳсус курси доирасида машгулотлар ўтказилиши ташкиллаштирилган.

Ўқув машғулотларида коррупцияга оид ўқув-қўргазмали материаллар, видеофильмлардан кенг фойдаланилмоқда. БМТнинг мазкур конвенцияси қабул қилинганидан кейин, коррупцияга оид илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ҳам йўлга қўйилди. Хусусан, ИИВ Академиясида тайёрланган ва чоп этилган «Миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари» номли монографиянинг алоҳида боби «Коррупция ва хавфсизлик» деб номланган.

Ушбу монография муаллифнинг «Иқтисодиёт назарияси» ихтисослиги доирасида «Иқтисодий хавфсизликни тъминлашнинг илмий-назарий асослари ва уни мустаҳкамлаш муаммолари»<sup>5</sup> (08.00.01) мавзусидаги диссертация тадқиқотининг алоҳида боби «Коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этишнинг иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари»га багишланган бўлиб, бу тадқиқотлар натижаси сифатида китобнинг мазмунига сингдирилган. Китобда БМТнинг мазкур конвенцияси талаблари юзасидан жойларда кенг жамоатчиликка коррупциянинг моҳияти, илдизлари, келиб чиқиш сабаблари, иқтисодий тараққиётга таҳдид солувчи иллат эканлиги ҳамда унга қарши курашишнинг иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари ўз аксини топган.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида, маҳаллаларда, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари орасида бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш учун 2004 йилдан бошлаб БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясининг маъно-мазмунини тушунириш борасида ўқув машғулотлари ўтказиш йўлга қўйилган.

Узбекистон Республикаси ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан коррупциявий характердаги ҳукуқ-

<sup>5</sup> Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси. Бюллетең. – 2014. – 2-сон. – 46-б.

бузарликларни аниқлаш, олдини олиш борасида изчил фаолият олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида бу борада муайян тажриба тұпланди. Мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари коррупцияға қарши курашиш борасида дунё мамлакатларининг ҳуқуқ-тартибот органлари билан тажриба алмашаётганини таъкидлаш лозим. Үзбекистонда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари коррупцияға қарши курашишда ўз фаолиятларининг ўта масъуллигини ҳис этадилар ва қонуний құлланилаётган чораларнинг оқибатлари учун жавобгарликларини ҳам англайдилар. Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг собық Бөш котиби Кофи Аннаннинг: «Коррупцияға қарши курашиш мұраккаб вазифа, лекин биргаликда қарапат қылсак, бу борада зафарларга әришамиз», — деган сүзлари бугунги кунда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, балки кенг жамоатчиликни ҳам ушбу иллатга қарши курашишга чорлайди.

*Мұхтарам китобхон!* Ушбу нашр коррупцияға оид дастлабки илмий тадқиқот ишларидан бири бұлғани боис унда айрим камчиликлар учраши табиий. Шу боис муаллиф иш юзасидан билдирилған барча фикр ва мулоҳазаларни миннатдорлық билан қабул қиласы да кейинги нашрларда инобатта олади.

## **/-боб. БМТНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР**

Маълумки, 2003 йил 31 октябрда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси имзоланди. Бу коррупция каби оғат билан глобал даражада курашишга имкон берадиган янги ҳужжат эди. Янги халқаро битим 30 та мамлакат ратификация қилганидан сўнг кучга кириши таъкидланди. 2003 йил 9 декабргача БМТга аъзо давлатлар ҳамда иқтисодий ҳамкорлик бўйича минтақавий ташкилотлар имзолашлари учун очиқ қолдирилган эди.

БМТ собиқ Бош котиби Кофи Аннан барча мамлакатларни ушбу Конвенцияни тезроқ ратификация қилишга чақирди: «Мен БМТга аъзо барча давлатларни 2003 йил декабрь ойида Мексиканинг Мериде шаҳрида бўлиб ўтиши кўзда тутилган Конвенцияни имзолаш конференциясида иштирок этиш ва ушбу ҳужжатни энг қисқа муддатларда ратификация қилишга қатъий давлат қиласман».

Шунингдек, Бош котиб Кофи Аннаннинг айтишича, «Конвенция шартларининг ҳар томонлама бажарилиши камбағаллар ва ҳимояланмаганлар учун коррупциялашган амалдорларнинг ва ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай воситалардан қайтмайдиган чайқовчиларнинг очкўзлигидан ҳимояни таъминлашга ёрдам беради. У бугунги жадал ўзгараётган дунёда камбағаллар янада қашшоқлашмаслигига ёрдам беради ва ривожланиш соҳасидаги муҳим тўсиқларни бартараф этиб, бу Мингийиллик декларациясида қўйилган мақсадларга эришиш ва бутун дунёдаги миллионлаб одамларнинг ҳаётини яхшилашга ёрдам бериши мумкин...»<sup>6</sup>.

Бугунги кунда дунёнинг 158 давлати ушбу конвенциянинг аъзолари ҳисобланади. Коррупцияга қарши халқ-

<sup>6</sup> Қаранг: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясининг муқаддимаси.

аро конвенциянинг қабул қилинишини жаҳон ҳамжамияти «чукур қониқиши ҳисси билан» кутиб олди. Афтидан, бу глобаллашув шароитида коррупция дунёning деярли барча давлатлари фаровонлигига таҳдид солаётганлиги билан боғлиқ. Масалан, Жаҳон банкининг маълумотларига қараганда, бутун дунёда ЯИМнинг тахминан 5 фоизи коррупция ҳамда мөлиявий маблаглардан нотўғри фойдаланиш ва ортиқча харажатлар (растраталар) туфайли йўқотилади. Control Risks Group консалтинг фирмасининг хабар беришича, ҳалқаро компанияларнинг деярли ярми рақобатчилари пора бериш ёрдамида уларнинг бизнесини синдирганлиги туфайли охирги беш йил ичida бошқа мамлакатларга инвестиция киритишдан воз кечишларига тўғри келган.

Коррупциянинг юқори даражадалиги инвесторларга солинадиган қўшимча солиққа тенглаштирилади. БМТнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси лавозимида ишлаган **Ханс Корелл** «коррупция — универсал ҳодиса, аммо у ривожланаётган мамлакатлар учун айниқса ҳалокатлидир. Коррупция ҳуқуқий жамият қуриш, инвестицияларни жалб қилиш ва аҳолининг, айниқса, унинг камбағал қатламларининг фаровонлигини ошириш борасидаги барча ҳаракатларни йўққа чиқаради», дейди. Transparency International фирмасининг бош директори лавозимида фаолият олиб борган **Питер Айгеннинг** фикрича, «одамлар ушбу муаммонинг қанчалик муҳимлиги ва унга қарши кураш қанчалик қийинлигини тушуна бошладилар. Ҳалқаро аксилкоррупциявий коалицияга ўхшаш нимадир пайдо бўлди».

Шу билан бирга, конвенциянинг қабул қилиниши умуман коррупцияга қарши кураш учун катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаган бир қатор қашшоқ мамлакатлар вакиллари ҳар ҳолда Конвенцияда назарда тутилган мақсадлардан бири бўлмиш аввалги давлат бошлиqlари хорижга олиб чиқиб кетган пул маблағларини қайтариш мумкинлигига шубҳа билдиromoқдалар. Шунчалик кўп юридик тўсиқлар мавжудки, қашшоқ мамлакатларнинг уларни енгиши учун маблағлари етмайди. Айни вақтда Конвенция қабул қилинганлиги сабабли мансабдор шахс-

дар, биринчи навбатда, коррупция кенг ёйилган мамлакатарнинг мансабдор шахсларига таъсир кўрсатишнинг янги сиёсий дастаги пайдо бўлаётганлигини тан олмаслик мумкин эмас. Эндиликда жаҳон жамоатчилигининг фикрини бирлаштириш ва ҳаракатларни дунёning бундай мамлакатлари ҳукуматларига қарши мувофиқлаштириш мумкин бўлади. Уларнинг олдиларида фақат битта йўл – коррупцияга қарши курашни иложи борича кучайтириш йўли турибди. Шу жиҳатдан қараганда Хитойнинг «Женьминь Жибао» газетасида билдирилган фикр эътиборга лойик. Унда мамлакат БМТнинг коррупцияга қарши конвенциясини имзолагани ҳақида хабар эълон қилинган бўлиб, одил судлов органларида ишлаётган коррупционерларга қарши курашда эришилган катта ютуқлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Энди кўп давлатлар, биринчи навбатда, Конвенцияни имзолаган ва ратификация қилган давлатлар халқаро ҳамжамият олдида коррупция билан боғлиқ вазият ҳақида ошкора ҳисобот беришларига тўғри келади.

БМТ Бош котибининг коррупцияга қарши конвенция имзоланишига бағишлиланган юқори даражадаги сиёсий конференция очилиши муносабати билан юборган мактубида айтилишича, коррупция – кўпчилик мамлакатларда қашшоқликни чуқурлаштиришга олиб келадиган ҳамда ҳаммамизга дахлдор бўлган ва кутилмаган оқибатларга олиб келадиган офат. Ушбу Конвенциянинг имзоланиши бу зулмга қарши курашимизда эришилган йирик галабадир. Ҳар йили бу кун (9 декабрь – Ш.Р.) БМТнинг коррупцияга қарши курашга бағишлиланган куни сифатида нишонланади.

Конвенцияда коррупцияни йўқ қилиш учун давлатларнинг ўзлари масъул эканлиги аниқ белгиланган. Конвенцияда барча мамлакатлар ўз давлат бошқаруви режимларини ва коррупцияга қарши кураш соҳасидаги институтларини мустаҳкамлашда фойдаланишлари мумкин бўлган кенг қамровли стандартлар пакети таклиф қилинган.

Шу ўринда активларнинг қайтарилиши ҳақидаги ўзига хос биринчи қоидани таъкидлаш жоиз. Унга кўра, ҳукуматлар ўз тасарруфидаги (юрисдикциясида) бўлган ва кор-

рупция йўли билан қонунга хилоф тарзда олинган маблағларни улар ўғирланган мамлакатларга қайтаришга мажбурдирлар. Ушбу қоида жиддий галабадир. У элитаси коррупциялашган янги ҳукуматлар ўз мамлакатларига етказилган ижтимоий-иктисодий заарни тиклаш учун ниҳоятда муҳтоҷ бўлган миллиардлаб долларни файриқонуний равишда ўзлаштирган кўплаб ривожланаётган мамлакатлар олдила турган долзарб муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

У ёки бу мамлакатда коррупцияга қарши кураш ва унинг минимал даражасига эришиш учун, бизнингча, кенг жамоатчилик онгига коррупциянинг иктисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотлар ривожига, мамлакатнинг барқарорлиги ва иктисодий ўсишига ғов эканлиги, охир-оқибатда аҳоли фаровонлигини ўстиришга салбий таъсир кўрсатувчи иллат эканлигини сингдириш зарур.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоги даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, қуч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишини орзу қиласиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англашетмоғи лозим»<sup>7</sup>.

---

<sup>7</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-т. – Т., 1998. – 429-б.

## **2-бөб. КОРРУПЦИЯ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ**

### **2.1. Коррупциянинг моҳияти тұғрисидағи қарашлар**

«Коррупция» атамаси лотинча «corruptio» сүзидан келіб чиққан бўлиб, «бузиш», «сотиб олиш» деган маънодарни англатади. Ушбу икки сўз коррупциянинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Масалан, Россияда чоп этилган Юридик энциклопедияда «коррупция» атамаси «мансадор шахсларнинг ўзларига берилган ҳуқуқ ва ҳокимият ваколатларидан шахсий бойиш мақсадида фойдаланишларидан иборат бўлган сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият»<sup>8</sup> сифатида таърифланган.

1979 йил 17 декабря қабул қилинган Мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ-тартиботни сақлаш борасидаги ахлоқ кодексида: «...коррупция тушунчаси миллий ҳуқуқда таърифланиши лозим» дейилган, бироқ ушбу ҳодисанинг тахминий таърифи берилган: «...мансадор шахснинг мукофот берувчи шахс манфаати йўлида мансаб йўриқномаларини бузиб ёки бузмай мансаб ваколатлари соҳасида амалга оширган ҳар қандай шаклдаги ҳаракати ёки ҳараратсизлиги»<sup>9</sup>.

БМТнинг Коррупцияга қарши курашга оид маълумотномасида: «Коррупция — шахсий мақсадда фойда олиш учун давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш»<sup>10</sup> эканлиги кўрсатилган.

Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлатнинг ролига багишланган ҳисоботида ҳам коррупцияга шу каби таъриф

<sup>8</sup> Юридическая энциклопедия. 2-е изд., перераб. — М., 2003.

<sup>9</sup> Уголовный кодекс Республики Казахстан. — Алматы, 2007.

<sup>10</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. — Алматы, 2007.

берилган: «Коррупция — шахсий манфаат учун давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш»<sup>11</sup>.

Коррупцияни бундай тушуниш россиялик олимлар томонидан яратилган криминология фанида ҳам мавжуд. Масалан, А. И. Долгова коррупцияни «давлат ходимлари ёки бошқа хизматчиларнинг сотилиши ва шу асосда уларнинг расмий хизмат ваколатлари, улар билан боғлиқ обрўси ва имкониятларидан шахсий ёхуд тор гуруҳий, корпоратив манфаатлари йўлида фойдаланишларида кўрина-диган ижтимоий ҳодиса»<sup>12</sup> сифатида таърифлаган.

Н. Ф. Кузнецова коррупцияни «давлат аппарати ва но- давлат тузилмаларининг хизматчиларини сотиб олишда ифодаланадиган ижтимоий хавфли ҳодиса»<sup>13</sup> деб таърифланган. Бироқ, коррупцияни фақат сотилиш, порахурлиқдан иборат бўлмаган ижтимоий ҳодиса сифатида кенгроқ тушуниш тўғрироқ бўлади.

«Коррупция» тушунчасини АҚШ олимлари чукурроқ ва ҳар томонлама ўргангандар. Америкалик тадқиқотчилар ушбу ҳодисани сиёсий арбоблар, давлат аппаратининг ходимлари, тадбиркорлар ва бошқа шахсларнинг шахсий, оиласијий ёки гуруҳий манфаатлар йўлида бойиш ҳамда ўз ижтимоий мақомини ошириш мақсадида ўзларининг расмий мажбуриятлари ва давлат функцияларини бажаришдан бўйин товлашлари деб таърифлайдилар<sup>14</sup>.

Ж. Бэллентайннинг юридик энциклопедик лугатида «коррупциялашган» сўзи «шахсий фойда олиш мақсадида давлат органларининг вазифаларини бузувчи ҳамда одил судловнинг амалга ошиш жараёнига тўсқинлик қилувчи» деб таърифланган. Яна бир обрўли нашр бўлган Г. Блэкнинг юридик лугатида коррупция қўйидагича таърифланган:

<sup>11</sup> Отчет Всемирного банка о мировом развитии / Под общ. ред. Д. Тушунова. — М., 1997.

<sup>12</sup> Криминология / Под ред. А.И. Долговой. — М., 1997.

<sup>13</sup> Криминология / Под ред. Н. Ф. Кузнецовой, Г. М. Миньковского. — М., 1994.

<sup>14</sup> Михайлов. А.В. Борьба с коррупцией в США (80-е годы) // Вопросы истории. — 1994. — №5.

— «мансабдор шахснинг расмий вазифалари ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари билан сиғишимайдиган қандайдир устунлик бериш мақсадида содир этиладиган қилмиши»;

— «ўз мавқеи ёки мақомидан ноқонуний равишда ўзи ёки бошқа шахс учун бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва вазифаларига хилоф мақсадларда қандайдир устунликка эга бўлиш учун фойдаланадиган мансабдор шахснинг қилмиши».

М. Жонстон ва Ж. С. Наем сингари машхур америкалик тадқиқотчилар коррупция муаммосини қуидагича таърифлаганлар: «...mansabdar shahsga mavjud qo'idalarda keltirilgанидан ofuvchi hamda ӯzi, ӯz oиласи ёки ӯzi билан boғliq tor doiradagi shahslar учун moddij ёки mawqeiga oид имтиёзлар олиш истаги билан boғliq bўlgan, shuningdek, mansab билан boғliq vazifalarning bажарилишига шахсий мотивлар бўйича аралашишнинг cheklaniшини бузувчи хатти-ҳаракат»<sup>15</sup>.

Давлат хизматчиси ҳам давлат функциялари ижросининг занжиридаги ҳалқа бўлиб, ўз мавқеидан қониқмаган тақдирда давлат фаолияти шаклланадиган бутун занжирга зарар етказиши, яъни қонунга хилоф иш қилиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун давлат амалдорини зиммасидаги вазифаларни вижданан бажаришга ундовчи шароитлар яратиш керак, аксинча эмас<sup>16</sup>.

Муаллиф ҳам илгариги ишларида коррупциянинг асосий сабабларидан бири «...иқтисодиётда бозор муносабатларининг номукаммаллиги, қонунчиликдаги муаммолар, фуқароларнинг ахлоқий позицияларини ифодалашдаги камчиликлар»<sup>17</sup> эканлигини кўрсатади.

<sup>15</sup> Джонстон М. Поиск определений качества политической жизни и проблема коррупции // Международное жюри социальных наук. – Париж, 1997. – №16.

<sup>16</sup> Қаранг: Исмагулов Д.К. Причины и условия коррупционных правонарушений в государственных органов. // Материалы научной конференции молодых ученых Казахстана. Проблемы и перспективы развития Казахстана как правового и демократического государства: взгляды и суждения молодежи. – Алматы, 2007.

<sup>17</sup> Қобилов. Ш.Р. Миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари: Монография. – Т., 2006; Коррупция: келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси. – Т., 2011.



Филиппиннинг собиқ президенти Ф. Маркос ўзи ташкил қилған мамлакат миллий бойлигини ўмаришни легаллаштириш учун конституциянинг айрим моддаларига ўзгартиш киритган. Шу боис, М. Жонстон тұғри таъкидлаганидек, «коррупция қонунда талқын этилган таърифига мос келмаслиги, аксинча баъзи расман ноқонуний ҳарататлар муайян ахлоқий жиҳатларга эга бўлиши мумкин».

Коррупцияга бундай қарашни аксарият МДҲ мамлакатлари криминалистлари ва криминологлари қўллаб-куватлайдилар. Коррупцияга оид бир қанча ўзига хос таърифларни келтирамиз. «Коррупция — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари хизмат мавқеидан шахсий бойлик орттириш учун гаразли мақсадда фойдаланишдан иборат ижтимоий ҳодиса»<sup>18</sup>.

Г.А Саттаров, М. И. Левин ва М. Л. Цирик коррупцияни «фаразли мақсадларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш»<sup>19</sup> сифатида таърифлайдилар.

Коррупцияга ёрқин таърифни адвокат олим А. И. Кирпичников беради: «Коррупция — ҳокимиятнинг чириши. Занг металлни емирганидек, коррупция ҳам давлат аппаратини бузади ва жамиятнинг ахлоқий негизларини нуратади. Коррупция даражаси — жамиятнинг ўзига хос термометри, унинг ахлоқий ҳолати ва давлат аппаратининг вазифаларини ўз манфаатлари эмас, балки жамият манфаатлари йўлида ҳал қилиш қобилиятининг кўрсаткичи. Металл учун занглаш чидамлилик даражасининг пасайланлигини билдирганидек, жамият учун коррупцияга берилиш қаршилик кўрсатиш қобилиятининг пасайланлигини билдиради»<sup>20</sup>.

Коррупцияга таърифлардан яна бирини Б. В. Волженкин берган: «Коррупция — ҳокимиятнинг чиришидан иборат ижтимоий ҳодиса бўлиб, бунда давлат (муници-

<sup>18</sup> Кабанов. П.А. Коррупция и взяточничество в России: исторические, криминологические и уголовно-правовые аспекты. — Нижнекамск. Гузель, 1995.

<sup>19</sup> Саттаров. Г.А. Россия и коррупция: кто кого? // Российская газета. 19.02.1998.

<sup>20</sup> Кирпичников А. Это модное слово «коррупция» // Российская провинция. — Набережные Челны. 1995. №5.

над) хизматчилари ва давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган шахслар ўз хизмат мавқелари, эгаллаб турган лавозимининг мақоми ва обрўсидан фаразли мақсалларда шахсий бойиш ёки руҳий манфаатлар йўлида фойдаланадилар»<sup>21</sup>.

Коррупциянинг юқорида келтирилган барча таърифларини таҳлил қилиб, умуман олганда, коррупцияга қуидаги белгилар хослигини кўрсатиш мумкин:

Бу, аввало, аниқ юридик таърифи бўлмаган ижтимоий ҳодиса; охир-оқибатда у ривожланаётган бутун фуқаролик жамияти ва давлатнинг чиришига олиб келади, бунда коррупцион қилмишлар жамият ҳаётининг кундалик нормасига айланади;

мазкур ҳуқуқбузарлик субъектларининг муайян доираси мавжуд (булар, аввало, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган хизматчилар, шахслар, шунингдек, хусусий секторда бошқарув функцияларини бажаришга ваколатли шахслардир);

мазкур субъектларнинг ўз хизмат мавқеидан, эгаллаб турган лавозимининг ҳуқуқий мақоми ва обрўсидан (фуқаро сифатида ўзининг эмас, балки айнан лавозимининг обрўсидан) хизмат (яъни давлат хизмати ва хусусий сектор ташкилотларида хизмат) манфаатларига ҳамда ҳуқуқ ва ахлоқнинг белгиланган қоидаларига хилоф тарзда фойдаланишлари;

мазкур субъектларнинг ҳам шахсий бойиш мақсадида, ҳам бошқа шахслар манфаатлари ёхуд корпоратив манфаатлар йўлидаги фаолияти.

Шундай қилиб, коррупция – жамият ва давлатнинг чиришидан иборат ижтимоий ҳодиса бўлиб, бунда давлат хизматчилари, давлат функциялари ва ўзга бошқарув функцияларини, жумладан, хусусий сектордаги функцияларни бажариш ваколатларига эга бўлган бошқа шахслар ўз хизмат мавқеидан, эгаллаб турган лавозимининг мақоми ва обрўсидан хизмат манфаатлари ҳамда белгиланган

<sup>21</sup> Волженкин Б.В. Коррупция как социальное явление // Чистые руки. – 1999. – №4.

хуқуқ ва ахлоқ қоидаларига хилоф тарзда шахсий бойиш ёки руҳий манфаатлар йўлида фойдаланадилар.

Ҳокимият органларидағи коррупцияга келсак, бизнингча, уни қўйидагича таърифлаш мумкин: коррупция – давлат ҳокимиятининг чиришидан иборат ижтимоий ҳодиса бўлиб, бунда давлат хизматчилари, давлат функциялари ва ўзга бошқарув функцияларини, жумладан, хусусий сектордаги функцияларни бажариш ваколатларига эга бўлган бошқа шахслар ўз хизмат мавқеидан, эгаллаб турган лавозимининг мақоми ва обрўсидан хизмат манфаатлари ҳамда мавжуд хуқуқ ва ахлоқ қоидаларига хилоф тарзда шахсий бойиш ёки руҳий манфаатлар йўлида фойдаланиш тушунилади.

Жаҳон тажрибасига кўра, нодавлат ташкилотлари ёхуд хусусий сектордаги коррупция ҳозирги вақтда кенг тарқалган. Ташкилот (тижорат ёки жамоат ташкилоти) раҳбари унинг низомида курсатилган вазифаларга риоя этиши шарт, бироқ, у худди давлат амалдори сингари ўз шахсий гараз манфаатлари йўлида ёки бошқа бирор фойдасига ўзига тегишли бўлмаган бойликларни тасарруф этиш, ташкилот манфаатларига зид ҳаракатлар қилиш имконига эга. Бунга ижтимоий ҳаётдан мисол келтирамиз:

— тижорат банкларида пора эвазига бериладиган кредитлар ва пулни олиб қочиб кетиш мақсадида бўлганлар (бундай ҳодисаларга кўплаб мисоллар мавжуд);

— турли мулкчилик шаклидаги корхоналарда давлат ва корхонага зиён етказган ҳолда моддий бойликлар (вино-арақ ёки нефть-кимё маҳсулотларини ва ҳоказо) пора эвазига пасайтирилган нархларда олиш ва ҳоказо.

Энди тадқиқотимиз доирасида сиёсий коррупция ҳодисасига тўхтalamиз. Адабиётларда сиёсий коррупцияга оид қарашлар ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб тез-тез учрайди.

Айрим олимлар сиёсий коррупциянинг алоҳида турини ажратадилар. Масалан, проф. В. А. Шабалин сиёсат ва жиноятчилик муаммоларига оид хорижий манбаларни таҳлил қилиб, унбу ҳодисани қўйидагича таърифлайди: «...хукмрон сиёсий элитанинг давлат бойликларидан ўз ҳокимия-

тини мустаҳкамлаш мақсадида ноқонуний фойдаланишида намоён бўладиган девиант сиёсий хатти-ҳаракат»<sup>22</sup>. Биз унбу фикрга қўшиламиз.

Бундан ташқари, дунё тажрибасига кўра, сайлов босқичининг ўзидаёқ коррупция учун шарт-шароит яратилиди. Барчага маълумки, сайловда ғалаба қозониш учун ҳар қандай номзодга молиявий мадад керак, бунинг устига унбу мадад каттагина бўлиши лозим. Шу мақсадда номзод ёрдам сўраб турли тижорат тузилмаларига, баъзан жиноий гузилмаларга мурожаат этишга мажбур бўлади ва натижада уларга бевосита тебе бўлиб қолади. Табиийки, у сайланганидан кейин кўрсатилган хизмат эвазига ўз «мижозларига» хизмат кўрсатишга мажбур бўлади.

Сиёсий коррупциянинг асосий ва энг кўп қайд этиладиган, жиноий жазога тортиладиган шакллари пора бериш (Ўзбекистон Республикасининг ЖК 210-м.) ва уни олишдир (ЖК 212-м.).

Сиёсий коррупциянинг кенг тарқалган иккинчи кўриниши сиёсат субъектларини уларнинг сайланиш ҳукуқини амалга ошираётган чогида сотиб олишдир. Ушбу жиноят учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган. Мазкур ҳодисанинг қўйидаги турларини ажратиш мумкин:

1. Сайланавётган лавозимга номзодлар ёки уларни кўллаб-қувватловчи гуруҳ аъзоларининг сайловчиларни сотиб олиши (ёки сайловчилар овозларини сотиб олиши).

2. Сайланавётган лавозимга номзодни харидор учун фойдали хатти-ҳаракатни шакллантириш мақсадида сотиб олиш ёки ўз номзодини муайян номзод фойдасига олиш ёхуд «пассив» сайловолди кампанияси юритиш.

Халқаро амалиёт бу каби ҳолатларнинг мавжудлигидан далолат беради. Масалан, Буюк Британия парламентига сайловда депутатликка номзод М. Фарвар ўз рақибига у сайловолди кампанияси вақтида қаттиқ курашмаслиги учун 5 минг фунт стерлинг миқдорида пора берган<sup>23</sup>.

<sup>22</sup> Шабалин, В.А. Политика и преступность // Государство и право. – 1994. – №4.

<sup>23</sup> Скосырев М. «Медовый месяц» со скандалом // Известия – 1997. – 21 июня.

3. Сайлаб қўйиладиган давлат лавозимига номзоднинг ишончли шахсларини рақобатчилар ёки бошқа шахслар томонидан уларнинг ҳуқуқий мақомига қарши мақсадларда сотиб олиш.

4. Сайлов комиссияси аъзоларини уларнинг ҳуқуқий мақомига қарши қилмишлар содир этиш мақсадида сотиб олиш. Одатда, бунга ушбу шахснинг сайлов комиссиясида ишлашдан воз кечишини «сотиб олиш» киритилади.

Шундай қилиб, сиёсий коррупция сиёсатчилар, даъвогарлар ёки улар билан боғлиқ шахсларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вақтидаги қилмиши, муайян давлат лавозимини тайинлаш ёки тасдиқлаш, шунингдек, муайян лавозим ёхуд мақомни ўзи учун ҳам, бошқа шахслар учун ҳам олиш ёки сақлаб қолишга қаратилган, буни ўзининг ёки бошқа шахсларнинг манфаат ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиш, ўзининг ёки бошқаларнинг моддий бойликларидан давлат, жамият ва бошқа шахслар манфаатларига зид тарзда сиёсий фойда олиш, шахсий бойиш мақсадида, шунингдек, тор гурӯҳий манфаатлар ва сиёсий партиялар фойдасига бажаришга қаратилган бошқа сиёсий тадбирларни ўтказишидир.

Мавзуга оид адабиётларни ўрганиш шундан далолат берадики, коррупцияни амал қилиш даражаларига кўра қуи, юқори ва вертикал коррупцияга ажратиш мумкин.

*Қуи коррупция* ҳокимият ва бошқарув органларининг ўрта ва қуи даражаларида энг кўп тарқалган бўлиб, амалдорлар ва фуқароларнинг доимий ўзаро муносабати билан (рўйхатдан ўтиш, жарималар, лицензия ва турли рухсатномалар олиш кабилар) билан боғлиқ.

*Юқори коррупция* ҳокимият органларида ишловчи сиёсатчилар, олий мартабали амалдорларни қамраб олади ҳамда юқори баҳога эга бўлган қарорлар қабул қилиш (қонунларни, давлат буюртмаларини лоббилаш ва қабул қилиш, мулкчилик шаклларини ўзgartириш ва шу кабилар) билан боғлиқ. Аксарият ҳолларда коррупция битимидан манфаатдор бўлган иккала томон битта давлат ҳокимияти органига мансуб бўлади. Масалан, қуи турувчи давлат органининг амалдори юқори турувчи бошлиғига у

пора берувчининг коррупция ҳаракатларини ёниб туриши ёхуд қўшимча молиявий ресурслар, ваколатлар бериши кабилар эвазига пора беради.

Коррупциянинг мазкур шакли вазирликлар ва идораларнинг бутун вертикал даражасида, айниқса, Молия вазирликларида (трансфаретлар, дотациялар, ссудалар ва бошқа бюджет маблағларини ажратишида) кузатилади. Бу ерда коррупция, одатда, юқори ва қуйи коррупция ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради. Бу жуда хавфлидир, чунки мазкур ҳодиса тарқоқ ҳаракатлар босқичидан илдиз отаётган шакллар босқичига ўтганидан далолат беради.

## 2.2. Коррупциянинг келиб чиқиши сабаблари

Коррупциянинг хавфсизликка таҳдид солувчи гайриижтимоий ҳодиса эканлигини, унинг моҳиятини аниқлашда турли қаравшлар мавжудлигини олдинги мавзуда кўриб ўтдик. Унинг давлат амалдорларининг порахўрлик фаолиятидан иборатлиги ва жамиятга катта зарар етказишини кўпчилик тадқиқотчилар эътироф этадилар. Коррупция бир қатор иқтисодий муаммоларнинг ечими давлатга боғлиқ бўлишидан келиб чиқади деган фикрлар ҳам мавжуд.

Дарҳақиқат, коррупция ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида иқтисодий хавфсизликка таҳдиддир. Бу порахўрлик муносабати бўлиб, давлат номидан хизмат кўрсатиш чогида ўз мансабини суистеъмол қилувчи амалдорлар билан шу хизматдан фойдаланувчи фирмалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ўртасида содир бўлади, бунда пора бериш ва уни олиш юз беради. Пора хизмат учун бериладиган устама тўловдир, чунки бирламчи ва қонуний тўловларни давлат ўз хизматчисининг иш ҳақи шаклида тўлайди.

Илмий адабиётларга асосланниб порахўрлик муносабатларини уч субъектли деб айтиш мумкин. Булар: пора олувчиликлар, пора берувчилар ва улар ўртасидаги воситачилар. Пора олувчилар давлат амалдорлари бўлса, уни берувчилар амалдорлар хизматига муҳтожлардир. Воситачилар айрим шахслар ва яширин ташкилотлардан иборатдир.

Коррупциянинг иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқий баҳоланишини фарқлаш зарур. Иқтисодий жиҳатдан эркин бозор қонун-қоидаларига мос келмаганидан яширинча юз берадиган муносабат. Бу муносабатда барча коррупциялашган унсурларнинг манфаати уйғунлашади. Амалдор хизматига талаб бўлгандан, уни таклиф этишади, яъни сотишади. Бу ерда пора яширин хизмат ҳақи шаклига киради. Порахўрликда ҳам бозор муносабати бор, лекин бу ғайриижтимоий тор эгоистик манфаатга бўйсунувчи муносабат бўлганидан уни жамият тан олмайди, чунки бу ерда айрим шахслар ёхуд гуруҳлар манфаатининг амалга ошиши бошқалар манфаатига йўл бермаслик ҳисобидан бўлади, шу важдан буни жамият қабул қилмайди, у яширин тус олади.

Жамиятга маъқул ҳодисаларни юридик қонунлар тартибга солади. Шу нуқтаи назардан, коррупцияни ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний, қонунлар ман этадиган иқтисодий фаолият<sup>24</sup> деб айтиш мумкин. Коррупция — глобал ҳодиса, ундан заарар кўрмаган мамлакат йўқ, лекин коррупциялашув даражаси турли мамлакатларда ҳар хил. Бу коррупция илдизлари чуқур бўлишидан гувоҳлик беради.

Коррупциянинг сабаблари ҳар хил талқин этилади. Улар объектив ва субъектив бўлишига эътибор берилади. Улар орасида қонунчиликнинг номукаммаллиги, демократик принциплар ва институтларнинг ривожланмаганлиги, давлатнинг кучсизлиги ажратилади. Бизнингча, коррупциянинг мавжудлигини иқтисодий тизимнинг ўзидан қидириш керак. Коррупция иқтисодий ҳодиса экан, унинг иқтисодий илдизларини топиш керак. Бу илдизлар пул муносабатларининг ўзида жойлашган. Пул универсал тўлов воситаси, уни ҳамма операциялар учун қабул қилишади, пул бойликнинг тимсоли, бойлик тўплашнинг энг қулаги шакли. Пулдаги энг юксак ликвидлик хусусияти уни кўпроқ топишга интилишни келтириб чиқаради. Пулни сақлаш хавфсиз, уни хоҳлаганча жамгариш мумкин. Пул —

<sup>24</sup> Қаранг: Қобилов Ш.Р. Коррупция: келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси. — Т., 2011. — 20-б.

ликвидлиги энг юқори бўлган актив, ликвидликни эса пулнинг қадр-қиммати таъминлайди. Пул кўзга кўринмас молиявий алоқалар ўрнатиш имконини беради. Пулнинг ликвидлиги муҳим бўлганидан, пора беришда қаттиқ ва-люталар ишлатилади, чунки уларнинг қадри барқарор бўлгани учун жамғариш воситаси бўла олади. Пул — бозор муносабатларининг маҳсали, унинг ёрдамида барча иқтисодий алоқалар амалга оширилади ва шу сабабли пул муносабатларининг ривожланиши коррупцияни озиқлантиради.

Коррупцион даромад ҳаром даромад бўлиб, бу даромадлардаги тенгсизликни келтириб чиқаради ва кучайтиради. Коррупциянинг миллий хавфсизликка хатари шундаки, у кишиларда норозилик уйготиб, жамиятдаги интизомий мувозанатга таҳдид солади. Шунингдек, коррупция даромадларнинг порахўрлар қўлида тўпланишига олиб келади. Натижада, ўз соҳиби ишлаб топган даромаднинг порага айланган қисми яширин тарзда жамғарилади. Порахўр қўлида жамғарилган пул инвестицияга ҳам хизмат қилмайди. Энг ёмони бу аҳоли қўлидаги пул қолдигини қўпайтиради ҳамда пул муомаласига ражна солади.

Натурал ишлаб чиқариш шароитида порахўрлик моддий шаклда бўлиши мумкин, уни кўздан яшириб бўлмайди. Пул муносабатлари эса яширин муносабат ўрнатишида қўл келади. Хуллас, коррупциянинг объектив сабаби пулнинг юксак ликвидлик хусусиятидир. Бу пул фетишизми ни, яъни уни илоҳийлаштиришни, унга сифинишни юзага келтиради, пул ҳамма нарсани ҳал қилувчи кучга эга бўлади. Бу эса пулга очкўзликни уйготади, уни файриқонуний йўл билан топа олиш имконияти бор кишиларни коррупциялашган кишиларга айлантиради, булар, одатда, давлат амалдорлари бўладилар. Бунда бозор механизмининг кам лаёқатли бўлиши кузатилади, унинг ожизлигини давлат механизми тўлдириб боради. Давлат механизми лаёқатли бўлиб қолганда унинг амалдорлари хизматига талаб ошади, чунки шундай йўл билан иш битади. Бу порахўрликни рагбатлантиради, албатта.

Мамлакатимизда бозор тизими ҳозирча мукаммал эмас, унинг механизмларида узилишлар бўлиб турибди ва бу коррупцияга қулай шароит ҳозирламоқда. Демак, коррупцияга қарши курашнинг энг маъқул йўли бозор муносабатларини такомиллаштиришдир. Бундай заруратни бозор тизими ривожланган жойда коррупциянинг кучсиз бўлиши фактининг ўзи кўрсатиб туради.

Иқтисодиётда шундай зиддиятли ҳолатлар қузатилади, у ўсган сари унинг ижтимоий йўналиши кучаяди, бу эса давлатнинг ижтимоий дастурларини молиялаштириш учун катта маблаг талаб қиласи ва бу бюджетда тўпланади.

Бюджет маблағларининг тақсимланиши амалдорларга боғлиқ. Бу ҳол уларни пора орқали сотиб олиш талабини кучайтиради. ЯИМда давлат истеъмолининг ҳиссаси камайишга мойил бўлса-да, унинг мутлақ миқдори барibir ўсади, чунки ЯИМ доимо кўпайиб боради. Давлат истеъмолини қондириш харажатлари бюджетдан молиялаштирилади. Давлат истеъмоли товарлар ва ресурслар харидини юзага келтиради. Давлат буюртмасини олиш фирмаларга товарининг сотилишини, шу боис фойда тушишини кафолатлайди. Бинобарин, буюртма учун рақобатлашув келиб чиқади. Бу рақобатда пора бериш ҳам қўлланилади. Бу, айниқса, давлат инвестициялари кўпайган кезларда юз беради, чунки давлат истеъмолининг ортиши юз беради. Давлат истеъмоли жамият ривожи учун зарур, бироқ, бу коррупция учун шароит яратади. Натижада жамият ўзига маъқул ва номаъқул ҳодисаларга дуч келади. Демак, коррупцияни бозор тизимидағи ички зиддият юзага келтиради, деб айтиш мумкин.

Коррупциянинг объектив сабабларидан бири давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва шунга bogliq ҳолда бизнесни ривожлантириш муаммолари ҳал қилинишининг давлат амалдорларига bogliq бўлишидир. Давлатнинг иқтисодиётга таъсири иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий усувлар орқали юз беради. Бу усувларнинг қўлланилиши амалдорлар фаолиятига bogliq.

Давлатнинг рухсат бериш функциясининг ҳаддан ташқари кенг доирада сақланиб қолиши ҳам коррупциянинг

илдизларидан биридир. Давлат құлидаги субсидиялар, соликлар, имтиёзли лицензиялар, квоталар, преференциялар ва буюртмалар каби воситалар бизнесни тартибга солиб туришда құлланилади. Улардан кимнинг баҳраманд бўлиши амалдорларнинг муносабатига боғлиқ. Иқтисодий фолиятдан яхши натижага эришиш учун тадбиркорлар пора бериш йўли билан амалдорларни сотиб олиш ва улар орқали имтиёзларга эга бўлишга интиладилар. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарур эканлиги ва айни вақтда коррупцияни юзага келтириши иқтисодиётдаги зиддиятли ҳолатдир.

Коррупция сабабларини аниқлашда кўпчилик тадқиқотчилар давлат қонунларининг номукаммаллигига ургу берадилар. Бу тўғри, лекин ҳеч қачон ва ҳеч қаерда абадий мукаммал қонунлар бўлмаган. Қонунлар, одатда, реал ҳаётдаги ўзгаришлардан орқада қолади, шу сабабли улар тез-тез ўзгартирилиб, тўлдирилиб туради. Мукаммал ҳисобланган қонунлар вақт ўтиши билан номукаммал бўлиб қолади, чунки реал ҳаёт илгарила бетади. Номукаммал қонун реал ҳаёт талабидан ортда қолган ва келажакни тўла акс эттирмайдиган қонундир. Бундай қонунлар яхши ишламайди, натижада коррупцияга йўл очилади. Кўпчилик ўтиш даври мамлакатларидаги қонунлар номукаммаллиги билан ажралиб туради, чунки улар четдан андоза олган ҳолда яратилган қонунлар бўлиб, улар яхши ишламаган ва бу коррупционерларга қўл келган бир қатор МДҲ мамлакатларида қонунларнинг номукаммаллигидан усталик билан фойдаланган гуруҳлар амалдорларга пора бериш воситасида капитал жамғаришни тезлаштирганлиги маълум. Коррупциянинг ривожи қонунларнинг сифатига боғлиқ. Шу боис унга қарши курашиш воситаларидан бири қонунларни ўз вақтида қайта кўришдир.

Коррупция сабабига тўхталганда бир қатор олимлар ва сиёсий арбоблар давлат амалдорлари иш ҳақининг камлигига ургу берадилар. Бу ҳам порахўрликка интилишни кучайтиради, лекин бу унинг бирдан-бир сабаби эмас. Иш ҳақининг озлиги қўйи табақадаги амалдорларни порахўрликка ундейди. Аммо катта пора олиш юқори мансабли

амалдорларга хос. Порахұрлық ҳуқуқ-тартибот органларида ҳам тез-тез учраб туради, вақоланки бу ердаги иш ҳақи ва пенсиялар юқори ҳисобланади. Демак, порахұрлық иш ҳақидан күра пора олиш имкониятларига күпроқ боғлиқ-дир.

Коррупцияни лоббизм ҳам келтириб чиқаради, бироқ, ҳар қандай лоббизм ҳам бунга олиб келмайди. Рухсат берилгандын, жамият тан оладиган лоббизм борки, у очиқ бозор алоқаларига таянади. Бунда у ёки бу гурұх шахслар ёки фирмалар манфаатига мос келадиган, лекин жамият учун заарасиз бұлган қарорларни давлат идоралари томонидан қабул қилиш зарурлигини асослаш да бунга құмаклашиш билан боғлиқ лоббизм коррупцияни келтириб чиқармайды, чунки бу үринде бозор қоидаларига биноан лоббистик хизматлардан очиқчасига уларнинг ҳақини тұлаган ҳолда фойдаланиш юз беради. Аммо, шу билан бирга, хуфиёна лоббистик хизматлар борки, улар индивидуал да корпоратив манфаатларни ҳимоя қылған ҳолда башқалар манфаатига зид ишларнинг амалга оширилишини билдиради. Шундай бұлғанда, ғайриқонуний лоббизм пайдо бұлади, унинг хизмат ҳақи порадан үзге нарса бұлмайды. Иқтисод да демократия ривожланған мамлакаттарда ошкора лоббизм күпроқ учраса, иқтисоди қолоқ да демократия ривожланмаган жойда лоббизм қоррупцион ғаолият шақлини олади.

Юксак ликвидли активларнинг мавжудлиги да давлатнинг иқтисодиётта аралашуви, демократия даражасининг пастлиги коррупциянинг объектив сабаблари бұлса, ахолининг маңнавияти даражаси да ахлоқ-одоби, демократия қоидаларига содиқлигидеги нұқсанлар коррупциянинг субъектив сабабларига киради. Субъектив муносабат коррупцияни кучайтириши ёки заифлаштириши мүмкін, бироқ коррупцияни тәг-томири билан йүқотолмайды. Чунки унинг илдизлари иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражасига бориб тақалади.

Коррупциянинг салбий ҳодиса сифатида хавфсизликка таҳдид солиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайды, шу сабабли

давлат идоралари ва жамоатчилик ташкилотлари унга қарши курашиб келади. Бироқ, дунёning ҳеч бир мамлакатида, ҳатто ҳар томонлама юксак ривожланган мамлакатларда ҳам коррупция тугатилмаган. Жамият коррупцияни чеклаб туриши, уни катта хавф туғдирмайдиган даражага келтириши мумкин. Унга қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқиши ва қўллаш учун қайси соҳа қай даражада коррупциялашганини билиш талаб қилинади. Бунга коррупцияни миқдорий таҳлил қилиш воситасида эришилади.

Коррупциянинг турли кўринишлари ва коррупцион муносабатларнинг авж олиши нафақат тарихий манбаларда, балки ўша даврнинг илгор ёзувчи ва файласуфлари асарларида ҳам ўз аксини топганлигини кўрамиз. Француз мутафаккири Шарль Монтескье «... ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс уни суистеъмол қилишга мойил бўлади ва маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради» деган фикрни билдирган.

Шекспирнинг «Венециялик савдогар», «Қонга қон, жонга жон», Дантенинг «Дўзах», «Тозаловчи» асарлари бунга мисол бўла олади.

Данте коррупционерларни дўзахнинг энг қоронғи ва энг чуқур жойига ташлаш керак, деган фояни илгари сурган.

Кўриниб турганидек, коррупция иллат сифатида жамият аҳли томонидан қораланади. Коррупция маънавий бузилишнинг кўриниши экан, барчамиздан инсон маънавиятини юксалтириш борасида масъулият талаб қиласи.

### **3-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ**

Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш сиёсати ва бу борада эришилган натижаларга тұхталсак. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Конституцияга асосланған ҳолда қабул қилингандык норматив-хуқуқий база яратылған бўлиб, у коррупциянинг давлат, хўжалик бошқаруви органларининг бир маромда амал қилишига салбий таъсирiga қарши кураш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида демократик ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатда барқарорлик ва хавфсизлик сақланишини таъминлаш учун хизмат қиласи.

Бугунги Ўзбекистоннинг қўплаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий муаммолари орасида коррупцияга қарши кураш алоҳида ўрин тутади. 2008 йил 7 июля «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши тўғрисида»ги қонуни бу борадаги ишларнинг асосийси ҳисобланади

**Истанбул ҳаракат режаси.** Ўзбекистон 2009 йилда Истанбул ҳаракат режасига қўшилган. Бу Ўзбекистоннинг коррупциянинг олдини олиш ва илдизини қутишига дадиллик билан киришганининг яққол ифодасидир. Истанбул ҳаракат режаси — ОЭСР (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) тизими минтақавий ташаббус асосида ташкил этилган бўлиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, шунингдек, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Грузия каби мамлакатлар учун мўлжалланган. Истанбул ҳаракат режасини амалга оширишда ОЭСР тизими доирасига кирувчи бошқа давлатлар ҳам иштирок этади. Истанбул ҳаракат режаси ўз таркибига мамлакатларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида таҳлиллар үtkазиш ва қонунчилик мониторингини қамраб олади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ОЭСР тизими доирасида биринчи ва иккинчи раунд мониторинги ўтказилиб, ҳисобот тайёрланган. Ҳисобот 2012 йилнинг 24 февраляда коррупцияга қарши курашиш Истанбул ҳаракат режасининг пленар йигилишида қабул қилиниб, мамлакатимизда бозор иқтисодиётини эркинлаштириш борасида босқичмабосқич таркибий ислоҳотлар олиб борилаётгани, сўнгги 10 йилда изчил иқтисодий ўсиш таъминланаётгани, аҳоли фаровонлиги юксалиб бораётганлиги, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ялпи ички маҳсулот МДҲ мамлакатларига нисбатан Ўзбекистонда ўсиш тенденциясига эга эканлиги қайд этилган.

Шу ўринда 2012 йилда Буюк Британиянинг халқаро миқёсда тан олинган Легатум институти ўзининг Фаровонлик ва ривожланиш индексида Ўзбекистонни дунё мамлакатлари орасида ҳақли равишда 64-ўринга киритгани барчамизга мамнуният бағишлийди.

БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига кўшилганидан сўнг мамлакатимизда миллий қонунчиликни конвенция талаблари асосида мувофиқлаштирувчи Идоралараро ишчи гурӯҳ тузилди. Мазкур гурӯҳ таркибига 12 та вазирлик вакиллари киритилган бўлиб, уларга Бош Прокуратура ва Адлия вазирлиги раҳбарлик қиласиди. Ишчи гурӯҳ томонидан конвенция талаблари асосида белгиланган вазифалар доирасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши кураш Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати ва давлат органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Коррупцияга қарши кураш сиёсатининг мақсади — коррупция даражасини пасайтириш ҳамда фуқаролар, жамият ва давлат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг коррупция билан боғлиқ таҳдидлардан ҳимояланишини таъминлашдан иборат. Бу сиёсат давлатнинг коррупцияга қарши қаратилган, қабул қилинган турли қонунлари, қарорлари, дастурларида ўз ифодасини топади. Коррупцияга қарши кураш сиёсати — бу давлатнинг коррупциянинг олдини олиш, у пайдо бўлганда уни тутатиш ва чеклаш

борасидаги саъй-ҳаракатлари ва аниқ чора-тадбирлар маж-муидир.

Коррупция ва жиноятчиликни минимал даражага келтириш мақсадида мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси қабул қилинганидан сўнг коррупция қонун доирасида миллий хавфсизликка хавф солувчи омил сифатида тан олинди.

Коррупцияга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, «Ўзбекистон Республикаси депутатининг мақоми тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси тўғрисида»ги, «Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашининг депутати тўғрисида»ги, «Судлар тўғрисида»ги, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлар ёрдамида муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мақоми ва ваколатлари белгиланган. Шуннингдек, уларда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий механизмлари тизими ҳамда ҳокимият ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ва хизмат ваколатлари доирасидан четга чиқиш, хизмат сохтакорлиги, пора олиш ёки бериш ва шу каби бошқа жиноятлар учун жавобгарлик белгиланди.

Алоҳида қайд этиш лозимки, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, судьялар лавозимига номзодларни танлаш ва тавсия этишнинг очиқлигини таъминлаш, судья лавозимига захирани шакллантиришнинг демократик принципларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамиятга эга. Судьяларнинг малакалашуви амалга оширилди, судлар ўзларига хос бўлмаган фаолият — суд қарорларини ижро этишдан озод этилди.

Коррупцияга қарши курашнинг энг муҳим институционал механизмларидан бири Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ташкил этилган бўлиб, у тизимли равишда ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистоннинг биринчилар қаторида Марказий Осиё худудида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича ҳукуматлараро комиссия, яъни Евроосиё грухи — ФАТФнинг тавсиялари асосида 2004 йил 26 августда Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинганидир. Қонун 2006 йилдан кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини узлуксиз мониторинг қилиш ва ижро этилишини назорат этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 21 июндаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тузилиб, у ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва мамлакат парламентига ҳисоб беради.

Махсус ваколатли молия органи — Фазначилик институти ташкил этилди. Унинг вазифаларига бюджет органларининг мақсадсиз, асоссиз сарф-харажатларининг олдини олиш, тўлов интизомига сўзсиз риоя қилишларини таъминлаш кабилар киради.

Жаҳон амалиётига кўра, коррупциянинг келиб чиқиши иқтисодий тизимга боғлиқ бўлганлиги боис, мамлакатимизда иқтисодий тизимни модернизация қилиш ишлари жадал амалга оширилмоқда. Чунки иқтисодий тараққиёт демократияни рағбатлантиради, ислоҳотларнинг обрўсини оширади, натижада коррупция даражасининг пасайишига шароит яратилади.

Бозор тизими ҳозирча дунёning аксарият мамлакатларида мукаммал эмас, унинг механизмларида узилишлар бўлиб турибди ва бу коррупцияга қулай шароит ҳозирла-

моқда. Демак, коррупцияга қарши курашнинг энг маъқул йўли бозор муносабатларининг ўзини такомиллаштиришдир. Бундай заруратни бозор тизими ривожланган жойда коррупциянинг кучсиз бўлиши фактининг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис мамлакатимизда коррупциянинг пайини қирқиш борасида иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга эътибор қаратилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» айнан либераллашув дарражасини кенгайтириш мақсадини қўзлаган. Коррупциянинг объектив сабаби товар-пул муносабатлари бўлгани учун уни мутлақо тугатиш қийин. Бироқ, уни иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий воситаларни қўллаш орқали чеклаш ҳамда жамият учун хавфини кучизлантириш мумкин.

2011 ва 2012 йилларда мамлакатимизда халқаро эксперtlар томонидан ўtkazilgan мониторингнинг биринчи ва иккинчи раунд яқунларига кўра: «Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» коррупциянинг олдини олишнинг институционал механизmlарини такомиллаштиришдаги янги босқич бўлганилиги ҳамда мазкур стратегик ҳужжатда мамлакатимизда бугун ва истиқболда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти баён этилган бўлиб, буни бугун дунё жамоатчилиги эътироф этаётганлиги» таъкидланади<sup>25</sup>.

Концепцияга мувофиқ мамлакатимизда дунёвий ва демократик тараққиёт йўлининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи мукаммалроқ қонунлар ишлаб чиқишига эътибор берилмоқда. Бозор муносабатларини такомиллаштириш борасида амалий ишлар йўлга қўйилди.

<sup>25</sup> Қаранг: Узбекистан: Объединенные первый и второй раунды мониторинга. Отчет о мониторинге. — Штаб-квартира ОЭСР в Париже, 2012.

Давлат бошқаруви тизими «шаффоф», тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун норматив-маъмурий түсиқларни минимал даражага келтириш орқали давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

XX асрнинг охирларида ва XXI асрга келиб иқтисодиётning глобаллашуви оқибатида хуфиёна иқтисодиёт миллий доирадан чиқиб, халқаро даражага кўтарилиди. Бунга мисол сифатида халқаро наркобизнес, яширин қурол савдоси, одам савдоси, ишчи қучининг яширин миграциясими уюштириш, оффшор зоналар орқали гайриқонуний йўллар билан топилган пулни «ҳалоллаб» олиш кабиларни кўрсатиш мумкин. Коррупция даражаси ҳамда хуфиёна иқтисодиёт ўртасидаги баглиқликка алоҳида эътибор қаралиби, ҳозирги кунда хуфиёна иқтисодиётнинг мазмунига иштирокчилари томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқ тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иқтисодий фаолият турлари сифатида қаралмоқда. Чунки хуфиёна иқтисодиёт ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол жараёнлари — иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки гуруҳлар манфаатлари ётади.

Коррупцияга қарши кураш сиёсати яширин иқтисодиётга қарши курашнинг битта кўриниши бўлиб, иқтисодиётни соғломлаштиришга хизмат қиласи.

Мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан коррупциявий хусусиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш борасида мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда коррупцияни вужудга келтирувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, шунингдек, қабул қилинган чораларнинг амалий натижалари устидан давлат органларининг жавобгарлигига асосий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилиги БМТнинг Коррупцияга қарши кураш кон-

венциясида кўрсатилган коррупция билан боғлиқ барча жиноий актларни қамраб олади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси юқорида қайд этилган конвенцияда кўрсатилмаган коррупция билан боғлиқ жиноий актларни ҳам назарда тутади.

Мутахассислар буларга Жиноят кодексининг 167, 175, 205, 206, 207, 208, 209, 210, 211, 212, 213, 214, 230, 236, 241<sup>1</sup>, 243-моддаларини киритиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш борасида изчил демократик ислоҳотлар фаол давом этмоқда. Иқтисодиётнинг узлуксиз ривожланиши учун ҳуқуқий майдон яратилди ва бу мамлакатимизда коррупция даражасини минималлаштиришга баҳоли қудрат хизмат қилмоқда.

Жаҳон амалиётига кўра, давлатнинг рухсат бериш функцияси ҳаддан ташқари кенг доирада сақланиб қолиши ҳам коррупциянинг илдизларидан биридир. Давлат қўлидаги субсидиялар, солиқлар, имтиёзли лицензиялар, квоталар, преференциялар ва буюртмалар каби воситалар бизнесни тартибга солиб туришда қўлланилади. Улардан кимнинг баҳраманд бўлиши амалдорларнинг муносабатига боғлиқ бўлади. Иқтисодий фаолиятда яхши натижага эришиш учун тадбиркорлар пора бериш йўли билан амалдорларни сотиб олиш орқали имтиёзларга эга бўлишга интиладилар. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарур эканлиги ва айни вақтда коррупцияни юзага келтириши иқтисодиётдаги зиддиятли ҳолатdir.

Мамлакатимизда демократик институтлар ва нодавлат ташкилотларнинг жамиятдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг қўйидаги фикрини келтириш ўринлидир: «Биз давлатнинг назорат функцияларини қанчалик кучайтирасак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирасак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамоат

назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиш лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ».

Жамоат назорати қанчалик кучли бўлса, коррупцияни минимал даражага тушириш имконияти шунчалик катта бўлади. Шу боис республикамида фуқаролик институтлари, сиёсий партиялар, маҳалланинг ваколатларини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Давлат органлари томонидан қонунларни сўзсиз бажарилишини назорат қилишни кучайтиришда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишдаги ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши муҳим шарт бўлиб хизмат қилади. Кенг жамоатчиликнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги таъсирини, ўрни ва ваколатини, ҳуқуқини кучайтириш, унинг чинакам мустақиллигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, давлат органлари томонидан коррупцияга қарши кураш соҳасида «ишонч телефонлари»дан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган бўлиб, улар орқали фуқаролар мансабдор шахсларнинг файриқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида маълумот беришлари мумкин.

Коррупция масалалари бўйича жамоат фикрини ўрганишга доир тизимли асосда маҳсус тадқиқотлар ўтказилиши йўлга қўйилмоқда. Уларнинг натижалари коррупцияга қарши курашиш сиёsatини такомиллаштиришга кўмак беради.

Жамиятни назорат қилиш функциясининг фуқаролик жамияти қуришдаги аҳамияти катта эканлиги эътироф этилмоқда. Айни пайтда, Концепцияга мувофиқ, «**Жамоат назорати тўғрисида**»ги қонун лойиҳаси тайёрланган бўлиб, қабул қилиш босқичида турибди.

Жамоатчилик назорати асосий конституциявий тамоиллардан бири — ҳалқ ҳокимиятчилиги тамойили, шунингдек, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этишини таъминлашнинг муҳим шартиdir. Жамоатчилик назорати демократия ва

халқ ҳокимиятчилигининг муҳим институти ҳисобланиб, у давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш орқали фуқароларнинг ва қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлашга хизмат қиласди.

Халқ ҳокимиятчилиги ва давлат бошқарувида ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Юртимизда фуқаролик жамияти самарали намоён бўлишининг устувор талабларидан бири давлат ҳокимияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратининг амалга оширилишидир. Зеро, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш демократиянинг ифодаси, уни реал амалга ошириш ҳисобланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халқ назорати остида фаолият юритишининг конституциявий-хуқуқий асослари Асосий қонунимизнинг 2, 7, 32 ва бошқа моддаларида ўз тасдифини тоиган. Хусусан, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб, Конституция ва қонун ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган. Айни пайтда 1400 га яқин оммавий ахборот воситаси, жумладан, 4 та ахборот агентлиги, 700 га яқин газета, 300 га яқин журнал, 100 га яқин телерадиоканал, 300 дан ортиқ веб-сайт фаолият юритмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда Интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллион кишидан ошли ёки мамлакатимиз аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этмоқда. Уяли алоқа тизимидан фойдаланувчилар сони эса қарийб 20 миллион кишини ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳокимият идораларининг халқ манфаатларига бўйсундирилганлиги конституциявий принцип тар-

з�다 улар фаолиятининг асосий мезонига айланди. Конституцияга охирги киритилган янгиликлардан бири — давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ҳақидаги норма бўлди.

Ҳозирги пайтда демократик давлатчиликнинг ривожланиш даражаси, жамиятни эркинлаштириш жараёнларининг жадал бориши, қўп партиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши, мамлакатимиз аҳолисининг изчил юксалиб бораётган сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси, ижтимоий-сиёсий фаоллиги давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада модернизация қилиш, уларни ошкора фаолият юритишини таъминлаш вазифасини кун тартибиға қўймоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигига эришиш аҳолини ижтимоий-сиёсий ислоҳотлардан хабардор қилиб бориш, бу борада ахборот эркинлигини таъминлаш демократик жамиятни барпо этишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади. Давлат идоралари фаолияти юзасидан мунтазам ахборот олиб туриш ва шу орқали жамоатчилик назоратининг самарали механизmlарини излаш ҳокимият тузилмаларини демократлаштиришнинг долзарб йўналишларидан биридир. Ана шундай ҳуқуқий механизм сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти **«Мамлакатимиз демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»**да илгари сурган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг 2014 йил 5 майда қабул қилиниши бўлди.

Шундай қилиб, 2014 йилнинг 6 май кунидан юридик кучга кирган мазкур қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти хақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришнинг самарали тизимини яратиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулияти ҳамда жавобгарлигини ошириш, қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламларига мунтазам етказиш, уларнинг фаоллигини кучайтириш, давлат органлари устидан жамоатчилик назоратини самарали таъ-

минлаш, умуман демократик ислоҳотларни янада авж олдиришга кўмаклашади.

Мамлакатимизда давлатнинг рухсат бериш функциясини минимал даражага тушириш борасида сўнгги йиллар мобайнида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб етиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди. Давлат ва назорат қилувчи идораларнинг тадбиркорлик субъектлари билан электрон шаклдаги билвосита алоқаси босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бизнесни рўйхатга олиш жараёни «бир дарча» тамойили асосида атиги икки кун ичидаги амалга оширилади ва бу энг яхши халқаро амалиёт талабларига тўла мосдир. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди<sup>26</sup>.

Белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида фуқароларни қонунга ҳурмат, коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик руҳида ҳуқуқий тарбиялаш коррупцияга қарши курашнинг қудратли воситаси ҳисобланади. Республикаизда жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича давлат дастури қабул қилинди (1997 й. август) ва уни рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг суд тартиби белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат олди-сотди тизимини оптималлаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларининг жалб қилинишини кенгайтириш тўғрисида»ги 2011 йил 7 февраль Фармонига биноан давлат томонидан товарлар (иш, хизматлар)

<sup>26</sup> Қаранг: Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т., 2013. – 29-б.

олди-сотди тизимининг янги механизми киритилди. У тадбиркорларнинг ресурслар ва олди-сотди бозорига киришини таъминлайди.

2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат савдоси бўйича комиссия ташкил этилди. Ушбу комиссия таркибига 16 нафар юқори лавозимли (вазир ўринбосарлари, давлат идораларининг раҳбарлари ва ҳ.к.дан иборат) мансабдор шахслар киради ва улар зарурат туғилганида йигиладилар. Уларнинг вазифасига давлат савдосининг стратегик масалаларида назоратни таъминлаш, давлат савдоси тендерида қатнашувчиларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш, кичик бизнес субъектлари учун сотиб олишга квота ўрнатиш ва давлат савдоси жараёнида давлат маблағларининг сарфини назорат қилиш киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик талабларига кўра, давлат органларининг ноқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек, қонунчиликка зид тарзда қабул қилинган идоравий ҳужжат туфайли тадбиркорлик субъектига етказилган зарар давлат томонидан қопланадиган бўлди.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда жамиятнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, жумладан, коррупцияга қарши саводхонлигини ошириш бўйича мақсадли тадбирлар изчил йўлга қўйилди. Ушбу тадбирларни ташкил қилиш мақсадида 2011 йилда маҳсус ҳайъат органи – Давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат ишларини мувофиқлаштирувчи идоралараро кенгashi тузилди. Натижада республикамизнинг турли тузилма ва мусассасаларида коррупцияга қарши курашиш масалалари, БМТ Конвенциясининг моҳияти, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид семинарлар, илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари йўлга қўйилган.

Коррупцияга қарши курашда халқаро ҳамжамият ва иқтисодиётнинг янада интеграциялашуви каби Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий исло-

ҳотлар учун устувор мақсадларнинг амалга оширилиши нафақат мамлакат фуқароларининг тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқишилари ортишига, балки чет эллик шерикларнинг мустақиллик йилларида орттирган ишончининг минг чандон кўпайишига сабаб бўлади. Пировардида, мамлакатда сармоя, инвестицияларни киритиш, технологиялар, чет эл тажрибаларини жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар юзага келиб, бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимиға тўла равишда интеграциялашуви учун имкон яратади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов сайловолди дастурида: «Бугунги кунда тараққиёт, туб таркибий ўзгаришлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим шарти инвестиция жараёнлари билан боғлиқ экани ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиёти учун ўйоналирилган инвестициялар ҳажми 190 миллиард доллардан ошди ва бу маблагнинг 65 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди»<sup>27</sup>, деб таъкидлайди.

Ҳозирги вақтда юртимизда 90 дан ортиқ мамлакатнинг хорижий капитали иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда<sup>28</sup>.

Бундай самарали лойиҳалар машинасозлик соҳасида АҚШнинг «Женерал моторс», Германиянинг «МАИ», «Клаас», Япониянинг «Исузу» компаниялари, нефть-газ соҳасида Жанубий Кореянинг «Лотте кемикал» ва «Когаз» компаниялари, кимё саноатида Испаниянинг «Максам» компанияси, тўқимачилик саноатида Сингапурнинг «Индорама», Жанубий Кореянинг «Дэу текстиль», «Янг вон», Швейцариянинг «Ритер» компаниялари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Хитойнинг «Хуавей» ва «ЗТЕ», озиқ-овқат саноатида Швейцариянинг «Нестле»

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури. – Т., 2015. – 18—19-б.

<sup>28</sup> Қаранг: Каримов И. А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир. – Т., 2015. – 19—20-б.

компанияси, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда Германиянинг «Кнауф», Хитойнинг «Пенг Шенг», фармацевтика саноатида Швейцариянинг «Нобель» компаниялари ва, шунингдек, бошқа кўплаб хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналардир.

Дунёда ном қозонган бундай компаниилар билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз қисқа вақт ичидаги иқтисодиётимиз тармоқларини тубдан модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг турини кўпайтириш, жаҳон бозорларига рақобатдош янги маҳсулотлар билан чиқиш имконини беради.

«Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» маҳсус иқтисодий зоналарини ташкил этиш ҳисобидан чет эллик инвесторлар билан йўлга қўйган ҳамкорлигимиз ўзининг юксак самарасини кўрсатмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов чет эл инвестицияларининг миллий иқтисодиётимиздаги аҳамиятига тұхталиб: «Энг муҳими, Ўзбекистонда маҳаллий ва чет эллик инвесторлар нафақат маблаг сарфлаб, даромад олмоқда, балки корхоналарни биргаликда бошқармоқда, хорижлик муассислар қўшма корхонага, аввало, илғор технологияларни олиб кирмоқда, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий қилмоқда.

Бу борадаги тажриба ҳамкорликнинг айнаи машина шу шакли энг кўп самара бераётгани ва энг яхши истиқболга эга эканини кўрсатмоқда. Биз бундай корхоналар фаолиятини имкон қадар кенгайтиришга тайёрмиз»<sup>29</sup>, деб таъкидлайди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра дастурни амалга ошириш қўйидаги натижаларга эришиш имконини беради:

— машинасозлик, кимё, нефть-газ-кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати каби юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқлар жадал ривожлантирилади. Бунинг натижасида саноат маҳсулотла-

<sup>29</sup> Қаранг: Каримов И. А. Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир. — Т., 2015. — 20-б.

рининг 1000 тадан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади;

— саноат ишлаб чиқаришининг 5 йилда 1,5 баробарга ўсиши, саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 24 фоиздан 2020 йилга бориб 27 фоизгача ортиши мүлжалланмоқда;

— юқори технологияли маҳсулотлар экспортини янада ошириш ва 52 мингтадан ортиқ янги иш ўрни яратиш назарда тутилмоқда.

**Саноатни ривожлантириш борасидаги яна бир устувор вазифа — бу ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобланади.**

Маҳаллий хом ашё ва материалларни чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажмини оптималлаштириш мақсадида 2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш дастури тайёрланмоқда.

Дастур маҳаллий минерал хом ашёни чуқур қайта ишлашни ва талаб юқори бўлган 1225 та маҳсулот турини ишлаб чиқаришни таъминлайдиган 600 та лойиҳани ўз ичига олади. Дастурнинг ижроси ҳар йили 3,5 миллиард доллар миқдоридаги импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш ва 13 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Давлат томонидан иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш стратегияси ички бозорни кенгайтириш ва ялпи талабнинг ўсишига олиб келди. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жамиятда янги қатлам — ўртacha мулкдорлар синфни шакллантириди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устувор аҳамият берилгани бизга эски мустабид, режали-тақсимот тизимидан қолган инқирознинг ўта ўткир муаммоларини ҳал этишда локомотив бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қўйидаги сўзларига мурожаат этамиз: «Биз ўрта синф деганда ён-атрофи-миздаги айрим давлатлардаги каби турли нопок, коррупция йўллари билан беҳисоб мол-дунё орттирган ўта бойларни эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати, ақл-заковати, куч-гайрати билан даромад топаётган миллион-миллион тадбиркор ва ишбилармонларни тасаввур қиласиз.

Биз ўрта синф деганда, ўзининг фарзандларининг тақдири ва келажагини шу замин билан узвий боғлаган, шу юртда озод, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, шу юртни равнақ топтириш мақсадида тер тўкиб, меҳнат қилаётган инсонларни кўз олдимизга келтирамиз»<sup>30</sup>.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташабbusи ва ҳимояси боис, мустақиллик йилларида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик тез суръатлар билан тараққий эттирилдики, 2008 йилда бошланган ва бугунги кунда, афсуски, ҳануз чуқурлашув тенденциясига эга бўлиб бораётган жаҳон молиявий инқирозининг салбий ва ҳалокатли оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтириш мақсадини ҳам кўзлайди. Чунки, аҳоли бандлигини таъминлаш сиёсати, даромадлар сиёсати мамлакатимизда ижтимоий кескинликнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2015 йил 16 январда мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлачириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган

<sup>30</sup> Каримов И. А. Бизнинг мақсадимиз – эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш // XXI аср. – 2015. – 7 фев.

иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан қўйидаги иқтибосни келтирамиз: «Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўси. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатларидағи энг юқори кўрсаткичлардан бири-дир.

Бу ҳақда сўз юритганда, собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолининг кескин табақаланиш ҳолати мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. Бу ўринда жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мезони ҳисобланган бу кўрсаткич халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланганини айтиб ўтиш лозим.

Жаҳон тажрибасида жамиятда ижтимоий табақаланиш ва хавфсизлик даражасини баҳолашнинг яна бир мезони – Жини индексидан кенг фойдаланилади. Мисол учун, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Жини индекси кўрсаткичи 0,40 дан 0,296 га пасайди. Бу натижа, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсияларига биноан 0,35–0,37 миқдорида белгиланганди халқаро стандартлар нуқтаи назаридан қараганда, аҳолимизнинг ижтимоий фаровонлиги мутгасил ўсиб бораётганидан далолат беради.

Одамларнинг даромадлари ортиши билан оиласарнинг моддий аҳволи ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб бормоқда. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги оиласарнинг 94 фоизи холодильниклар, 84 фоизи турли

ошхона электр жиҳозлари, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич, микротўл-қинли печларга эга, учдан бир қисми эса кондиционерлардан фойдаланмоқда.

Мустақиллик йилларида аҳолининг телевизорлар билан, айниқса, мутлақо янги авлод телевизорлари – плазма экранли рангли телевизорлар билан таъминланиши 1,6 баробар, енгил автомобиллар билан таъминланиши 3,5 марта ошгани ҳам оиласаримиз фаровонлиги юксалиб бораётганининг яққол тасдигидир. **Бугунги кунда деярли ҳар икки оиласдан бири шахсий транспорт воситасига эга ва бу машиналар айнан юртимиизда ишлаб чиқарилгани барчамизга мамнуният ва ғурур багишлади.**

Қисқа вақт ичида ҳаётимизга, деярли ҳар бир оиласага энг замонавий мобиль телефонларининг бир неча янги авлоди, ноутбуклар, тюнерлар, DVD приставкалари, сунъий йўлдош орқали фаолият кўрсатадиган ва кабелли телевидение, духовкали электр печлар, музлатгич камералар, сув иситиши бойлерлари ва бошқа мутлақо янги, юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кириб келди. Бугун биз бу нарсаларга унчалик эътибор ҳам бермаймиз ва уларни одатдаги буюмлар сифатида қабул қилалимиз. Ҳолбуки, йигирма йил аввал бундай ашёлар ҳақида ҳеч нарса билмасдик, ҳозирги кунда эса уларсиз ҳаётимизни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Энг муҳими, ушбу маҳсулотларнинг аксариятини мамлакатимиз корхоналарида ўзимиз ишлаб чиқаряпмиз.

Фуқароларимизнинг уй-жой шароитлари ҳам тубдан яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уй-жойлар қуриш суръати ва кўлами йил сайин кенгаймоқда. Мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошди.

Аҳоли сони кўпайиб бораётганига қарамасдан, **одамларни уй-жой билан таъминлашда жон бошига тўғри кела-диган уй-жой майдонини 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга оширишга эришилди**. Уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфига эканини айтиш лозим. Ваҳоланки, кўплаб ривожланган дав-

латларда оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди»<sup>31</sup>.

Юқорида келтирилган рақамлар замирида фақат иқтисодий омиллар ётади, деб тушуниш мумкин эмас. Чунки мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида жамиятимизнинг маънавий юксалиши, халқимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ошаётганлиги муҳим омил ва кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Коррупциянинг мавжуд бўлиши демократия даражасининг юқори ёки пастлиги билан ҳам баҳоланади. Қаерда демократия ривожланса, у ерда коррупция минимал даражага тушиши кузатилди. Мамлакат қанчалик даражада демократик бўлса, давлатнинг молиявий механизмлари ошкора бўлса, матбуот қанчалик эркин бўлса, коррупция шунчалик ожиз бўлади. Шу боис мамлакатимизда демократик институтларни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Аҳоли маънавиятининг даражаси ва ахлоқ-одоби, демократия қоидаларига содиқлигидаги нуқсонлар, яъни эътиқоднинг заифлиги, иймоннинг сустлиги ҳам коррупциянинг субъектив сабабларига киради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ фуқароларимиз маънавиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Коррупцияни таг-томири билан тугатиб бўлмайди. Унга қарши курашиш ҳамда уни минимал даражага тушириш учун кенг жамоатчилик онгига коррупциянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотлар ривожига, мамлакатнинг барқарорлиги ва иқтисодий ўсишига ғов эканлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон каби миллий мафкурамизнинг асосий ғояларини рӯёбга чиқаришга салбий таъсир этувчи иллат, таҳдид эканлигини сингдириш лозим.

<sup>31</sup> Каримов И. А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамизdir. – Т., 2015. – 17—18-6.

Коррупцияга оид саводхонликни ҳамда юксак маънавиятни шакллантириш, инсон онгини ўзгартириш орқали коррупцияни минимал даражага тушириш мумкин. Бугунги кунда юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юрга садоқат, адолат, ҳалоллик каби инсоний фазилатларни фаолиятимизнинг бош мезонига амалда айлантириш орқали коррупцияга қарши иммунитетни мусгаҳкамлаш мумкин. Бу ишда инсон иродаси муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида: «Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган гоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятлардан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонған, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради.

Шу маънода, инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради, десак, янгишмаган бўламиз. Ирода – бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суюниш мумкин. Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қиласди»<sup>32</sup>.

Демак, коррупцияга қарши курашиш инсондан нафакат ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, шунингдек, сиёсий онг, сиёсий маданият ва энг муҳими сиёсий иродани ҳам юксалтиришни талаб этади.

---

<sup>32</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – 122–123-6.

## **4-боб. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – КОРРУПЦИОН ВАЗИЯТНИ КУЧСИЗЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ**

### **4.1. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чоралари**

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётнинг ҳуқуқий, ташкилий шарт-шаротларини вужудга келтиришдан иборат. Шу боис, мустақиллик арафасидаёқ мамлакатимизда одамларнинг ўзини чинакам мулкдор деб ҳис этиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий майдон яратилиши чоралари қийин кечсада, кўрилди.

1990 йил 21 июнда «Совет Ўзбекистони» газетаси Президент Ислом Каримовнинг 1990 йил 16 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республиканинг иқтисодий мустақилликка ва бозор иқтисодиётiga ўтиш масалалари хусусидаги нутқини эълон қилди.

Ушбу нутқ билан атрофлича танишган инсон мустақиллик арафасидаги катта ўзгариш – Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, иқтисодий мустақилликка, ўзини ўзи идора этиш, молиявий таъминлашга эришиш, аҳоли барча табақаларининг фаровонлигини ошириш, чўкиб бораётган ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, ҳалқни маънавий юксалтириш, демократияни, ҳуқуққа асосланган давлат қурилишини ривожлантириш, Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Ҳалқ фаровонлиги йўлида барча соғлом қучларни бирлаштириш каби эзгу мақсадларни илғайди.

Куйида Президент Ислом Каримовнинг ушбу нутқидан иқтибослар келтиришни жоиз деб билдиқ: «Бугунги кунда, энг аввало бир дақиқани ҳам бой бермасдан иқтисодий масалаларни ҳал этиш керак. Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш калити – Ўзбекистон-

нинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир.

Маълумки, собиқ Иттифоқдаги ишлаб чиқариш муносабатлари меҳнаткашларнинг ижобий ташаббусини тант аҳволга солиб қўйган эди. Мулкчиликнинг турлари қанча кўп бўлса, унинг эгалари ўзгариб турса, инсон омили фаоллашувига олиб келади, чунки амалда меҳнат жараёнига ва меҳнат натижаларини тақсимлаш усулларига қизиқиш ўзгариб боради. Бошқача қилиб айтганда, меҳнатнинг жадаллашувидан моддий рағбатланиш инсон омилиниң ривожланишида асосий куч тарзида намоён бўлади. Давлатимиз раҳбари ташабbusи билан мустақилликка қадар «Мулк тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Кооперация тўғрисида» ва бошқа шу каби қонунларнинг қабул қилиниши таъсирида инсон омилиниң кўпгина томонлари эркин фаолият йўлига кирганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу масала юзасидан Юртбошимизнинг қуидаги сўзларини келтирамиз: «Бозор муносабатларига ўтиш масаласи. Ана шундай мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, республикада ўтиш давридаги ресурсларимиз ва имкониятларимиздан самарали фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, айниқса, кам таъминланган аҳоли ижтимоий ҳимоясининг ишончли механизми ишлаб чиқилиши лозим.

Бунда энг асосий масала — мулкчилик муаммосидир. Мулкчилик ҳақидаги тушунчамизни белгилаб олмай туриб, ишлаб чиқариш муносабатларига ёндашувларни ишлаб чиқиш имконияти бўлмайди, бошқача қилиб айтганда, республикада мулкчиликнинг қандай шакллари бўлишини аниқлаб олиш даркор.

Биз мулк шаклларининг хилма-хиллигини бошқариладиган бозорнинг ҳал қилувчи омили деб биламиз (Эътибор қаратинг: давлатимиз раҳбари мустақилликка қадар маърифий, ижтимоий йўналтирилган бозор ҳақидаги илмий қоидани илгари сурган — *таъқид бизники*). Давлат мулки билан бир қаторда ва у билан тенг ҳукуқлилик асосида

коллектив, акционерлик, оила, шахсий меҳнат, шахсий мулк ҳам кенг ёйилади».

Давлатимиз раҳбари юқоридаги талаблардан келиб чиқиб ижтимоий вазиятни мұттадиллаштириш борасида 1990 йилнинг октябрида, ҳали Ўзбекистон мустақилликка әришмаган даврда Ўзбекистон Республикасида «Мулк ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши жамиятимизнинг иқтисодий негизлари ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашдаги дадил амалий қадами эди. Бу МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб хусусий мулкнинг ҳуқуқий мақоми, мулк субъектларининг ваколати ва бурчларини қонуний мустаҳкамлади. Мустақиллик арафасида Ислом Каримов ташаббуси билан яна бир муҳим қадам ташландики, 1991 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикасида «Тадбиркорлик тұғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мустақиллик арафасида амалга оширилган саяй-ҳаракатлар халқимизга ҳаётий муҳим манфаатларини юзага чиқаришда тамал тоши бўлиб хизмат қилди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мулкий муносабатларнинг тубдан янгиланишини ислоҳотларнинг дастлабки босқичидаги энг долзарб вазифа деб белгилайди. Бундай янгиланишнинг туб моҳияти, Президентимиз фикрига құра, йиллар давомида бегоналашган мулкни асл әгалари құлига топширишни жадаллаштириш, дүкон пештахталарини, бозорни зарур товарлар билан тұлдиришнинг асосий манбаи бўлған хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама құллаб-қувватлаш саналади.

«Ўзбекистон — деган эди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 1995 йил 26 августда давлат мустақиллигининг тұрт йиллигига багишланған матбуот анжуманида, мулкдорлар мамлакатига айланиши лозим»<sup>33</sup>. Бу билан давлатимиз раҳбари үтиш даври зарбаларини күчсизлантиришнинг омили сифатида үртача мулкдорлар синфини шакллантириш ва кенгайтириш йўлини қатъий тутганлигини кўрамиз.

«Мен бир нарсага аминман: мамлакатимизда мулкдорлар синфи, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, майда ва

<sup>33</sup> Қаранг: Халқ сўзи. — 1995. — 27 авг.

ўртака мулқдорлар синфи пайдо бўлгандағина (барчанинг қашшоқона тенглиги эмас) жамиятимизнинг фаровонлик ва демократия сари барқарорлик билан ва дадил бора олишини таъминлаш мумкин бўлади»<sup>34</sup>. Давлатимиз раҳбари нинг бу қатъиятли ва ишончли сўзлари 1995 йил 16 ноябрда Боннда, ГФР Федерал Президенти Роман Херцог томонидан уюштирилган қабул чогида янграган эди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 1995 йилнинг 5 январидаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонлари мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган стратегик ҳужжатлар мақомига эга эди.

Мамлакатимизда тараққиётнинг кушандаси бўлган коррупцион вазиятни тубдан ўзgartиришнинг яна бир муҳим шартини давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ўртага ташлаган эди: «**Бу мулк масаласини ҳал қилишдир. Яъни мулк ўз эгасини топиши даркор. Ҳаётимизда ва ишлаб чиқаришда хусусий мулк бошқа мулк шакллари – давлат мулки, жамоа мулки, акционерлик мулки ва ҳоказолар орасида асосий устувор ўринни эгаллаши керак. Қачонки, шу мақсадни тўла амалга ошира олсак, давлат мулки ҳисобидан ўғирлик, талон-торож қилиш, ундаи нопок йўлда фойдаланиб, меҳнатсиз даромад орттириш каби бемаъни ишларга чек қўйиш мумкин бўлади. Аминманки, ҳеч ким ҳеч қачон ўз мулкини ўғирламайди ёки ўз мулкига хиёнат қилмайди. Бу – ақлга сигмайдиган ҳодисадир.**

Хусусий мулкдор устидан назоратчининг ҳам кераги йўқ. Чунки бош назоратчи – унинг ўзи. Конун асосида ишласа бас»<sup>35</sup>, деганида минг карра ҳақ эди.

<sup>34</sup> Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-т. — Т., 1996. — 94-б.

<sup>35</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-т. — Т., 1999. — 237–240-б.

1991—1992 йилларда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан 1,5—2,0 фоизигина ишлаб чиқарилар эди. Сабаби, ўша дамларда хусусий тадбиркорликда ташаббус қўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида фармонлар ва уларга мувофиқ равишда қабул қилинган фермерликни ривожлантиришга доир ҳукумат қарорлари жойларда коррупцияга берилган маъмурӣ-буйруқбоз амалдорларнинг кескин қаршилигига дуч келганлигини эслаш жоиз. Оддий меҳнаткаш халқ, тадбиркорликка қобилияти бор инсонлар хусусий мулк, хусусий тадбиркорликка оид тарихий ҳужжатларнинг қабул қилинганлигидан нақадар мамнун бўлган бўлса, ўша даврда «хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожланса» амал курсиларининг тагига зил кетишидан қўрқсан амалдорлар кўплаб топиларди. Ислочотларни ўтказиш жараёнида қонунга хилоф нопок йўллардан бориб бойиб қолишини кўзлаганлар ҳам кўплаб топиларди. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари ўтиш даврида: «Мулк шаклини ўзгартириш бўйича эълон қилган фармон ва қарорларни бажариш ўрнига ҳар қадамда уларга тўсқинлик қилган бюрократик тартиблар ҳам бунинг яна бир сабабидир»<sup>36</sup> деган бўлса, Президентимиз бу ҳақдаги фикрига янада муайянлик касб эттириб, 1995 йил 23 февралда Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида: «Олдимизда катта бир тўсиқ турибдикি, бу тўсиқни баъзан замбарак ўқи билан ҳам отиб қулатиб бўлмайди. Бу тўсиқнинг номи — бюрократия, тамагирлик, маҳаллийчilik, уругчилик. Кўп мансабдорларда инсоф, диёнат йўқлиги ҳам шу тўсиқнинг бир кўринишидир. Бундай одамларнинг нияти аниқ — беш-ўн йил амаллаб ўтирган мансабини йўқотмаса, мўмай маоши ва хуфия «шапкаси»ни олиб турса, марра уники — у ёғи пенсия» деб куюнчаклик билан гапирганди.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларида қонунларни менсимаслик, давлат манфаатларини беҳаёлик билан инкор этиш ҳоллари кўплаб учраган. Чунки

<sup>36</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-т. —Т., 1996. — 356-б.

тадбиркорларнинг ҳуқуқий онги фавқулодда қийинчилик лар билан шаклланаётган эди. Бу соҳада худбинликка асосланган хусусий манфаатдорлик, маккорлик, зўравонлик, қандай қилиб бўлса-да, олдинда бўлишга интилиш ва коррупция кескин халақит берарди.

Тадқиқотлар шундан далолат беради, ўтиш даврида кўп ҳолларда бундай вазият тадбиркорларнинг асосий қисмининг келиб чиқишилари ниқобли эканлиги билан изоҳланарди. Ўша дамларда коррупция ва зўравонликка муккасидан кетган бундай тоифалар жамият учун ўта хавфли эди. Бундан ташқари, ноқонуний йўл билан қўшимча даромад ундиришга одатланиб қолган «ниқобланган хулқатворли» кимсалар тадбиркорлик ҳаракатининг чинакамига иқтисодий самарали, ижтимоий салмоқли ҳодисага айланишига монелик кўрсатар эди.

Шу боис, ўтиш даврида Президентимиз Ислом Каримов разилликнинг боши бўлган манфаатпарастликка ва тараққиёт кушандаси бўлган коррупцияга қарши кураш нақадар огир ва анча узоқ муддатли жараён эканлигини яхши билган ҳолда унинг ечимини инсон онги, дунёқарашини ўзгартириш, инсон маънавиятини юксалтиришда деб билди.

Қайд этиш лозимки, айнан дунё тан олган ўзбекларнинг ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва интизомлилик сингари маъданий ва миллий анъаналари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг бугунги даражасига олиб келди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўтиш даврида мамлакатимиз иқтисодий негизларини мустаҳкамлашнинг йўли сифатида жамиятдаги ижтимоий соғлом кучларни сафарбар этиш, яъни сиёсий партиялар, ҳаракатлар, ижтимоий гуруҳлар, тадбиркорлар кучига таянди.

Ўзбекистонда мулқорлар синфи — ўрта синф муаммосида Президентимиз Ислом Каримов тутган йўлига назар ташлайлик: «Бугун жамиятда ижтимоий мулкий жараёнларнинг объектив ўзгариши юз бераётган бир пайтда адолат foясини ихчам бир хулоса билан ифодалаш мумкин, яъни давлат жамиятнинг кескин табақаланишига — ошиб-

тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак. Бизнинг асосий вазифамиз — одамлар ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилишлари ва амалга оширишлари учун зарур бўлган дастлабки тенг имкониятларни, шу жараённи вужудга келтирадиган хуқуқий механизмни яратиб беришидан иборат. Шундан кейин инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг салоҳиятига, меҳнат қилиш истагига, оқилу улдабуронлигига боғлиқ бўлади», деганларида ўтиш даврининг иккинчи босқичида (1996—2000) ижтимоий тенгсизликни минимал даражага туширишнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашни назарда тутади.

Мамлакатимиз учун бозор иқтисодиётiga ўтиш даври мураккаб кечган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов коррупциянинг хавфсизлик ва тараққиёт күшандаси эканлигига барчанинг диққатини қаратиб, 1998 йил 25 февральда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида: «Яна бир ўта муҳим масала. Бугунги кунда фақат иқтисодиётга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва ҳалқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказаётган энг хавфли иллат — коррупциядир. У айрим ҳолларда ўта хавфли тусга кирмоқда»<sup>37</sup>, деб баҳолаган эди.

Президентимиз Ислом Каримов 1996—1997 йиллардаги ижтимоий аҳволни таҳлил қиласа экан: «ушбу масала бўйича кейинги йиллардаги ишларнинг аҳволи таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган жиноятлар уруғи тобора кўпайиб бормоқда.

1996—1997 йилларнинг ўзидағина қарийб 9 мингга яқин шундай турдаги жиноят аниқланган. Ушбу жиноятларни содир этишда масъул ходимлар ҳам иштирок этган. Ҳокимликларнинг 13 нафар раҳбар ходими порахӯрлик, ўта катта миқдордаги юлғичлик ва лавозимини суистеъмол қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Банк-молия соҳасида, давлат мулкини хусусийлаштиришда, қимматли қофозлар муомаласида, кичик ва хусу-

<sup>37</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-т. —Т., 1998. — 33-б.

сий корхоналар тузишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш жараёнларида уюшган жиноятчи гурухлар содир этаётган қонунбузарликлар сонининг ошиши, айниқса, ташвишлидир. 1997 йилда хусусийлаштириш соҳасининг ўзида прокуратура органлари томонидан 480 нафар айбдор шахс жавобгарликка тортилди, 44 та иш бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Кўпгина ҳолларда хусусийлаштирилаётган объектлар қиймати сунъий равишда арzonлаштирилгани фош этилган»<sup>38</sup>ини изтироб билан баён қилганини англаймиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг иқтисодиёт соҳасида қонунчиликка ва ахлоқ қоидаларига амал қилиш борасидаги ишларнинг аҳволи, аниқ далиллар таҳлили шундан далолат берадики: «**биз коррупция билан кураш масаласига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим.** Чунки коррупция амалга оширилаётган ислоҳотларни тӯғридан-тӯғри обруқизлантириб, унинг маъно-моҳиятига доғ туширмоқда»<sup>39</sup> деб, коррупциянинг ривожланиш учун мўлжалланган маблағларни ўзига тортиб олишини, даромадларда тенгсизликни келтириб чиқаришини, хорижий инвестицияларнинг кириб келишига тўсқинлик қилишини, собиқ Иттифоқдан мерос қолган мажруҳ иқтисодиётни тиклашга ва биз барпо этаётган фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизларини мустаҳкамлашга рахна солишини назарда тутади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 1996–1997 йилларда мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизларини мустаҳкамлашга эътибор қаратар экан, бу борада: «Тартиб-қоидани мустаҳкамлаш ва қонунларга риоя этишни кучайтириш, кичик корхоналар ва тадбиркорлар манфаатларини ишончли, хуқуқий муҳофаза қилиш бўйича кечикириб бўлмайдиган, кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз лозим. Бунда, энг аввали, порахўрлик, таъмагирлик ва товламачилик йўли қатъ-

<sup>38</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-т. –Т., 1998. – 33–34-б.

<sup>39</sup> Ўша манба. – 33-б.

ий түсилиши керак»<sup>40</sup> лигини қатъий таъкидлаб ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини хизмат бурчига ҳалоллик ва содиқлик билан муносабатда бўлишга ундан:

«Айниқса, қонун посбони бўла туриб, тадбиркорлар манфаатларини муҳофаза этиши лозим бўлган, мажозан айтганда, қўли пок бўлиши зарур бўлган ҳукуқ-тартибот органларининг ўзида манфаатпарамтлик, порахўрлик, коррупция, айборларга ҳомийлик қилиш, ўз ишига жинояткорона совуққонлик муносабатида бўлиш каби ҳолларга қатъиян чек қўйиш зарур» лигини қатъий вазифа сифатида белгилаган эди.

Афсуски, ўтиш даври мураккабликларидан фойдаланиб жиноятга қўл ураётганлар орасида Юртбошимиз қайд этганидек, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг сони кам эмас эди.

«1996–1997 йиллар мобайнида ҳукуқ-тартибот органларида 191 киши порахўрлик билан қўлга тушиб, 257 киши мансабини суистеъмол қилишда айбланиб, қилмишларига яраша жазо олган.

Суд органларидан 26, прокуратурадан 13 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилиб, турли йилларга озодликдан маҳрум этилди. Божхона ходимларидан 76 киши жиноий ишга қўл ургани аниқланган эди»<sup>41</sup>.

Маълумки, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг нотугри ташлаган қадами кенг жамоатчиликнинг ҳукуқ-тартибот органларига ишончини сўндириши, сир эмас. Президентимиз адолат бузилишининг олдини олиш, коррупцияга қарши курашишни кучайтириш мақсадида қўйидагиларни ифода этади: «Кимки, ҳукуқ-тартибот органларида ишлайман, қонунни истаганча оёқости қилиш им мумкин, мушугимни бирор «пишт» деёлмайди, деб ўйлаган бўлса, янгишади. Органларда содир этилган ҳар қандай жиноят, аввало, органларнинг, ҳокимият тизими-нинг обрусини тўқади, ҳукуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга катта зиён етказади.

<sup>40</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-т. – Т., 1998. – 33–34-б.

<sup>41</sup> Ўша манба. – 33-б.

Мана шу юксак минбардан туриб, мазкур соҳа ходимларини огоҳлантиromoқчиман: сизларга бошқаларга иисбатан алоҳида талаб қўйилади. Шундан хulosаси: сафингизда йўл қўйилган ҳар қандай қонунбузарлик ва жиноят учун шафқатсиз жазо оласизлар!

Қўйилаётган талабларга қай даражада муносиб эканликларини текшириб туриш учун ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини мунтазам равишда аттестациядан ўтказишни йўлга қўйиш зарур.

Прокуратура, милиция қошида, божхона ва солиқ қўмиталари ҳузурида маҳсус инспекциялар тузиш керак. Тики улар ходимларини аттестациядан ўтказиш, органларимиз сафларининг тозалиги учун жавоб берсинлар.

Мен бир вақт айтувдимки, ҳалқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидайди, лекин ҳеч қачон адолат бузилишига чидамайди.

Адолат қачон бузилади?

Амалда ўтирган, вазифада ўтирган одам ўзи ахлоқий, маънавий нуқтаи назардан бузилса, нафсини тиёлмаса, тўгри йўлдан чиқса, мана шунда адолат бузилади, мана шунда одамлар бизларга нисбатан ишончини йўқотади.

Мана, Буш Прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, Олий Хўжалик суди... Сизларга катта ишонч билдирганимиз, сизларни қонунни ҳимоя қиласиган одамлар деб биламиш. Сизлар ҳалол ва одилона иш юритсангиз, бизда ҳуқуқий давлат, адолатли жамият қуришга имконият пайдо бўлади.

Ҳозирда мавжуд ва эндиликда тузиладиган маҳсус инспекцияларга катта ҳуқуқ бериш керак. Ҳуқуқ-тартибот органлари ҳузуридаги бу инспекциялар ўз сафларини тозалashi, ҳар хил маънавий чириган кимсалардан жамиятни ҳалос қилиши керак. Асосий мақсад шу.

Жамоатчилигимиз, нодавлат ташкилотлар ҳам бу масалага кўпроқ эътибор бериши керак. Ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти бутун жамият назорати остида бўлиши керак. Демократик фуқаролик жамияти қурмоқчи бўлсак, буларнинг тепасида авваламбор жамият бўлиши керак. Нодавлат ташкилотлар олдида ҳисобот бериш зарур.

Яқында матбуот бўйича қонун чиқди, мухбирларга катта хуқуқ берилди. Матбуот, телевидение ва радио ҳам бу масаланинг аҳамиятига, моҳиятига эътиборни кучайтириши лозим»<sup>42</sup>.

Президентимиз Ислом Каримовнинг бундан 17 йил муқаддам белгилаган вазифалари асосида мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида тизимли ва изчил тадбирлар амалга оширилди. Шу ўринда қайд этиш лозими, ўша дамларда «коррупция» сўзининг ўзи расмий доираларда камдан-кам ишлатиларди. Юртбошимизнинг дадил ҳаракатлари билан коррупцияга қарши курашишга даврнинг энг долзарб масаласи сифатида ёндашилди. Сабаби, коррупция амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга, ривожланиш истиқболларига ҳалокатли таъсир кўрсатарди. Ўша йилларда мажруҳ иқтисодиёт эндиғина ўзини ўнглагётган эди. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги таҳдилларига асосланиб белгилаган вазифалари коррупциядек аянчли иллатга қарши курашиш кенг жамоатчиликнинг яқдил ҳаракатини назарда тутади.

Коррупциядек ҳалокатли ижтимоий-иқтисодий ҳодисага қарши курашишга жамиятда таълим-тарбия, маънавиятни юксалтириш, шунингдек, жамоат аҳлини сиёсий фаол, ҳуқуқий маданияти юксак ва мустаҳкам иродали этиб тарбиялаш орқали жазм этилади. Чунки бу инсонлар ҳалқ, Ватан равнақига таҳдид солувчи ушбу иллатнинг домини кесиш миллионлаб одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилишини англайди.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳар бир инсондан руҳан поклик, инсоф, диёнат, иймон ва ҳалолликни талаб этади. Бу эса барчамиздан фаолиятимизга интизомий ва адолатли ёндашувни белгилайди.

Мамлакатимизда аввалбошданоқ иқтисодиётни янгилаш сиёсати тутилдики, бу дастлаб иқтисодий барқарорлик, сўнгра 1997 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланишига олиб келди. Иқтисодий ўсиш аста-секин ижтимоий тенгиззликни қисқартира бошлади. Бунинг натижага

<sup>42</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-т. –Т., 1998. – 35—36-б.

сида миллий иқтисодиётимизнинг ижтимоий йўналишни куч олди. Бу, албатта, ижтимоий кескинликни юмшатишнинг муҳим омилига айланди.

Тараққиётнинг «Ўзбек модели» Марказдан мерос бўлиб қолган қолоқ иқтисодиётни тиклади ва аста-секин юксалтириди. Натижада иқтисодиётимизда жиддий таркибий ўзгариш ва янгиланишлар юз берди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё саноати, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика ва мебелсозлик жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Сўнгги йилларда оқилона сиёsat туфайли мамлакатимизда ушбу саноат корхоналарининг жадал ривожланиши, кўп жиҳатдан, даромаддаги тенгсизликни камайтиришга, таълим-тарбия олиш, спорт билан шугулланиш имкониятларини кенгайтиришга, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги тағовутларнинг қисқартирилишига қаратилган давлат ижтимоий сиёsatининг фаоллашуви билан узвий bogлиқ деб қарашга барча асосларимиз бор.

Маъмурий буйруқбозликка асосланган даврда совет тоталитар тузуми эркин ва кенг хуқуқларга эга раҳбарлик ва унинг соясида кун кўраётган иқтисодий тоифа билан қовушиб кетган эди. Ярим маҳфий, кўп ҳолларда жиноятчиликка юз бурувчи мазкур раҳбарлик ўз сафини етарли малакаси бўлмаган кимсалар билан янада тўлдириб борди, ҳақиқий тадбиркорлик вакилларини ва малакали ходимларни эса четга чиқариб қўйган эди.

Дунё мамлакатларининг тажрибаси асосида шу нарса исботланганки, агар ўтиш даври мобайнида ўрта синфни, тадбиркорлар ва малакали ходимлар синфини кенгайтиришдек, табиий ва зарур тамойил ўзига йўл оча олмас, «ўрта синфга бориш ҳаракати»нинг каналлари шакллантирилmas экан, оқибат-натижада иқтисодий бесамара ва ижтимоий барқарорликдан маҳрум жамият пайдо бўлади.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатларида ижтимоий адолат тамойиллари бузилиши оқибатида асоссиз олигархлар кўпайди. Ижтимоий воқелик шундан далолат бермоқдаки, бунда оқибатларнинг бош ижтимоий сабабчиси сиёсий,

маъмурий ва иқтисодий доираларнинг ноқобиллиги ва узоқни кўра олмаслигидир. Айнан мазкур доиралар нафақат коррупциянинг кенг томир ёйишига йўл қўйиб берди, устига-устак улар тобора ўсиб бораётган ўз даромадини халқ билан, жумладан, унинг ўрта қатлами билан солиқ йўли орқали ва, айниқса, кенг хайр-эҳсон йўли орқали баҳам кўришни ҳам истамайди. Худди ана шу манбаларда тенгсизлик говлай бошлайди, сиёсий кескинлик маҳфий ёки ошкора тарзда юз беради. Натижада оммавий норозиликлар ва тартибсизликларни, айрим кучлар ҳатто файри-конституциявий йўл билан қонуний ҳокимиятни ағдаришга интилишларни келтириб чиқаради. Сўнгги йилларда дунёning айрим мамлакатларида бу амалиёт кескин тус олди.

Хулоса ўринда қайд этиш лозимки, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устувор аҳамият берилгани бизга эски мустабид, режали-тақсимот тизимидан қолган инқирознинг ўта ўткир муаммоларини ҳал этишда локомотив бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларига мурожаат этамиз: «Биз ўрта синф деганда ён-атрофи-миздаги айрим давлатлардаги каби турли нопок, коррупция йўллари билан беҳисоб мол-дунё орттирган ўта бойларни эмас, балки ўзининг ҳалол меҳнати, ақл-заковати, куч-файрати билан даромад топаётган миллион-миллион тадбиркор ва ишбилармонларни тасаввур қиласиз.

Биз ўрта синф деганда, ўзининг, фарзандларининг тақдири ва келажагини шу замин билан узвий болаган, шу юртда озод, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, шу юртни равнақ топтириш мақсадида тер тўкиб, меҳнат қилаётган инсонларни кўз олдимизга келтирамиз».<sup>43</sup>

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва ҳимояси боис, мустақиллик йилларида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик тез суръатлар билан тараққий эт-

<sup>43</sup> Қаранг: XXI аср газетаси. — 2015. — 7 фев.

тирилдики, 2008 йилда бошланган ва бугунги кунда, афсуски, ҳануз чуқурлашув тенденциясига эга бўлиб бораётган жаҳон молиявий инқизозининг салбий ва ҳалокатли оқибатларини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 2015 йилнинг 6 февралида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VII съездидаги маърузасида: «Бугунги кунда дунёдаги кўпгина тараққий топган, барқарор ва бадавлат яшаётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аввало ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат тоифа қўлга киритган бойликни янада кўпайтиришга интилади. Шу аснода ўзининг, оиласининг турмуш фаровонлигини ошириб бориш билан бирга, давлат ва жамият зиммасидаги кўплаб вазифаларни бажаришда ҳам фаол иштирок этади. Керак бўлса, кўпгина масалаларда бошқаларга ўрнак ва намуна кўрсатади.

Энг муҳими — буни ҳам такрор ва такрор айтишга тўғри келади — мулкдорлар синфи ўз юритида тинчлик ва осойишталиқ, эркин фаолият юритиш муҳитини саклаш ва мустаҳкамлаш учун астойдил жон куйдиради. Чунки ҳаммамизга яхши маълум — фақатгина осуда ҳаёт, тинч ва осойишта вазиятдагина ўз ишини бошлиш, тадбиркорлик, хусусий бизнесни ривожлантириб, эркин яшаш ва даромад, бойлик топиш мумкин.

Яна бир муҳим масала — халқимизнинг тарихий-маънавий ўзига хослиги, азалий қадрият ва анъаналаримиз, эл-юртимиз ҳаётида асрлар давомида шаклланиб келаётган ижтимоий адолат тамойилларининг ўзи биз қураётган янги жамиятда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар бўлмаслигини тақозо этади.

Бугунги кунда бу талаб миллий давлатчилик барпо этиш борасидаги сиёсатимизнинг муҳим пойdevorига айланганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шартшароитлар яратди.

Туб ислоҳотлар натижасида 1991–2014 йиллар давомида Ўзбекистон иқтисодиёти 5 баробар ўсиши. Аҳолисининг ялпи даромадлари аниқ ҳисоб-китобларга кўра 8,7 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу даврда мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди. Мустақиллик йилларида бу кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизгача ўсиши. Табиийки, собиқ мустабид тузум давридаги марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитида аҳолининг бундай даромад манбалари шаклланишига мутлақо йўл қўйилмас эди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизини ишлаб чиқармоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолимизнинг 75–77 фоизи бу соҳада меҳнат қилмоқда. Шу ўринда бу рақамларга эришиш осон кечмаганлигини барчамиз чуқур англашимиз зарур.

Қайд этиш лозимки, келтирилган рақамлар замирида ўзбек халқининг дунё тан олган ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ҳамжиҳатлик ва интилиш сингари маданий ва миллий анъаналари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг бугунги юксак дарражасига олиб келди.

Бу борада Юргбошимиз мамнуният билан қайд этганидек: «Ўз-ўзидан аёнки, кўп нарсадан далолат берадиган ана шундай кўрсаткич ва рақамлар биз олиб бораётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, эртанги кунимиз, тараққиётимиз йўлида мустаҳкам пойdevor бўлиши муқаррар».

Бугунга қадар мулк масаласини ҳал этишда мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 56 фоизни ташкил этди. Жаҳон амалиётига қўра, ўртача мулкдорлар синфи ривожланган иқтисодиёт маҳсулидир. Иқтисодиётнинг локомотивига айланиб улгурган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозорни тўйинтиришга хизмат қилмоқда. Одамларимиз даромадининг ярмидан кўпи, биринчи навбатда, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланмоқда. Ўтказилган сўровларга қўра, айни пайтда, мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизидан ортиғи ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб деб ҳисоблаган эди. Қўриниб турибдики, мамлакатимизда фаол ишбилармонлик муҳити яратилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуфулланиш фуқароларимизнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Бугунги кундаги тадбиркорни амалдаги қонунларни ўрганишга ҳаётнинг ўзи мажбур қиласи. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Натижада, бугунги ишбилармон ҳар қандай сунистеъмолчиликлар домига тортилишдан йироқ бўлади. Президентимиз Ислом Каримов бундан икки ярим йил аввал яъни 2013 йилнинг 18 январида «2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастур» нинг энг муҳим йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси йигилишидаги маъruzасида: «Шуни унутмаслик керакки, ўрта синф улушининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигининг, одамларнинг ўз келажагига бўлган ишончининг муҳим омили сифатида қабул қилинади»<sup>44</sup>, деб таъкидлади.

<sup>44</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар на модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. — Т., 2013. — 33-б.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда яратилган ишбилиармонлик муҳити қулай инвестицияий жозибадорликнинг муҳим таркибий қисми ва омилига айланди. Ўзбекистонда Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос ва мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арzonлаштириш ва уларнинг очиқлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектларини самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар тизимли равишда ишлаб чиқилмоқда. Таракқиётимизнинг чорак аспи мобайнида мамлакатимизда бозор муносабатларини цивилизациялашган шаклда жорий этишга имкон берадиган қонунлар мажмуи яратилди ва яратилмоқда. Ҳозирги вақтда иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилди. Уларнинг барчаси бугунги кунда иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

2012 йил давомида мазкур дастур доирасида олтига муҳим қонун қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрда қабул қилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, 2012 йил 17 декабрда қабул қилган «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги»ги, 2012 йил 20 декабрда қабул қилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунлари шулар жумласидандир. Шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ ва статистик ҳисботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди.

## **4.2. Фуқаролик жамияти иқтисодий негизларини коррупциядан ҳимоя қилишга қаратилган фармонниги ўрни ва аҳамияти**

БМТнинг коррупцияга қарши конвенциясининг 12-моддаси 1-бандида: «Ҳар бир иштирокчи Давлат ўз ички қонунчилигининг асосий тамойиллариiga мувофиқ, хусусий секторда коррупциянинг олдини олишнинг самарали, мутаносиб ва тийиб турувчи таъсир кўрсатадиган фуқаролик-хуқуқий, маъмурий ёки жиноий жазоларни белгилаш чораларини кўради», деб қайд этилган. Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизларини мустаҳкамла-масдан туриб асло озод ва обод Ватан қуриб бўлмайди».

2015 йилнинг 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармони имзоланди ва мазкур фармон Халқ сўзи газетасининг 2015 йил 16 май кунидаги сонида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг LexUz Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу Фармонида республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушкини изчил ошириш мақсадида:

- тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўскىнлик қилиш, хусусий мулкдорлар хукуқларини бузганлик учун давлат, хукуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача ошириш;
- хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган

маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш;

— барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан bogлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш;

— хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш масалалари инобатга олинган ҳолда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Мазкур чора-тадбирлар дастурида хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича, асосан, жорий йилда амалга ошириладиган 33 (үттиз учта)та аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Ушбу фармонда дастурга киритилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун шахсий жавобгарлик масъул ижрочилар — тегишли вазирликлар, идоралар, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар раҳбарларига, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига юқлатилганлиги таъкидланади.

Шунингдек, ушбу фармоннинг 2-бандига кўра, республикамиизда 2015 йилнинг 1 июлидан шундай тартиб ўрнатилади, унга мувофиқ:

— микро фирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса фақат Ўзбекистон Республикаси Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаси қарорига

асосан уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилади;

— молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ўтказиш муддати 10 календарь кунидан ошмайди;

— тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар фақат сўнгги текширувдан кейинги даврни қамраб олади;

— қўзғатилган жиноий ишлар муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъект жалб этган адвокатлар иштирокида (хўжалик юритувчи субъект томонидан ушбу хуқуқнинг рад этилиш ҳолатлари бундан мустасно) амалга оширилади;

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган жиноятни (соликлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи марта содир этган, жиноят аниқлангандан кейин 30 кун ичидаги давлатга етказилган зарарни тўлиқ қопланган, пеня ва бошқа турдаги молиявий санкцияларни тўланган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмайди ва у жавобгарликдан озод қилинади.

Ушбу Фармоннинг З-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг қатъий ижро этилишида қабул қилинган нормаларни амалиётга жорий этиш устидан назоратни кучайтириш, тадбиркорлик субъектларининг хуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун ваколатли назорат, хуқуқни муҳофаза қилиш ва ваколатли давлат органдарини мансабдор шахсларининг муқаррар жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортишга қадар оширишни таъминлашлари лозимлиги таъкидланади.

Шунингдек, ушбу фармонда 2015 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан

ҳамкорликда «Ўзбектелеком» АК Қўнғироқларга хизмат кўрсатиш ягона маркази ва Бош прокуратура «ишонч телефони» базасида давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашиш, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилишига доир масалалар бўйича мурожаатларни туну кун қабул қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўриш тизимининг ташкил этилиши қайд этилади.

Шу билан бирга мазкур фармоннинг 4-бандида республикамида тегишли даъвони қўриб чиқиш даврида тадбиркорлик субъекти томонидан шикоят қилинганда судларга назорат қилувчи орган қарори ижросини вақтинча тўхтатиб туриш ҳуқуқининг берилиши;

солиқ ва божхона қонунчилиги тадбиркорлик субъектлари томонидан бузилиши билан bogliq ҳолатда уларнинг мол-мулклари фақат суд қарори бўйича мусодара қилиниши;

тадбиркорлик субъектлари томонидан эътиroz қилинадиган қўшимча ҳисобланган божхона тўловлари хўжалик суди қарори бўйича ундирилиши белгилаб қўйилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан ҳамкорликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаат ва ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари даъволарини қўриб чиқиш муддати, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали тезлаштиришни таъминлаш бўйича суд органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш борасида таклифлар киритишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Президент фармонида 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида сугурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳукуқи берилиши ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилиши қайд этилган.

Фармоннинг 6-бандида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига «бир дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига адлия органлари ходимларининг чегараланган миқдорини сақлаб қолган ҳолда, «бир дарча» марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий кўмак кўрсатиш вазифалари юклатилганлиги таъкидланади.

Фармоннинг 7-бандида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан:

2015 йилнинг 1 июлига қадар турли идоралар ҳузуридаги «бир дарча» хизматлари томонидан кўрсатилаётган давлат хизматлари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилиши, «бир дарча» марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар тизимга интеграция қилиниши, таъсис ҳужжатлари ва давлат хизматларидан фойдаланиш учун тақдим этилади-

ган бошқа ҳужжатлар, жумладан, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг намунавий шакллари ишлаб чиқилиши;

«бир дарча» марказларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан кечиктирмасдан бошланишининг таъминлашиши, шу муддатдан бошлаб «бир дарча» марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органларига тадбиркорлик субъектларидан бевосита ҳужжатлар қабул қилиш тақиқланиши қайд қилинган.

Фармоннинг 8-бандида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишдан тушаётган давлат божининг жами суммаси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари даромадига, 2016 йилнинг 1 январидан эса «бир дарча» марказларини молиялаштириш манбай сифатида уларнинг даромадига ўтказилиши, келиб тушган маблағлар фақат марказлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларни рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

Фармоннинг 9-бандида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар тақдим этиш вазифаси юклатилганлиги таъкидланади.

Мазкур муҳим ҳужжат орқали хусусий мулкнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш, ишбилармонлар олдида турган тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, тадбиркорларнинг янада эркин, ҳадик-хавотирларсиз фаолият юритishi учун қулай ишбилармонлик муҳити яратиш борасидаги ишлар янги босқичга қўтарилади.

Ушбу фармон билан ҳозирданоқ мамлакатимиз тижорат банклари зиммасига бир қатор вазифалар юклатилиди. Шу боис Ўзбекистон банк тизимида ишчанлик мұхитини янада такомиллаштириш, юқори даражадаги қулай инвестициявий иқлиминдең өзага келтириш, кредит ташкилоттарининг шаффоғлигини таъминлаш асосида тадбиркорлик фаолиятини юритиш шартларини яхшилаш, иш ўринлари яратиш ва аҳоли банддигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яъни 2015–2019 йилларда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган сармоялар миқдорини, шу жумладан, инвестициявий мақсадлар учун узоқ муддатли кредитлаш ҳажмини 2,5 баробар кўпайтириш кўзда тутиляпти. Биргина жорий йилнинг ўзида эса ушбу мақсадларга 22,5 триллион сўм миқдорида маблаг йўналтирилиши режалаштирилган<sup>45</sup>.

Яратилаётган барча қулайликлар фуқаролик жамиятининг иқтисодий ва сиёсий таянчи бўлган ҳамда мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий сиёсатини амалга оширишда фаол сиёсий куч сифатида майдонга чиқаётган ўртacha мулкдорлар синфининг мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қиласиди.

---

<sup>45</sup> Қаранг: Жумабоев Д. Хусусий секторга кенг имконият // Ҳалқ сүзи. — 2015. — 13 июнь.

---

## **5-боб. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МАЪРИФАТНИ ЮКСАЛТИРИШ**

### **5.1. Коррупцияга қарши маърифат ва унинг вазифалари**

Коррупциянинг халқаро хусусиятга эгалиги бутун дунёда эътироф этилган. Бу эса коррупциянинг универсаллигига ҳам, унинг халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларининг самарадорлигини кескин пасайтирувчи трансмиллий турлари пайдо бўлганида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Коррупция ҳодисасини деярли исталган давлатда кўриш мумкин. Ушбу иллатга қарши курашиш масалалари борган сари муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Чунки коррупция давлат институтлари ва ижтимоий ҳаёт барқарорлигига таҳдид солувчи ижтимоий хавфли ҳодисадир.

Заарли ҳодиса ҳисобланган коррупция катта ва кичик, бадавлат ва камбагал бўлишидан қатъи назар, барча мамлакатларда учрайди, лекин, айниқса, ривожланаётган давлатларда энг ҳалокатли таъсир кўрсатади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши курашда кескин самарали чоралар кўрилмаслиги унинг жиноий, иқтисодий ва ижтимоий муаммодан сиёсий муаммога айланишига, мамлакат конституциявий тузумининг асосларига путур етказувчи миллий оғат миқёсига чиқишига сабаб бўлади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқининг фаровонлиги, хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги устувор йўналишлардан бири сифатида коррупцияга қарши қатъият билан кураш олиб бориш кераклигини, бунда у коррупцияга қарши самарали курашиш ҳуқуқий давлат куришнинг асосий шарти эканлигини таъкидлаган.

Коррупция мамлакат иқтисодиётига таҳдид соладиган ижтимоий ҳодисадир. Бу порахўрликда намоён бўлади.

Давлат номидан хизмат күрсатиш чоғида ўз мансабини суистеъмол қилувчи амалдорлар билан шу хизматдан фойдаланувчи фирмалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ўртасида юз беради. Коррупция бозор қоидаларига биноан хизматларни ихтиёрий равищда олди-сотди қилиш эмас, балки уларни күрсатиш учун файриқонуний ҳақ олишдир.

Давлат коррупцион даромадга қарши саъй-ҳаракатларни амалга оширади. Чунки коррупцион даромад ҳаром даромад бўлиб, бу даромадлардаги тенгсизликни кучайтириб юборади. Коррупциянинг хатарли томони шундаки, бу кишиларда норозилик уйғотиб жамиятдаги ижтимоий мувозанатга рахна солади ва ижтимоий кескинликни келтириб чиқаради. Коррупциянинг тараққиёт учун яна хатарли жойи шундаки ҳаром даромад топган — порахӯрлар қўлидаги яширин пул инвестиция учун хизмат қилмайди. Бу аҳоли қўлидаги пул қолдигини кўпайтиради, бу билан пул муомаласига таҳдид солинади. Маълумки пул оқими иқтисодиёт учун озиқадир, унинг тўхтовсиз бориши иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Муомаладаги пулнинг етишмаслиги иқтисодий оборотни секинлаштиради, монетар ҳавфсизликка таҳдид солади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдикি, коррупцияни заифлаштирмасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Коррупцияга қарши кураш аҳоли маънавиятининг даражаси ва ахлоқ-одоби, демократия қоидаларига содиқлигига боғлиқ бўлади.

Ички ишлар органлари ходимларининг коррупцияга қарши маърифати масаласига бевосита ўтишдан аввал мазкур йўналишдаги маърифатнинг умумий тавсифига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

**Коррупцияга қарши маърифат инсонда билим, «иммунитет», шунингдек, коррупцияга қарши олий мақсадга мос келувчи барқарор хулқ-автор меъёрларида ўз аксини топган тегишли маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар, инсоф, имон-эътиқод, ҳалоллик каби сифат ва ҳиссиётларни шакллантиришга қаратилган мақсадли жараёндир.**

Ууман олганда, коррупцияга қарши маърифат маънавий-ахлоқий тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Махсус адабиётларда қайд этилишича, шахсни маънавий-ахлоқий тарбиялаш уч йўл билан амалга оширилади. Булар:

- мақсадга йўналтирилган жараён;
- унинг таъсирида объектив ҳаётий шароитларнинг шаклланиши;
- ўзини ўзи тарбиялаш.

Ижтимоий ҳаёт коррупцияга қарши маърифат ва хулқ-атворга ўз таъсирини кўрсатиб, ахлоқий хулқ-атворнинг ўзига хос хусусияти ҳамда коррупцияга қарши маърифатнинг мақсадидан келиб чиқади. Ахлоқий хулқ-атворнинг ўзига хослиги шундаки, у замон ва маконда чегара билмай, ҳар ерда ва доимий равишда амалга оширилиб келинади. Токи инсон тирик экан, у атроф-муҳитнинг хоҳижобий, хоҳ салбий бўлсин, ахлоқий таъсири остида яшайди. Зеро, биз атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ахлоқий баҳо беришга интиламиз.

Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруқлари билан тартибга солинади. Коррупцияга қарши маърифат республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимини коррупцияга қарши тарбиялашда нафақат кўп йиллик хизмат, бой касбий ва ҳаётий тажрибага эга, балки қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича хизмат бурчини бекаму кўст бажарадиган, Ватанимиз гуллаб-яшнини учун ўз кучини аямайдиган ходимларнинг шахсий намунаси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш жоизки, шахснинг маънавий-ахлоқий кўникмалари кўпинча ижтимоий муҳитда шаклланади ва ривожланади. Шу муносабат билан таҳлил қилинаётган масалада жамоадаги ахлоқий-руҳий иқлим алоҳида аҳамият касб этади.

Жамиятдаги мавжуд иллатларга қарши қураш талабларини ҳар бир ходимнинг ички ахлоқий-руҳий маслаги ва эътиқодига айлантириш коррупцияга қарши маърифатнинг ўзагини ташкил қиласди. Мазкур талаблар кейинчалик ҳар бир ходимнинг нафақат касбий фаолиятида, балки ҳаётида ҳам йўл бошловчи маёқ бўлиб хизмат қиласди. Ушбу масалада, ҳуқуқий ташвиқот бўйича олиб борилаётган мақсадли ишларга таянган ҳолда, ички ишлар органи ходимида коррупцияга қарши қурашнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида нафақат зарур билимларни, балки олий мақсад, ахлоқий ёки ахлоқсиз хатти-ҳаракат, ахлоқий принцип ва меъёрлар тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш муҳим ҳисобланади. Кўриниб турибдики, ходим мазкур қоидага амал қилиши учун у хавфли коррупцион ҳулқ-атвор нима, унинг кўринишлари қандай ҳамда унга нисбатан ахлоқий муросасизлик ва ноаниқлик нимадан иборат эканлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши зарур.

Бошқа тарафдан, коррупцияга қарши тарбия инсонда у томонидан идрок қилинган ва ўрганилган маънавий-ахлоқий тафаккур унсурлари асосида амал қилиш ва ҳаракат қилиш бўйича чуқур ички эҳтиёжни яратишдан иборатdir. Айтиш жоизки, тарбия жараёнинг тегишлилиги бўйича умумий коррупцияга қарши ва касбий-этик стандарт (қолип) расман Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари касбий маданиятининг бир қисмини ташкил этади. Зоро, ички ишлар органларида коррупцияга қарши маърифат тизимиға тегишли тарзда касбий маданиятнинг «хизмат бурчи», «қасбий обрў», «ходимнинг шахсий шаъни» каби тушунчалари алоҳида аҳамият касб этади. Ходим ўзининг коррупцияга қарши ҳулқ-атвор чизигини касбий обрўси, хизмат шаъни, фуқаролик ва хизмат бурчи тўғрисидаги тушунчалардан келиб чиқсан ҳолда қуради. Башарти, қилмиш ва унинг оқибатлари инсоннинг бурч, шаън, қадр-қиммат тўғрисидаги тасаввурларига зид бўлса, у бу каби хатти-ҳаракатни содир этишдан ўзини тияди. Натижада қилмиш сабаблари ва унинг юзага келиш оқибатлари ҳақидаги тасаввурларнинг тўлиқ бир-бирига мос келиши коррупциянинг ҳар

қандай кўринишларига қарши, ҳаттоқи ҳаёт ва соглиққа хавф солиб бўлса-да, кескин, шиддатли ва муросасиз ҳаракатлар учун қудратли рағбат бўлиб хизмат қиласи.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий принципларига бағищланган биринчи сессиясидаги мажлисида коррупция кўринишларига қарши курашнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга устувор аҳамият берган ҳолда «ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У — қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани — турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир»<sup>46</sup>, деб таъкидлайди.

Бундан кўриниб турибдики, ходимлар томонидан қонунларнинг яхши ўзлаштирилиши коррупцияга қарши маърифатни муваффақиятли амалга ошириш учун дастлабки шарт бўлиб хизмат қиласи. Коррупцияга қарши маърифатнинг муҳим вазифаларидан бири ходимларда мустаҳкам ишончни шакллантириш, унга мувофиқ равишда қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз фаолиятларини амалга оширишдир. Зеро, коррупция, аввало, инсоннинг қадр-қиммати, шаъни асосий сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари бузилиши ва камситилишига олиб келади.

Ахлоқий эътиқодлар инсон фаолияти ва хулқ-атворининг барча соҳаларига жиддий таъсир кўрсатади. Улар инсон томонидан риоя этилиши зарур ҳисобланган, унинг онгида чуқур илдиз отган ва раҳбарий қоидага айланган меъёр, олий мақсад, маънавий қадриятларни ўз

<sup>46</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддас-дир. З-т. — Т., 1996. — 22-б.

ичига олади. Айнан улар мақсад сифатида ўз мажмунда ходимнинг коррупцияга қарши хулқ-атворини белгилайди. Зарур маънавий-ахлоқий эътиқодга эга бўлган ходим хизмат мавқенини суистеъмол қилиш, тамагирлик ва коррупцион хулқ-атворни ўзига эп кўрмайди. Агар бундай ходим раҳбар бўлса, қўл остидагилари учун тақиқланган нарсани ўзи учун ҳам тақиқланган деб ҳисоблайди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «.... лекин, шу билан бирга, раҳбарлик қобилияти бўлган, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга, инсофли, диёнатли одамларнинггина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳаққи бор»<sup>47</sup>, деган пурмаъно сўзларини келтириш фойдадан холи эмас.

Хукуқ-тартибот соҳасида ҳар қандай погонадаги раҳбар аввало ҳалқ ишончини оқлашга интилиши, ўз қўл остидагилари учун масъулиятни ҳис қилиши лозим. Унинг бутун иш фаолияти Ватан равнақига, ҳалқ ичидаги хукуқ-тартибот органлари хизматчиларининг обрўсини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бу мақсадга эришиш учун ҳар бир раҳбар қонунга, касб маданиятига оғишмай риоя қилиши, ўзининг поклиги, виждонлилиги, ҳалоллиги, адолатлилиги, тамагирликка муросасизлиги билан қўл остидагиларига шахсий намуна бўлиши лозим. Президент Ислом Каримов раҳбар шахсий намунасининг улкан аҳамияти ҳақида сўз юритиб, шундай деб таъкидлайди: «Ахир, лавозим кишига кибру ҳаво, бойлик тўплаш ва кайфу сафо учун берилмайди-ку! Аксинча, у юксак масъулиятни, ҳаётнинг бутун роҳат-фарогатидан кечишни, керак бўлиб қолганда ўзидан кечишни талаб қиласди. Бундай қараш одатга айланиши, ҳаётимизга сингиб кетиши керак»<sup>48</sup>.

Ходим шахсидаги ватанпарварлик, фаол фуқаролик нуқтаи назари, ўз ҳалқига содиқлик, ҳалоллик, талабчан-

<sup>47</sup> Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-т. Т., 1996. – 300-б.

<sup>48</sup> Каримов И. А. Адолат, Ватан ва ҳалқ манфаати ҳар нарсадан улуғ // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-т. Т., 1999. – 216–217-б.

лик, инсонийлик, ўзига нисбатан танқидий муносабатда бўлиш, мақсадга интиувчанлик, ўз касбий кўнилмалари ни оширишга интилиш каби шахсий сифатлар ҳар қандай коррупцион кўринишларга қарши ишончли тўсиқ бўлиб хизмат қиласди.

Ўз фаолиятида бир марта бўлса-да, коррупцион хатти-ҳаракатга йўл қўйган ходим касбий ва ахлоқий жиҳатдан бузилган ҳисобланади. Бу, ўз касбига суиқасд қилиш, шахсий манфаатларини хизмат манфаатларидан юқори, яъни қонунийлик ва ахлоқ қоидалардан юқори қўйиш деган маънени билдиради. Ходимнинг коррупцион муносабатда иштирок этиши билан боғлиқ ҳар қандай ҳолат уни ички ишлар органларида хизмат қилишга нолойиқлиги тўғрисида холоса чиқаришга асос бўлиб хизмат қиласди. Бундан ташқари, уларнинг бундай қилмишлари қонун томонидан қаттиқ жазоланади. Коррупцион хулқ-атвор тўлиқ шаклланмаган маънавий хислатлар паст ҳуқуқий ва касбий маданиятга эгаликдан далолатdir.

Ўз шахсий манфаатлари «қули»га айланган, уларни давлат ва жамият манфаатларидан юқори қўйган ходим, шубҳасиз, коррупциянинг енгил үлжасига айланади. Маънавий дунёси чегараланган одамлар эртами-кечми ахлоқий тубанликка юз тутадилар. Айнан шундай муҳит коррупциянинг юзага келишига сабаб бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Бежизга халқимиз **«Одам бўлиш аста-аста, ҳайвон бўлиш бир пасда»**, деб айтмаган.

Буйруқлар, низомларнинг қатъий талаблари мавжуд, аммо инсон муносабатлари билан боғлиқ нозик соҳа борки, уни қонун-қоида доирасига солиб бўлмайди. Фуқаролар тинчлигини, уларнинг осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуқини таъминловчи ички ишлар органлари улкан жамоаси меҳнатига битта ноқонуний ҳаракат, битта тамагирлик ҳолати билан рахна солиниши мумкин. Шу боис, ҳар бир ходим устига ҳуқуқ-тартибот ва қонунийлик қўриқчиси либосини кияр экан, унга юклатилган масъулият даражасини теран англаши зарур. Ходим учун касбий муҳим ахлоқий ва маънавий сифатлар қўргина норматив ҳужжатларда ўз аксини топган (Қасамёд, Ўзбекистон Рес-

публикаси ИИО ходимлари ҳуқуқий маданияти, Ўзбекистон Республикаси ИИВ буйруқ ва кўрсатмалари).

Халқимизда «Нима эксанг, шуни ўрасан», «Қинғир ишнинг қийифи қирқ йилда ҳам чиқади» деган мақоллар бор. Мазкур ҳикматларнинг маъноси ҳар қандай ёвуз ишни халқ нигоҳидан яшириб бўлмайди, деганидир. Агар бугун бўлмаса, эртага шарманда бўлиш, бир куннинг ўзида йиллар давомида орттирилган ҳурмат-эътибор ва мисқоллаб тўпланган обрўни йўқотиш мумкин. Ҳар қандай порахўрлик, тамагирлик ҳолати изсиз бўлмайди, чунки биз замон билан ҳамнафас ҳуқуқий давлатда яшамоқдамиз, ўз ҳаётини бу салбий ҳолатларга муросасизлик руҳида қураётган аҳолининг ҳуқуқий онги ўзгармоқда, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги ортмоқда.

Ходимларда юқори ижобий ахлоқий сифатларни, эзгу ишларни амалга ошириш, ижтимоий фойда келтириш ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш маънавий-ахлоқий фаолият олиб боришлари учун қудратли қурол бўлиб, фаол фуқаролик нуқтаи назарининг юзага келиши, тараққиётга ғов солиши мумкин бўлган ҳар қандай иллатлар, айниқса, коррупцияга муросасизликни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Шундай қилиб, республика ҳуқуқ-тартибот органлари тизимида маънавий-маърифий ишларни амалга оширишда қуйидаги асосий масалалар ҳал қилиниб, улар замирида коррупцияга қарши маърифат амалга оширилади:

- ҳуқуқ-тартибот посбонларида Ватанига, ички ишлар органлари ходимларининг қасамёдига ва касбий бурчига содиқлигини шакллантириш;

- ходимларни Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ИИВ буйруқларига оғишмай риоя қилиш руҳида тарбиялаш;

- ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг аҳоли орасидаги обрў-эътиборини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хизмат вазифаларини, хизмат интизоми меъёрларини, қонунийлик ва касб маданияти талабларини бажариш орқали мустаҳкамлаш;

— ходимда юксак маънавият ва қонун устиворлиги асосида яшайдиган, юқори даражада ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлган фуқаро, ватанпарвар, ўз касбининг моҳир устасининг ахлоқий-руҳий сифатлар комплексини яратиш ва ривожлантириш.

## **5.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг коррупцияга қарши хулқ-атвори: маънавий-ахлоқий моҳияти**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фаолияти доимо жамоатчиликнинг диққат-эътиборида. Ички ишлар органлари ходимлари хулқ-атворининг маънавий-ахлоқий таркиби хизмат олиб боришнинг оммавий хусусиятга эга эканлиги боис муҳим аҳамият касб этади.

Касбий маданиятнинг ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқлиги боис коррупцияга қарши хулқ-атвор ИИО ходимлари касбий хулқ-атворининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизда коррупцияга умумий ва маҳсус хусусиятга эга турли чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусан, коррупцияга қарши кураш бўйича вазифаларни давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари орасида тақсимлашга эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, жиноятчилик, хусусан коррупцияга шарт-шароит яратиб берувчи сабабларни бартараф этиш бўйича умунижтимоий ва маҳсус чора-тадбирлар амалга оширилади.

Умунижтимоий ҳодиса бўлмиш коррупциянинг олдини олиш жамият ҳаётида коррупцияни юзага келтирувчи омиллар ва дегерминация қилиш жараёнларига таъсир қилиш, коррупция ижрочилари ёки коррупцион фаолият иштирокчилари қаторига кириб қолиши мумкин бўлган турли ижтимоий гурӯҳ вакилларини аниқлашдан иборат.

Коррупциянинг олдини олиш аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий маърифат, таълим ва тарбия, шунингдек, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан амалга оширилади. Коррупцияни олдини олишнинг кўрсатиб ўтилган сиёсий ва умунижтимоий жиҳатлари орасида-

ти ўзаро боғлиқлик унинг юзага келишига муҳит яратиб берувчи сабаб ва шароитлар, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлар орқали ифодаланади.

Сўнгги йилларда давлатимиз коррупцияга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг 2007 йил 25 октябрдаги ички ишлар органлари ходимларига йўллаган байрам табригида қўйидаги вазифаларни илгари сурди: «... ички ишлар идоралари ишидаги қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, милиция ходимлари фаолиятида учраб турадиган коррупция, расмиятчилик, тўрачилик, лоқайдлик каби салбий ҳолатларга тубдан барҳам бериш». Бу барча ички ишлар ходимларини касб маданияти талабларига қатъий риоя қилиш, ўз хизмат бурчини чуқур англашга ва вижлонан адо этишга даъват этади.

Ҳар бир ходим мураккаб шароитларда жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичи оғир кечеётганлигини чуқур идрок қилиши, хизмат ва турмушда хулқ-автор қоидала-рига риоя қилиши, фуқаро, жамият ва давлатга хизмат қилишда масъулиятни тушуниб етиши лозим.

Ички ишлар ходими кўп ҳолларда жабрланувчи ёки ҳуқуқбузар дуч келадиган давлат ҳокимиятининг биринчи вакили ҳисобланади. У биринчи бўлиб, жамиятга зид қилмишга баҳо беради ва давлат номидан қонун талабларини бажарган ҳолда жамоат тартибини бузувчиларга мажбурлов чораларини қўллайди. Айнан шу боис ҳар қандай коррупция ҳодисаси ҳуқуқ-тартибот органлари тизимида алоҳида хавф-хатарни юзага келтиради, аҳоли орасида ишончсизлик, давлат ҳокимияти институтларига ишонмасликни юзага келтириб, жамиятни ахлоқсизликка ўргатади ва иқтисодий жиҳатдан заифлаштиради.

**Юксак касбий маънавият ва ахлоққа эга ходим Қасамёд, касбий бурч, касбий шаън ва обрӯ принципларига асосланади, ўзига қўйидаги маънавий-ахлоқий мажбуриятларни олади:**

— ўз фаолиятида давлат ва хизмат манфаатларининг шахсий манфаатлардан устуворлигига амал қилиш;

— касбий фаолият ва шахсий ҳаётда қонун талаблари ва хизмат интизомига қатъий ва аниқ риоя қилиб, ҳар қандай шароитда ҳалол ва пок, хизмат манфаатларига содик бўлиб қолиш;

— инсон қадр-қимматини камситувчи, оғриқ ва азобуқубат етказувчи ҳар қандай ҳаракатларга муросасиз муносабатда бўлиш;

— жиноятчиликнинг олдини олища мард ҳамда юзага келиши эҳтимоли бўлган хавф-хатар олдида довюрак бўлиш;

— жиноятчиликка қарши курашда матонатли ва муросасиз бўлиш ҳамда олдига қўйилган мақсадларга фақат маърифат ва қонуний йўл билан эришиш;

— касбий фаолиятда ва мулоқотда «атрофдаги инсонлар ва ҳамкасларингга улар сенга қандай муносабатда бўлишларини истасанг, шундай муносабатда бўл», деган маънавиятнинг «олтин қоидаси»дан фойдаланиш;

— ички ишлар органларининг йиллар давомида тобланган, ижобий анъаналарини сақлаш ва бойитиш.

Ходим томонидан ахлоқий мажбуриятларнинг бекаму кўст бажарилиши унинг жамоада ишонч, ҳурмат-эътибор, эътироф ва фуқароларнинг кўмагига эришишига замин яратади.

Касбий бурч, обру-эътибор ва қадр-қиммат ҳуқуқ-тартибот посбонининг хизмат фаолиятида ва коррупцияга қарши хулқ-атворида маънавий-ахлоқий мақсад бўлиб хизмат қиласди.

Ҳар бир ходимнинг бурчи Қасамёд ва касбий меъёрлар билан белгиланган ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича талабларни бажариш, ҳар қандай кўринишдаги коррупцияга тўсиқ бўлиб, ходим касбий-маънавий эътиқодининг мустаҳкам бўлишидан далолат беради.

Ички ишлар органлари коррупцияга қарши кураш олиб бориши сабабли ходимлар олдида алоҳида шахслар томонидан уларни коррупция домига тортиш бўйича уринишларни бартараф этиш бўйича зарур билим, малака ва

кўнималардан унумли фойдаланиш зарурати юзага кела-ди. Буларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

— ходим томонидан ҳуқуқий нормалар мазмун-моҳи-яти ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ҳаёти ва қасбий фаолиятида ахлоқнинг аҳамиятини чуқур англаш;

— ўзига нисбатан юқори талабчанлик, виждонлилик, поклик, доимий равишида ўзини ўзи камол топтиришга интилиш;

— қасамёдига содик бўлиш ҳамда қасб маданиятига риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини бажаришда масъулият, қасбга муҳаббат, ҳалоллик каби сифатларни шакллантириш;

— жамоада соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни яратиш, ҳамкаслар орасида ўзаро ижобий муносабатларни яратиш;

— ҳар қандай кўринишдаги қасбий бузилиш кўри-нишлари, жумладан, манманлик, кибру ҳаво, фуқароларгаadolatsiz муносабатда бўлиш, кўполлик, дагаллик, хизмат мавқенини суистеъмол қилиш каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик.

Коррупцияга қарши кураш асослари ИИО ходимининг илк фаолияти босқичларида шаклланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида амалга оширилаётган ўқув-тарбия жараёни ИИО ходимларининг коррупцияга қарши курашиш кўнималарини шакллантириш элементларини қамраб олади. Икки йилдан буён ўқитилаётган «Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат,adolat, ҳалоллик ва жасорат фазилатларини ва муомала маданиятини камол топтириш» маҳсус курси ана шу мақсадни кўзда тутади.

Мазкур курсни ўқув жараёнига киритишдан мақсад Академия тингловчилари, курсантлари, малака ошириш курсларига жалб этилаётган ички ишлар идоралари ходимлари, шунингдек, Олий академик курсларда таҳсил олаётган ички ишлар органларида раҳбарлик лавозимларига номзод ходимлар томонидан давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида акс эттирилган ғояларни чуқур тушуниб етишдан иборат.

Мазкур курс доирасида ўтказиладиган ўқув машғулотларида инсон ва жамият ҳаётида ватанпарварлик, адолат, ҳалоллик, ўз касбига фидойилик, виждонлилик каби миллий қадриятларнинг ўрни, моҳияти очиб берилади. Мазкур шахсий фазилатлар **коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан маънавий-ахлоқий иммунитетни шакллантиради**. Махсус курснинг методологик асосини Президент Ислом Каримовнинг қуидаги сўzlари ташкил қилди: «Айни чоғда тарихимизнинг турли саҳифаларини кўздан кечирганда, ҳалқимиз маънавияти билан боғлиқ шундай маълумотларга дуч келасизки, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, тамагирликдан нафратланиш, камтарлик, адолатпарварлик сингари туйгулар миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат беради»<sup>49</sup>.

### **5.3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг коррупцияга қарши маърифати — касбий маданиятнинг ажралмас қисми**

Ҳар қандай давлат тизимида коррупция ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнларига салбий таъсир кўрсатади. Мамлакат иқтисодига хорижий инвестицияларнинг киришига тўсқинлик қиласи, миллий сармоянинг чет элга оқиб кетишини кучайтиради, давлатнинг ҳуқуқ-тартиботи ва хавфсизлигига рахна солади. Шунингдек, коррупция давлат хизматлари ва хизматчиларининг обрўсига путур етказади.

Шубҳасиз, коррупция терроризм, экстремизм, одам савдоси ва бошқа хавфли ҳодисаларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратади. Коррупциялашган давлат аппарати нафақат терроризм ёки экстремизмга, балки уюшган ва иқтисодий жиноятларга қарши таъсир кўрсатиш имконига эга бўлмайди. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан коррупциянинг олдини олиш ва бартараф қилишнинг маъмурий-ҳуқуқий

<sup>49</sup> Каримов И. А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-т. – Т., 1999. – 237–238-б.

ва ташкилий чораларини кўриш ва мустаҳкамлаш ниҳоятда долзарб муаммолардан биридир.

Коррупция ҳуқуқ-тартибот фаолиятининг барча соҳалида учраб туриши жамиятни ташвишга солиши шубҳасиз. Сўнгги йилларда ички ишлар органлари томонидан коррупциянинг олдини олиш ва уни бартараф этишнинг маъмурий-хуқуқий ва ташкилий чоралари кенг қўлланилмоқда. Чунки айнан маъмурий-хуқуқий ва ташкилий чоралар жамиятда коррупциянинг юзага келиши ва ривожланишига тўсиқ қўйиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, коррупция ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, мураккаб тузилишга эга. Шу муносабат билан коррупцияга қарши курашда иқтисодий, сиёсий ва хуқуқий нуқтаи назардан ёндашиш турли коррупция шаклларини аниқлаш ҳамда ички ишлар органларида унга қарши курашнинг замонавий чораларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Ички ишлар органлари ижроия ҳокимиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Афсуски, ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида қонунчиликни бузиш ҳолатларининг учраб туриши соҳа фаолиятини обрўсизлантирмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция фактларининг мавжудлиги турличадир. Бироқ, ҳуқуқ-тартибот органлари тизими учун улар алоҳида хавфхатар туғдиради. Ҳуқуқ-тартибот органларининг асосий вазифаси жиноятчиликка қарши кураш ҳисобланади. Коррупция ҳуқуқ-тартибот органларида қонунга хилоф қилмиш сифатида жиноятчиликка қарши курашда давлатнинг барча саъй-ҳаракатларини тўхтатиб қўйиши мумкин. У оммада давлат ҳокимияти институтларига нисбатан ишончсизликни ҳамда «ҳамма нарса сотилади ва сотиб олинади» қабилидаги салбий фикрни юзага келтиради. Шу боис охирги вақтларда ҳуқуқ-тартибот ходимларининг коррупцион хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш муаммосига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ички ишлар органлари тизимида коррупция ҳодисаси илдиз отишига ижтимоий, ахлоқий ва руҳий хусусиятга эга бир қатор салбий омиллар, айниқса, собиқ Иттифоқ

маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда. XX асрнинг 90-йилларида юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий воқеа-ҳодисалар жиноятчилик ва ҳуқуқ-тартибот, жамиятнинг маънавий ва ахлоқий ҳаётига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Мазкур даврда ички ишлар органлари ходимларининг хизмат юки оғирлашди, ўзгарган шароит уларнинг олдига янги ва янада қийин вазифалар (сиёсий, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш; ўсиб бораётган коррупция ҳамда профессионал ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш)ни кўндаланг қилиб қўйди. 1991–1996 йиллар мобайнида давлат ва ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда 6 мингта уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистонда XX асрнинг 90-йилларидан бошланган демократик ўзгаришлар, чуқур ўйлаб амалга оширилган оқилона сиёsatнинг самараси ӯлароқ, мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан кириб қолган боши берк кўчадан чиқишга муваффақ бўлди. Бироқ, таъкидлаш ўринлики, мураккаб ўтиш даврида ходимларнинг муайян қисми давр синовларига дош бера олмай ёки каттароқ даромад топиш илинжида ҳуқуқ-тартибот тизимини тарк этди. Тизимни тарк этса-да, собиқ касбдошлари билан муносабатларини узмадилар, уларни янги фаолият доирасига жалб қилиш ҳаракатларини амалга оширидилар.

Мазкур йилларда ички ишлар органлари тизимида авлодлар орасида ўзига хос узилиш кузатилган, яъни катта авлод ходимлари хизматни давом эттириши мумкин бўлса-да, захирага бўшатилган. Уларнинг ўрнига келган ёш авлод тажрибасиз бўлиб, бу, ўз навбатида, ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатган.

Ўтиш даврининг мураккаблиги (1991–2000 йиллар) баъзи ўз касбига фидойи бўлмаган ходимлар фаолиятида ўз аксини топди. Улар моддий жиҳатдан қониқмаганлиги, етарлича ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояланмаганлиги, ахлоқий-психологик зўриқишларни баҳона қиласар эдилар. Бун-

дай салбий муносабат ички ишлар органларининг профессионал ўзагига хавф-хатарни юзага келтириди. Бироқ, Президент Ислом Каримов раҳбарлигига тизимда олиб борилган ислоҳотлар туфайли нафақат ички ишлар органларининг профессионал ўзагини сақлаб қолиш, балки ички ишлар органларининг барча соҳаларида самарадорлигининг сифат кўрсаткичини, ходимларнинг маънавий ва ҳукуқий маданиятини оширишга муваффақ бўлинди.

Ислом Каримов 1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришар экан, «ҳукуқий давлатнинг қўзи ҳам, сўзи ҳам, қуроли ҳам, ҳимояси ҳам қонундир»<sup>50</sup>, дея ишонч билан таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан юқорида келтирилган фикрларга таянган ҳолда биз йўлимизда учраб турган ҳамда буюк ва эзгу ишларимизни амалга оширишга ғов бўлиб турган турли хил иллатлар, айниқса, коррупция кўринишларидан ҳалос бўлиш йўлини тутдик. Аввало, коррупцияни озиқлантирувчи шарт-шароитларни аниқлаш чоралари кўрилди.

Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, ички ишлар органлари ходимлари томонидан коррупция жиноятларининг содир этилишига қўйидаги омиллар таъсир қилади.

*Ижтимоий омил.* Ҳар қандай инсоннинг хулқ-атвори яшаш учун умумий ва доимий курашдан, жамият тараққиёти даражасидан келиб чиқади. Шу боис коррупциянинг келиб чиқиши сабаблари ижтимоий ҳаёт ва хизмат жамоасидаги шароит билан белгиланади.

*Руҳий омил.* Ўз касбий вазифаларини бажариш жараёнида ходимлар турли жиноий унсурларнинг руҳий таъсирига дучор бўладилар. Мулоқот жараёнида ходимларга тажовузкор ёки ўзини идора қила олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаролар таъсир ўтказиши ва ходимни коррупцион жиноят содир этишга мажбур қилиши мумкин.

*Ахлоқий омил.* Ходимнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари унинг иродавий ва ахлоқий фазилатларига тўғридан-тўгри боғлиқдир.

<sup>50</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон дунё ҳаритасида ўзига муносиб жой олди // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т., 2011. – 425-б.

Ички ишлар органлари ходими хулқ-атвори мотивациясига оммавий маданият томонидан тарғиб қилинаётган «телба тижорат» руҳи таъсир қилиши, баъзи ички ишлар органлари ходимлари унинг таъсирига тушиб қолишлари мумкин. Баъзан ахлоқи бекарор айрим ходимларнинг моддий эҳтиёжларни устун қўйиш ҳолатлари учраб туради. Бундай вазият коррупция нуқтаи назаридан хавфли бўлиши мумкин.

Коррупцион хулқ-атворнинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини таҳлил қилиш айрим фуқароларда пул ёки совға ёрдамида мавжуд қонун-қоидаларни айланиб ўтган ҳолда ҳар қандай муаммони ҳал қилиш мумкин, деган фикр борлигини кўрсатади. Улар ходимларга таъсир ўтказиши ва шу орқали коррупцион жиноятга жалб қилиши мумкин. Ходимнинг ўз касбига фидойилиги, вижданни ва шаъни бундай ишларга асосий тўсиқ вазифасини ўташи керак.

Ички ишлар органлари ходимларини коррупция домига тушишига тўсиқ бўладиган бир қатор бошқа омиллар ҳам мавжуд. Шахс учун асосий аҳамиятга эга бўлган субъектив омиллар: виждон, бурч ва шаън, ижобий ахлоқий-руҳий талаблардан ташқари, раҳбарият ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари, шунингдек, жамоат назорати каби объектив омиллар ҳам катта аҳамиятга эга. Коррупцион хулқ-атвор шаклланишига ходимнинг касбдошлари, қариндошлари, дўст-биродарлари ва, умуман, атрофидаги одамларнинг муносабати ҳам ижобий роль ўйнайди. Айнан ходимнинг ижтимоий мақсад-муддаоси ва ахлоқи нуқтаи назаридан қонуний ёки қонунга хилоф хулқ-атвор мотивацияси вужудга келади.

Шу билан бирга, ходим ҳуқуқий онгининг ривожланиш даражаси ҳам катта аҳамият қасб этади. Маънавиятни ўстириш, ҳуқуқий тартибот ва маънавий-ахлоқий тайёргарликни шакллантириш соҳасидаги ишлар нафақат ҳуқуқий талаб ва нормаларни билиш, балки қонун ва қасбий фаолиятга ҳурмат юзасидан муносабатда бўлиш билан узвий алоқадорликда амалга оширилиши зарур.

Маънавий ва ахлоқий комил ҳамда коррупция касалига чидамли шахсни тарбиялаш фуқароларни тарбиялаш-

нинг асосий йўналишларидан биридир. Шу билан бирга, ҳуқуқ-тартибот посбонлари учун коррупцияга қарши қурашда маърифат алоҳида аҳамиятга эга. Коррупцияга қарши ҳуқуқий нормалар ва тегишли ахлоқий мөъёллар, имон-эътиқод улар учун муҳим касбий жиҳат ҳисобланади. Ходимнинг ахлоқий сифатлари жамиятдаги қонунийлик-нинг умумий шароитига нисбатан дахлсиз муносабатда бўлмайди — у ёки бу фуқаро назарида давлат ҳокимияти-нинг обрўсини мустаҳкамлайди ёхуд уни тубдан бузиб, ҳуқуқий нигилизм ва ижтимоий лоқайдликка кенг йўл очиб беради.

Шу маънода шахсий таркибнинг коррупцияга қарши тарбияси ички ишлар органлари фаолиятида маънавий ахлоқий омилни шакллантириш ва фаоллаштиришнинг зарурий шарти бўлиб хизмат қиласди. Ҳозирги кунда ИИВ тизимида мақсадли ва илмий асосда амалга оширилаётган коррупцияга қарши маърифат, нафақат ходимларнинг ахлоқий қиёфасини шакллантиради, балки шахсий таркибнинг коррупцияга қарши курашини рағбатлантирувчи муқобил ахлоқий-руҳий муҳитни юзага келтиради.

Шундай қилиб, ички ишлар органлари ходимларида коррупцияга қарши «иммунитет»ни шакллантиришда ходимлар онгига қонунларга қатъий риоя қилиш, қоғистуворлиги учун хизмат қилиш каби фояларни синидириш, келгусида ходимларнинг маънавий ва касбий дараҷаси, хизмат бурчига содиклигини юксалтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси ИИВ кадрлар сиёсатининг самарадорлигини ошириш каби вазифаларни алоҳида қайд этиш лозим.

#### **5.4. Ички ишлар органларида коррупцияга қарши кураш чоралари тизими**

Коррупция ижтимоий ҳодиса сифатида узоқ тарихга эга. У ҳар қандай давлатда, хоҳ у ривожланган, хоҳ камбағал давлат бўлсин, барчасида мавжуд. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳанузгача долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бюджет маблағларини таъон-торож қилиш, порахўрликка қарши курашишда янгича

ёндашувлар ишлаб чиқиши давр талабидир. Айниқса, бу каби жиноий анъаналардан ҳуқуқ-тартибот органларини бутунлай халос этиш жуда муҳимдир.

Коррупцияга қарши давлат сиёсатини амалга оширишнинг муҳим вазифаси жамиятда коррупцияни кескин қоралаш муҳитини яратишдан иборат. Ўзбекистонда мазкур вазифани амалга ошириш аҳоли маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат хизматларини амалга ошириш жараёнларининг максимал шаффоғлигига эришиш, шунингдек, жойлардаги барча давлат ва маҳалий ҳокимият органларида доимий профилактик ишларни амалга оширишни назарда тутади.

Бунда айнан ҳуқуқий воситалар коррупцияга қарши курашда реал амалий ёрдам қўрсатиши мумкин. Қонунлар жамиятдаги барча соғлом кучларни бирлаштирувчи восита бўлиб, фуқаролик жамияти институтлари ва аҳолининг давлат органлари фаолиятини назорат қилиш бўйича ишини фаоллаштириш орқали кенг кўламда коррупцияга қарши курашда иштирок этиш имконини беради.

Давлатимиз мустақилликни қўлга киритган вақтдан бошлаб, изчил равишда коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларда жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини белгиловчи узоқ муддатли тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган сиёсатнинг методологик асоси Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсафасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997) фундаментал асарида ўз аксини топган. Мазкур асарда коррупция ва жиноятчилик миллий хавфсизликка таҳдид сифатида талқин этилиб, коррупцияга қарши кураш Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати ва давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлиги қайд этилган. Ислом Каримовнинг таъкидлашича, «жамиятда жиноий «хуфиёна иқтисодиёт»нинг мавжуд бўлиши уюшган жиноятчиликни келтириб чиқаради. Давлат ҳокимияти тузилмаларининг турли бўғинлари ва турли даражалари вакиллари ҳам

унинг йўлдан оздирувчи таъсирига тушиб қолади. Коррупция вужудга келиб, у энг аввало уюшган жиноий тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланади. Бу эса жиноятчилик ва коррупция жамиятга келтирадиган салбий оқибатлар туфайли жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига тўғридан-тўғри таҳдидdir.

Мамлакатимизнинг келажагини ва обру-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, кучгайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажақда ҳам демократик фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишини орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим”<sup>51</sup>.

Коррупция кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таҳқирлайдиган салбий ҳодиса сифатида барча давлатларда мавжуд. Инсоннинг ривожланиши, ҳуқуқ ва эркинликларининг максимал даражада амал қилишига ёрдам берадиган қонун устуворлик қиладиган ҳуқуқий давлат коррупцияга қарши курашиш бўйича мақсадли сиёsatни амалга оширади.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куриш йўлидан изчил бораётган Ўзбекистон Республикаси коррупцияни вужудга келтирадиган шарт-шароитларни бартараф этиш ва коррупциянинг турли шакллари пайдо бўлиши ва ёйилишига имкон берадиган омиллар таъсирини чеклашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар мажмусини ишлаб чиқиб, қонун билан мустаҳкамланган аксил-коррупциявий сиёsatни олиб бормоқда. Бунда давлатнинг ҳал қилувчи функцияларини имкон қадар камайтириш

<sup>51</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-т. – Т., 1998. – 90-б.

борасидаги вазифалар тизимли равишда ўз ечимини топмоқда. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини стратегик ва иқтисодий нуқтаи назардан асосланган даражагача қисқартириш чоралари кўрилмоқда.

Мустақиллик йилларида коррупцияга қарши кураш, давлат ва бошқа органлар фаолияти ва маълумотнинг очиқлигини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид норматив-хукуқий базани яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Хукуқий давлатнинг асосий таркибий қисми сифатида суд-хукуқ тизими буткул янги концепция асосида амалда жорий этилди. Суд-хукуқ ислоҳотларини яна чукурлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари ҳимоясини кучайтириш, жиноий сиёсатни либераллаштириш ва судловни такомиллаштириш бўйича аҳамиятга молик ишлар бажарилди. Жиноий даромадларни қонунийлаштиришга қарши курашни таъминлаш имкониятини берувчи норматив-хукуқий база ва амалий чора-тадбирлар тизими яратилди. Узбекистон Марказий Осиё ҳудудида биринчилардан бўлиб «Жиноий йўллар билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Арнольд Хейденхаймер «Сиёсий коррупция» асарида айтганидек: «бу терминнинг тарихида турли-туман маъно ва мазмунлар кўп учрайди». Сиёсатшунослар ва файласуфлар бу ҳодисани бойлик ёки ҳокимиятга ноқонуний воситалар билан эришиш, деб баҳолайдилар.

Сиёсий коррупциянинг олдини олиш учун сиёсий партияларнинг муҳим давлат масалаларини ҳал қилишдаги иштирокини сезиларли даражада кучайтириш, сайлов тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш тўғрисида қонунчилик актларининг қабул қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди. 2014 йил 29 декабрда бўлиб ўтган Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бунинг яққол далилидир. Сайлов жараёнларини кузатишда иштирок этган 70 мингдан ортиқ мамлакатимиз, 340 дан

ортиқ хорижий кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилоттар вакилларидан мутлақ күпчиликнинг фикрига кўра, сайловлар очиқлик шароитида, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тұла риоя этилган ҳолда үтказилди<sup>52</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ушбу сайлов халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганлигини, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтлари нуфузининг янада құтарилғанligini намойиш этди.

Коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни йүқотиш имконини берувчи иқтисодий үсиш, жумладан, иқтисоднинг ривожланиши учун ҳуқуқий майдон барпо этишга имкон қадар қулай шароит яратиш, мамлакат иқтисодиёти тузилишини тубдан үзгартыриш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш орқали хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш бўйича иқтисодий ислоҳотлар фаол давом эттирилмоқда. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва бу мулкдорлар синфининг шаклланиши ва мустаҳкамланишига катта ёрдам беради.

Айтиш жоизки, республикамизда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш осон кечгани йўқ. Ўрта мулкдорлар синфи ҳам давлат томонидан олиб борилган давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатининг изчил амалга оширилиши эвазига, ҳам кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланишининг рафбатлантирилиши, қимматбаҳо қофозлар бозорининг яратилиши ҳисобига шаклланди.

Коррупцияга қарши курашнинг қудратли қуороли фуқароларни коррупциянинг ҳар қандай қўринишига нафрат ва қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашдан иборат. Кўйилган вазифаларни самарали ижро этиш мақсадида 1997 йилнинг 29 августидаги ахолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича миллий дастур қабул қилинган ва у ҳозир жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

<sup>52</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Т., 2015. – 5–6-б.

Республикада мурожаатларни кўриб чиқиши жараёнини қатъий тартибга солувчи ва фуқароларнинг конституциявий хукуқларига риоя этилишини таъминлайдиган ҳамда фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тартибини назарда тутувчи қонунчилик базаси яратилди. 2014 йилнинг 4 декабридан кучга кирган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни бу соҳада қўйилган муҳим қадам бўлди.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистнинг касбий фаолиятини ҳимоялаш тўғрисида», «Маълумот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида», «Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг хукуқлари ва кафолатлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашининг «Фуқаролик жамиятининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, бошқа институтларини қўллаб-куватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ва бошқалар улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ ва модернизация қилишнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастурини рӯёбга чиқариш доирасида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар ва модернизация, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш, суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш, бозор ислоҳотлари ва иқтисодни либераллаштиришни чуқурлаштириш йўналишлари белгилаб олинди.

2008 йил 7 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилиши тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши коррупцияга қарши курашнинг бутқул янги босқичини бошлаб бердики, бу Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши изчил курашиб тарафдори эканлигидан, суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва давлат хизматини ислоҳ қилишга, мамлакат иқтисодиётининг хорижий инвестицияни жалб қилиш қобилиятини оширишга интиляётганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, 2009 йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасига қўшилди.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан «Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси» илгари сурилди. Унда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг қўйидаги устувор йўналишлари аниқ белгилаб берилган:

- давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
- суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш;
- информация соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда сўз ва маълумот эркинлигини таъминлаш;
- Ўзбекистонда сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;
- фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Концепцияда, хусусан, қўйидагиларга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган:

- Президентнинг давлат раҳбари сифатида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида ваколатларнинг мутаносиб тақсимланишини таъминлаши;
- суднинг амалда мустақиллигига эришиш, судда

ишларни кўришда тарафларнинг тенглиги ва қарорларнинг тортишув асосида қабул қилинишини таъминлаш;

— мамлакатдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминловчи органлар тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини яратишга имкон берувчи қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш;

— жамоатчиликни давлат ҳокимияти органларининг фаолияти ҳақида хабардор қилиш жараёнларини белгилаш, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар қабул қилаётган қарорлар, биринчи галда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли бўлганлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишларини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги яқин алоқаларни таъминлашда ОАВнинг ролини оширишга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш;

— сайлов эркинлиги тамойилини, мамлакат сайлов тизимини демократлаштиришни янада тўлиқ амалга ошириш;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифаларини кенгайтириш ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

— мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ҳиссаси кўлами янада кенгайтирилишини таъминлаш;

Президент Ислом Каримов 2015 йил 23 январда Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида «Олий Мажлис томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», ҳеч шубҳасиз, бизнинг эр-

ганги кунимизни белгилаб берадиган, ҳам сиссий, ҳам иқтисодий ислоҳотларимизнинг стратегик дастурига айланди... Мазкур Концепцияга мувофиқ, 2011 ва 2014 йилда Конституциямизга киритилган тузатишлар, давлат қурилиши соҳасида қабул қилинган бошқа қатор қонунчилик ҳужжатлари давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари – Ўзбекистон Президенти, Олий Мажлис, мамлакат ҳукумати ваколатларини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантириш ва оптималлаштиришни таъминләди»<sup>53</sup>, деб таъкидлаган эди.

Ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг натижаси шунда қуриладики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, жойлардаги ҳукумат идораларининг давлат ҳокимиятидаги роли сезиларли даражада ортди, ҳукумат, ҳокимиятнинг ижро этувчи органларининг мустақиллиги, ваколатлари, айни пайтда қабул қилинган қонунларни ижро этиш ва таъсирини янада кучайтириши учун масъулиятлари ошди.

Парламент фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўши. Ушбу соҳада қабул қилинган 10 га яқин қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар фуқаролик институтларининг мамлакат ривожининг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишдаги, одамларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдаги, жамиятдаги манфаатлар мувозанатини таъминлашдаги роли ва аҳамиятини кучайтирди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов парламентнинг мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократик ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни давом эттириш бўйича тизимли равишда олиб борилаётган ишлардаги алоҳида

<sup>53</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Т., 2015. – 7-б.

роли ҳақида таъкидлар экан, шундай дейди: «Парламент томонидан қабул қилинган 30 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш ишидаги самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди»<sup>54</sup>.

Мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан коррупциявий характерга эга ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Бунда асосий эътибор коррупцияни юзага келтирувчи шароитларни аниқлаш ва бартараф қилиш ҳамда кўрилаётган чоралар учун давлат органлари жавобгарлигини оширишга қаратилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, ички ишлар идоралари коррупцияга қарши курашда қўйидаги тамойилларга асосланадилар:

- коррупциянинг олдини олиш чоралари ва коррупцияга қарши курашда маънавий-ахлоқий асосда ёндашишнинг устуворлиги;
- бошқарув аппаратининг оптималь миқдорини сақлаб туриш;
- коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг юқори даражада ижтимоий хавфли эканлигини тан олиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, жавобгарликни чеклайдиган ёки тегишли шахсларни жавобгарликка тортишни мураккаблаштирувчи имтиёз ва устунликларни ўрнатишга йўл қўймаслик;
- содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррар эканлиги.
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, чунончи ички ишлар органларининг коррупцияга қарши самарали курашишига оид чора-тадбирларга қўйидагилар киради:

<sup>54</sup> Каримов И.А. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. – Т., 2015. – 7-6.

— олиб борилаётган аксилкоррупциявий таълим ва тарбия ишини янада жадаллаштириш ва таъсирчанлигини таъминлаш;

— Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳуқуқий ҳужжатларини аксилкоррупциявий экспертиздан ўтказиш;

— коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг алоҳида қўринишларини мониторинг қилиш;

— хизматга қабул қилинаётган шахсларга юқори маънавий-ахлоқий ва касбий талабларни қўйиш;

— ўз мажбуриятларини узоқ муддат нуқсонсиз бажариб келаётган, хизмат бурчини ҳалол ва садоқат билан адо этаётган ходимларни мунтазам рафбатлантириб бориш ва ҳалқ, Ватан равнақи йўлида фидойи инсонлар ҳаёти тўғрисида очерклар ва телекўрсатувлар тайёрлаш;

— жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини янада яхшилашга эришиш;

— коррупцияга қарши кураш масалаларида ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, коррупциявий йўналишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш умумхалқ иши. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, ички ишлар органлари ва улар таркибидаги тегишли хизматлар коррупцияга қарши курашнинг асосий субъектлари ҳисобланадилар. Бу борада амалга оширилиши керак бўлган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуққа зид мақсадларни кўзлайдиган шахсларнинг ички ишлар органларига кириб қолишиларининг олдини олиш;

- ички ишлар ходимлари ва уларнинг яқинларини хизмат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда ҳаётига, соғлиғига, мулкига қарши ноқонуний тажовузлардан давлат ҳимоясини янада мустаҳкамлаш;

- ички ишлар органлари ходимлари томонидан жиноятлар содир этилишига ёрдам берадиган сабаблар ва шароитларни аниқлаш.

## **6-боб. ҲАЛОЛЛИК – КОРРУПЦИЯДАН ТИЙИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

### **6.1. Ҳалоллик — юксак маънавий-ахлоқий фазилат**

БМТнинг «Коррупцияга қарши конвенция»си 8-моддасининг 1-бандида: «Коррупцияга қарши курашиш мақсадида ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, бошқа фазилатлар қатори ваколатли мансабдор шахсларнинг поклиги, ҳалоллиги ва маъсулиятлилигини рағбатлантиради», деб қайд этилади.

Одам боласи бу ёруғ оламга ёмонлик, ҳаром иш, жиноят, хиёнат қилиш учун келмайди. Унда мақсад, масъулият, дахлдорлик ҳисси доим улуғвор. Шу боис пешона тери, ҳалол хизмати билан яхшиларга ёндашади. Кимни баҳтли, деб ҳисоблаш мумкин, деган саволга юонон файласуфи Суқрот шундай жавоб берган экан: «Кимда ҳалол фикр ва ўткир зеҳн бўлса, ўшани». Демак, ҳалоллик фикрдан бошланмоғи керак. Ҳалоллик шунчаки инсоний фазилат эмас, балки маънавий покланиш жараёни, гурур, метин ирода, сабр-қаноат, ўзини ўзи назорат қилиш, ички ва ташқи фазилатлар уйғунлигидир.

«Ҳалол» — арабча сўз бўлиб, рухсат этилган, йўл қўйилган, қонуний, асосли, тўғри, виждонли одам маъносида ҳам, шариат ҳукмига мувофиқ еса, ичса, фойдаланса бўладиган, ҳаром эмас деган мазмунга ҳам эга.

«Ҳалоллик» кишининг ўзига қарашли, ўз меҳнати билан, пешона тери тўкиб топилган, хиёнат, фирромлик кабилардан холи демакдир. Шунингдек, фирромликка ўрганмаган, қинғир йўлга бормайдиган, бирорни алдамайдиган, тўғри, соғдил инсон фазилатидир. Тўғри, соғ, покиза бўлишни талаб қиласидиган маънавий-ахлоқий мөъёри англаувчи тушунча. Инсонни маънавий-ахлоқий

жиҳатдан безайдиган бетакрор фазилатлардан бири — ҳалол, покиза яшаш, бироннинг ҳақига заррача бўлса-да хиёнат қилмаслик. Ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, фақат ўз меҳнати эвазига тирикчилик қилиш, ҳаром-харишдан жирканиш, ҳаромхўрликни энг катта гуноҳ ва ахлоқсизлик деб билиш — Шарқ фалсафасининг энг муҳим ғояларидан ҳисобланади. Ҳалоллик виждан, адолат ва бурч каби ахлоқий тушунчалар билан боғлиқ, инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатидек соф, покиза бўлишини талаб қиласиган ахлоқий меъёрдир. Даставвал у диний тушунча сифатида вужудга келиб, ҳар бир мусулмоннинг емак-ичмаги, жинсий ва иқтисодий хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи шаръий меъёр сифатида амал қилган.

Буюк мутафаккир А. Навоий «Молу дунёсининг кўплигидан бирор нарсага муҳтожлик машаққатию фақирликни кўрмаган киши бой эмас, Худо нафснинг ёмон хоҳишларини тарқ этиш баҳтини мұяссар қилган кишини бой деб бил», деб ёзади.

Ҳозирги кунда ҳалоллик нисбатан тор шаръий қобиқдан чиқиб, аста-секин шахс ҳаётидаги кенг қамровли ахлоқий меъёрга айланди, теран маънавийлик касб этгани ҳолда, кундалик ҳаётда инсонийликни белгилайдиган умуминсоний фаолиятга айланди.

Ҳалқимизда **ҳалолламоқ** ибораси ҳам борки, унда ҳалол қилмоқ, шариат қонун-қоидаларига мувофиқ еса-ичса бўладиган қилмоқ, баъзи ҳолларда, бирор нарсани оқладиган, унга арзийдиган, муносиб иш қилмоқ тушунилади.

Юқоридаги хислатлардан инсоний фазилат шакллана-ди. Виждан билан, инсоф юзасидан иш тутиш; тўғрилик, софлик каби хислатлар унинг таркибий қисмларидир.

**«Ҳалоллик»** — кенг маънода ҳар қандай ахлоқий тизимдаги меъёрларнинг жонли тилдаги номи. Илмий тилда императив (вожиб, амр) деб юритилади. Муайян жамият, синф, гуруҳлар томонидан ўз аъзолари зиммасига юклатилган, ихтиёрий тарзда, вижданан бажарилиши шарт бўлган вазифаларни англаради.

Ҳалоллик — бу инсонлар учун рухсат қилинган яхши, ижобий ишлар, хатти-ҳаракатлар мажмуидир, меҳнат эвазига топилган нарсалар, шунингдек, пок ва тоза озиқовқатлар сирасидир. Ҳалолликнинг янада кенгроқ маънодаги жиҳатлари бу турмушдаги ҳалоллик, ўзаро муомала-муносабатдаги ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик, савдо-сотиқдаги ҳалоллик, дўстлар ўртасидаги ҳалоллик ва шу кабилардир. Юраги, қалби пок ва тоза, ҳалол йўлдан юрган инсонлар ҳамиша хотиржам бўлади, қўнгли равшан, доимо сиҳат-саломат юради. Хоразмлик қомусий олим, буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарий бу ҳақда шундай деб насиҳат қиласи: «Ҳалол ва покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бирорвга хиёнату ёмонлик қила-диган киши эса ҳалокатга гирифтдордир».

Ҳаёт, асосан оиладан бошланади. Ўзбек ҳалқида «Күш уясида кўрганини қиласи», деган нақл бор. Демак, отона пок ва ҳалол бўлса, фарзанди ҳам шу руҳда камол топади. Фарзанддаги яхши феъл ва амаллар ҳалол луқмандандир.

Хулоса шуки, **поклик ва ҳалоллик** имонли бўлишнинг асосий шартидир. Инсондаги яхши ёки ёмон иллатлар унинг имонига, яъни поклиги ва ҳалоллигига боғлиқ. Инсон имонининг поклигига доимо шайтон рахна солиб, уни йўлдан адаштиromoқчи, ношаръий йўлларга солмоқчи, ҳалоллик, поклик йўлидан урмоқчи бўлиб, қалбida гулгула уйготишга ҳаракат қиласи. Шуни яхши эсда сақлашимиз керакки, поклик ва ҳалоллик ёнида доимо уни шу йўлдан оздирмоқчи бўлган шайтоний васваса ҳамроҳ бўлиб юради. Озгина имон йўлидан тойилишга мойиллик бўлса, ўша ерда дарров шайтоний ҳиссиёт бош кўтаради ва охир-оқибат инсон қалбини забт этишга интилади. Шунинг учун доимо имон, поклик ва ҳалоллик йўлида ҳушёр туришимиз керак. Бу, айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида ниҳоятда зарур.

Қуръони Карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига

олган. Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид фикрларнинг мукаммал тўпламидир. Куръони карим, ҳадисларни, шариат қўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, имон ва виждан билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолмаганини қўрамиз. Айниқса, ислом ҳаром ва ҳалол масаласига мусулмонлар эътиборини қаратади. Шариатда Оллоҳ томонидан қилинишига руҳсат этилган амаллар, ишлар ҳалол дейилади. Ҳаром эса, аксинча, қилинишига руҳсат этилмаган ишлар ва амаллардир. Одатда, ҳалқимиз «ҳалол» ва «ҳаром»ни ейиладиган ва ичиладиган нарсаларга ишлатиб келган. Шариатда ижозат этилган ҳамма нарсалар, ейиладиган озиқ-овқатлар, қилинадиган ишлар ҳалол деб ҳисобланган. Ижозат этилмаган нарсалар, ишлар ва амаллар эса ҳаромдир. Оллоҳ ҳаром этилган ишларни қилувчиларга бу дунёда ёки қиёмат кунида жазосини албатта бериши айтилган.

Президент Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради, лекин, шу билан бирга, ҳаётда бу каби даъватларга амал қилишга интиладиган одам кўпинча турли қийинчиликлар, ҳатто азобу уқубатларга дуч келишини кузатиш қийин эмас»<sup>55</sup>.

Ҳалол қилинган нарсалар ва ишлар кўпчиликка маълум, у ҳақда кўп эшитганмиз. Ҳаром қилинган ишларни эслатиб ўтиш ва эслатиб туриш жоиздир. Булардан айримларига қўйидагилар: соғ бўла туриб ишсиз юриш, зинокорлик, ота-онага оқ бўлиш, савдо-сотиқда гирромлик қилиш, бироннинг ҳаққига, омонатига хиёнат қилиш, қасамхўрлик, судхўрлик, ўғирлик, қароқчилик, майхўрлик, гийбат, туҳмат, бўҳтон, жосуслик, қотиллик, пораҳўрлик ва бошқалар киради. Хуллас, ҳаром инсон ва жамиятга зарар келтирадиган иш ва амаллардан иборат.

<sup>55</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — 21-б.

## 6.2. Нафсни жиловлаш ҳақида

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг тўғри ҳаёт кечиришида ҳалоллик муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг порахўрлик, коррупция, тамагирлик, фирибгарлик каби иллатлар домига тортилмаслигига ҳалол турмуш тарзининг ўрни бекёёс.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фаолияти эл-юрт хизмати билан кечади ва ўз ҳалқининг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, «хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини масъулиятни ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этиши талаб қилинади». Ушбу фикрлар соҳа ходимларининг олтин қоидасига айланиши керак.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар муваффақияти-нинг асосий омили ҳалолликдир. Давр юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш ва хизмат қилишни талаб қилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсоф ва адолат туйфуси, имон, ҳалоллик дегани»<sup>56</sup>, деб бежиз таъкидламаган.

Ички ишлар идоралари ходимлари давлат хизматчиси, яъни ҳалқ хизматчиси деган юксак номга эга. Шу боис ҳам ҳар бир ходимдан ўзига юклатилган вазифани вижданан бажариши, фаолиятининг пировард натижаси учун масъулиятни чуқур ҳис этиши, жавобгарликни ўз бўйнига олиши талаб этилади.

Ходим фаолиятида ҳалоллик, нафсни жиловлаш каби инсоний фазилатларни ўзида мужассам этсагина, хизмат погоналаридан қоқилмай кўтарилади ва ҳалқ ҳурматини қозонади.

Давлатимиз раҳбари кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, тамагирлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш каби иллатлар учраб турганлигини, қонунга зид бўлган бундай ҳолатлар

<sup>56</sup> Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-т. – Т., 1996. – 39-б.

билин муроса қилишга чек қўйишнинг вақти келганлиги-ни таъкидлаган<sup>57</sup>.

Ҳалоллик нафсни жиловлашдан бошланади. Энди «нафс» тушунчасининг моҳиятига тўхтalamиз.

Изоҳли луғатларда «**нафс**» арабча сўздан олинганлиги ҳамда қалб, қўнгил, инсон, мақсад, интилиш, фурур, магурлик маъноларини англатиши қайд этилган.

«Нафс» ибораси, асосан инсонларга нисбатан қўлланилиб, кишининг ўз жисмоний талабларини қондиришга бўлган интилиши тушунилади. Шу интилиш кишида меъёрдан ортиқ ёки ахлоқ доирасидан ташқари бўлса, ундаи киши «нафси ёмон» ёки «баднафс» ёхуд «нафсини тия олмаган» деб таърифланади. Агар кишининг нафсоний талаби меъёридан кам бўлса, бундай кимса «нафси ўлик» ёки «нафсини тийган киши» дейилади ва бу ахлоқда ҳусн ҳисобланади. Инсоннинг ақли ақл нафсини бошқариб туради. Ҳайвонда нафсни инстинкт бошқаради. Шунинг учун ҳайвон нафсоний талабларини тажовуз йўли билан ҳам қондиради. Инсоннинг ҳайвондан фарқи унинг ақл ёрдамида нафсини тия олишидир. Нафсини тия олган шахснинг инсонлиги шунда кўринади. Кишида ноинсоний сифатларнинг устун келиши уни турли балоларга гирифткор қиласи. «Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур» деган нақлда нафснинг оғир оқибатлари назарда тутилади.

«Нафси ҳайвоний» деганда тирик мавжудотнинг тириклигини таъминловчи қувватлар йиғиндиси тушунилади.

Тирикликка сезиш ва ихтиёрий ҳаракат хос. Буни кўриш, эшитиш, татиш, ҳид сезишдан иборат ташқи ҳамда ички қувватлар таъминлайди. Олимларимиз бу қувватларнинг ҳаммасини «ҳис» ёки «ҳавосс» деб атайдилар. Ҳавосс «ҳис» сўзининг кўплигидир. Инсонда бошқа мавжудотларда бор қувватлар, шунингдек, фақат инсонга хос фикрлаш ва нутқ қуввати мавжуд. Ақл ва нутқ инсонга берилган шарафли имтиёз ҳисобланади ва шу боис унга

<sup>57</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилидир. – Т., 2012. – 27–28-б.

«ашрафу-л-махлукот», яъни махлукларнинг энг шарафлиси деб таъриф берилган.

«Нафси аммора»нинг лугавий маъноси доим буйруқ бериб турувчи нафсоний куч бўлиб, бу ибора фақат нафс буйруғи билан иш қилувчи, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кишиларнинг нафсига нисбатан қўлланади. Бу нафс кишиларни ўғирлик, зўравонлик, бузуқлик ва ичкиликпастликка олиб боради ва турли балоларга гирифторм қиласди. Аччиқланиш, ўзини катта олиш, ўзгалардан устун келишга ҳаракат қилиш, ўчакишиш, кек сақлаш, бирорни кўролмаслик, қурумсоқлик, жанжалкашлик, бирорларнинг орқасидан гапириш каби салбий хусусиятлар нафси амморанинг амалий белгиларидир.

Киши билиб ёки билмасдан нафс фармонига бўйсунади. Бола эси киргунга қадар билмасдан нафсга бўйсунади. Боланинг келажагини ўйлаган ва ўзлари яхши тарбия олган ота-оналар, оға-инилар уни бошдан ва барча ўжарликларига қарамасдан нафснинг амморалик хусусиятини йўқотишга ўргатиб борадилар. Натижада бола балоғатга етгач, ўз нафсига мағлуб бўлмасдан, ҳамиша ундан ғолиб киши бўлиб етишади. Баъзан тарбиянинг йўқлиги ёки нотўғрилиги туфайли бола нафсига мағлуб бўлиб ўсади ва ёш жиҳатидан қариганда ҳам нафс жиҳатидан гўдаклигича қолади. Катта бўлганда фақат нафс буйруғи билан бўладиган ҳаракатнинг шакли ўзгаради. Масалан, навқирон йигит ёки қиз, мўйсафид чол ёки кампир бирорнинг нарсасини ўзлаштириш учун ўзини ерга отиб, тепиниб йигламайди, балки куч ёки турли макру ҳийлаларни ишга солади. Бундай кишилар ўзларини нафс қулига айланганликларини билмайдилар ва ўзларини ғолиблар қаторига қўшадилар. Била туриб нафсга бўйсуниш эса, иродасизлик туфайли содир бўлади.

Уришқоқ, ўзгаларнинг нарсасини тортиб оладиган ёки сўроқсиз ўзлаштирадиган, чекишдан ўзини тия олмайдиган мактаб ўқувчилари, бўккунча овқат ейдиган, ичкиликка берилган, ўзгаларни норози қилиб, алдаб тирикчилик қиласдиган катта кишилар, амални суистеъмол

қилувчи амалдорлар, ўз халқи ва ўзга халқларни таловчи подшолар, бутун оламни эгаллашга ҳаракат қилувчиларнинг нафси нафси аммора бўлиб, мазкур шахслар оқибатда ўз нафсларининг қурбони бўладилар.

Тилимизда «нафси лаввома» ибораси ҳам мавжуд. «Лаввома» доим койиб турувчи деган маънони билдиради ва нафс жиловини ўз қўлига олган, нафсини ақлига бўйсундирган ва нафс голиб келганда ўзини ўзи койиб, яна нафсини мағлуб қила оладиган кишининг нафси «нафси лаввома» деб аталади.

Нафси лаввома соҳиблари яшаш учун зарур бўлган нафсоний талабларини ҳалол йўллар билан, меъёридан оширмасдан қондирадилар. Натижада бундай кишилар ўзгаларни мамнун қилган ҳолда тинч ва фаровон ҳаёт кечирадилар.

Нафси аммора соҳибига қаҳру ғазаб, нафси лаввома эгасига меҳру шафқат хос. Биринчисига тажовузкорлик, уятсизлик, сурбетлик, манманлик, мутакаббирлик, ҳаромхариш, ҳирс, очкўзлик, ўзгаларни кўролмаслик хос бўлса, иккинчисига ибо, ҳаё, адаб, тортиниш, камтарлик ва тавозе, ҳалоллик, қаноат, ҳатто ўзида йўқ нарсалар ўзгаларда бўлса, худди ўзида бордай хурсанд бўлиш хислатлари бор. Нафси аммора соҳибларини ҳамма қораласа, нафси лаввома соҳибларини ҳамма ҳурмат қиласиди. Шунинг учун соглом жамият аъзоларининг аксариятини нафси лаввомага эга бўлган кишилар ташкил қилиб, нафси аммора эгалари соғлом кишилар орасида кам бўлади.

Ҳазрат Навоий айтадилар: «Нафс истагига берилган, нафсоният маконида ўрнашади. Ҳеч ким ўз қўнглига фам тиламайди ва ўз нафсига алам истамайди. Аммо бошқанинг ҳаётида ҳадсиз хорлик қўрса, уни ўзига келган озгина қийинчиликча кўрмайди. Яна бирор яқин кишиси бошидаги беҳисоб қийинчиликларни англаса, ўзига келган озгина кулфатча таъсирланмайди.

Ҳамма киши ҳам ўзгадан кўра ўзини азизроқ ва ўзгалар сўзидан кўра ўз сўзини лазизроқ билади. Киши дунё яхшиликларини ўзидан нари кетказмайди, аммо ўзга кишига яқинлаштирмайди.

*Ҳар киши шаҳват майидин маст ўлур,  
Жаҳлу гафлат бандига пойи наст ўлур».*

«Нафс умр давомида саркашлик қилмасин десанг, тани ором ва ҳузурларга фарқ этма. Эй макони гафлат тандири бўлган одам, бошдан оёгинг олий мақсад билан банд бўлсин. Агар сен нафс итини парвариш этсанг, вужудинг ҳам, руҳинг ҳам хунасаликда қолиб, гавҳаринг намоён бўлмайди», дейди Фаридиддин Аттор машҳур «Мантиқ ут-тайр» асарида.

Юқоридагиларни ўзгалар ҳақига хиёнат, хизмат вазифасини суистеъмол қилиш, яъни тамагирлик эвазига ўз эҳтиёжларини қондириш йўлига кирган ходимлар нафснинг оқибатларини тасаввур ва идрок этишлари учун баён этдик.

Нафс, биринчидан, ейиш-ичиш ва мол-дунёга бўлган эҳтирос бўлса, иккинчидан, шаҳвоний ҳирс. Юқорида нафснинг изидан эргашадиган одам унинг қулига айланishi ҳақида фикр юритдик. Нафсни ўз вақтида жиловламаслик моддий ва маънавий хатарга олиб келиши муқаррар. Натижа албатта аянчли бўлади.

Нафсни тийишнинг асосий омили инсон маънавиятини юксалтиришdir. Маънавиятли инсон ҳар қандай ёмонликлардан ўзини тия олади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов маънавиятни «ўз нонини ҳалол меҳнат билан топадиган, холис ва эзгу ишлар билан эл-юртга нафетказадиган, тирикчилик мазмунини теран англаб, нафакат бугунги ҳаёт лаззатлари, балки охират ҳақида, унинг обод бўлиши ҳақида ўйлаб яшайдиган инсонларга хос ҳаётий қарашлар»<sup>58</sup> деб таъкидлашлари ҳар бир ички ишлар идоралари ходимиини тўғри хулоса чиқаришга ва ҳалоллини фаолиятининг асосий мезонига айлантиришга ундейди.

Афсуски, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида нафс балосига гирифтор бўлганлар ҳам йўқ эмас. Дарҳақиқат, нафс инсоннинг ўзи ёки ўзига яқин инсонларнинг манфаати деб кўпчилик манфаатини эъти-

<sup>58</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — 23-б.

борга олмаслиги, бу йўлда ўз қасамёдига содик қолмасдан ўз нафси ортидан кетиши ва бошқа бир манфаатдор томон билан тил бириктириши, кўпчиликнинг зарари ҳисобига моддий бойлик ёхуд мавқе орттирадиган қарор қабул қилиши каби ҳолларда намоён бўлади.

Шарқ мутафаккирларининг эътирофича, шахсий манфаат билан жамият манфаати уйғунлигига эриша олмаган инсон ҳалқ ва давлат хизматида узоқ вақт қола олмайди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш фурсати етганлигини баён этганлиги барчамизга маълум<sup>59</sup>. Жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан биридир. Унинг олиб борилиши ҳар бир давлат хизматчиси, жумладан, ички ишлар идоралари ходими-нинг хизматга бўлган масъулиятини оширади, қонун до-ирасидан чиқиб кетмаслигини кафолатлади.

Дарҳақиқат, ҳалқ назари, жамоатчилик фикри ходими-ни шарафли, айни пайтда фоят масъулиятли фаолиятига нолойиқ эканини ошкор этмай қўймайди. Шу боис ҳам масъул ходимлар, етакчи раҳбарлар, энг аввало, нафс тарбияси мактабини ўтаган бўлишлари керак.

Ҳазрат Алишер Навоий назарида инсон нафсини жиловлай олмас экан, тама уни ёлғон ва очқўзликка ундай-веради. Шунинг учун ҳар бир ички ишлар идоралари ходими тамадан узоқ бўлиши керак. Шоир айтганидек, шоҳ девонида муҳр уришини топширган инсон давранинг тўрини эмас, пойгакини кўзлаб, нафсини ўша пойгакда туришга ўргатиши лозим. Агар нафсидан голиб бўлолмас экан «муҳрни синдирмоги» афзал. Нафсни жиловлай ол-маслик қонун, адолат посбонига асло ярашмайдиган ил-латдир.

<sup>59</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2012. – 46-б.

Демак, ходим нафсни қондириш учун тубанликка юз тутмаслиги лозим, бу йўлда ўзини сувга-ўтга уриш ярамайди. Бежизга доно халқимиз нафс қулига айланган, ўз манфаатига бошқалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйладиган кимсадан худонинг ўзи арасин, демайди. Бағрикенг, ҳалол, виждонли, меҳроқибатли, эл-юртга садоқат билан хизмат қилаётганларни халқ бошига кўтаради.

Ҳалоллик инсонни улуғлайди ва обрўсини оширади. Шу боис ҳам ҳалоллик ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг бош мезони ҳисобланади.

Айниқса, ички ишлар идоралари ходими халқ билан ҳамнафас яшайди ва уларнинг осойишталигини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиласди. Шунинг учун доимий равишда жамоат назоратида, халқ назарида бўлади. Жамоатчилик назорати адолат ўрнатилишида, шахс, жамият ва давлат муносабатларида тенгликни таъминлашга, хизматга бўлган масъулиятни оширишга хизмат қиласди.

Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик каби буюк инсоний фазилатлар ҳар бир ички ишлар идоралари ходимининг турмуш тарзига айланиши шарт.

Ходим касб маданияти ва одоби деган тушунчаларнинг маъно-мазмунини теран англаб олмоғи лозим. «Касб одоби – кишилар ўртасидаги касбий фаолият билан боғлиқ муносабатларга маърифий тус берадиган хулқ-атвор кодекси»<sup>60</sup>, дея таърифланади.

Халқимиз орасида «иззат-нафс» тушунчаси кўп қўлланилади. «Иззат-нафс» ибораси араб тилидан олинган бўлиб, нафсини улуғловчи, хурмат қилувчи маъноларини англатади.

Демак, ҳар бир ходим ўз қадр-қимматини қадрлаш ҳисси, мавқеи ва обрў-эътиборини сақлаш туйғуси билан яшashi, бошқаларни бехурмат қилмаслик, менсимаслик

<sup>60</sup> Маънавият: Асосий тушунчалар изоҳли луғати /Faфур Фулом номидаги НМИУ. – Т., 2009. – 244-б.

каби иллатлардан ҳимояланиш хусусиятига эга бўлмоги лозимлигини англаб етиши бугунги куннинг талаби бўлиб, уларга итоат этиш ходимнинг обрусига обрў қўшади.

Юқоридаги фазилатлар ёшу қарига бирдек хос бўлиб, кишининг маънавий камолоти ва руҳий-иродавий ҳолати ҳамда нафсониятини қадрлаш даражасидан келиб чиқади.

Иzzat инсонларнинг жамиятдаги даражасини белгиловчи омил сифатида ижтимоий мазмун касб этади. Бу борада қадим юонон файласуфи Арастунинг (эрамизгача бўлган 384—322 йиллар) қўйидаги фикрлари мавжуд:

*Иzzat тиласанг — иффатли бўл,  
Улуғлик тиласанг — мулоим бўл,  
Зафар тиласанг — сабр қил,  
Илм ўрганмоқчи бўлсанг — жиодду жаҳд қил.*

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 25 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табригида «милиция ходимлари фаолиятида учраб турадиган коррупция, расмиятчилик, тўрачилик ва лоқайдлик каби салбий ҳолатларга тубдан барҳам бериш» вазифаси юклатилгани бежиз эмас. Бу барча ички ишлар идоралари ходимларини тегишли хулоса чиқаришга ундейди.

### 6.3. Шукур, сабр ва сабот тўғрисида

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов халқимиз менталитетининг муҳим жиҳатларидан бири шукроналик, умрдан мамнунлик эканлигини алоҳида таъкидлаган. Юртбошимизнинг «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз» номли асарида шундай фикрларни ўқиймиз:

«Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирамасин, албатта уни беихтиёр Яратгувчининг номи билан боғлади. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмиллоҳни айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда худога шукrona келтирамиз, тавба қиласиз. «Шукур» деган каломни ҳар куни айтмайдиган бирор инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пай-

ғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом ҳам «шукур» ва «тавба» деган сұзларни әнг күп ишлатар эканлар.

Биз мана шу ёруғ күнларда яшаётганимиз учун, юрту элимиznинг тинчлиги учун, фарзандимиз бағримизда әмин-эркин униб-ұсаётгани учун Аллоҳ таолога доимо шукроналар айтамиз».

Нафсни жиловлаш учун инсон шукур қилиши, сабр ва саботга әга бўлиши лозим. Шукур бу киши ихтиёрида бўлган барча нозу неъматлар, озми-кўпми моддий бойликлар, тўқисми-ноқисми соғлиғи учун, борига қаноат қилган ҳолда Яратганга ташаккур изҳор қилиш, миннатдорчилик билдириш демакдир. Шукур ҳам дилда, ҳам тилда бўлиши керак. Кўнгил шукридан кишига ҳар қандай неъмат етса, ҳақиқий неъмат улашувчининг чексиз карамидан деб билиш лозим. Тил орқали шукур доимо Ҳақни ёдга олиб, олқишу ҳамд айтиб юришдир. Аъзо шукри ҳам борки, бу ҳар бир узвни ўзига ажратилган ишга машғул қилишдир. Масалан, кўзнинг вазифаси барча маҳлуқотга иззат, каттаю кичикка ҳурмат, ожиз ва фақирларга шафқат назари билан қарамоқдир. Қулоқнинг вазифаси Қуръон оятлари ва ҳадисларни, насиҳат ва ибратли ҳикояларни, раҳбарларнинг буйруқ ва кўрсатмаларини қабул қулоғи билан эшитмоқ, қўл шукри фақир ва муҳтожларга эҳсон улашмоқ кабиладир.

Демак, шукроналик билан яшаш, барча инсонлар каби, ҳар бир ички ишлар идоралари ходими фаолиятини безайди.

Сабр ҳаётда кишига етадиган заҳмату мاشаққат ва оғату балоларга чидамоқдир. Сабр ниҳоятда мақбул ва ардоқланадиган фазилатдир.

*Ким талаб йўлидадур туриштиёқ,  
Барча ишдин сабр ангадур яхшироқ.*

Ҳар ким турли нохуш ва кўнгилсиз ҳодисалар бўронида сабр қалқонини юзига тутса, умидига тезроқ етишади. Чунки сабр шодлик қалитидир ва роҳат уйининг эшиги то бу калит бўлмагунча очилмайди.

Туркистон подшоҳлари тарихида ёзилишича, афсона-  
вий подшоҳ Афросиёб ўз амирларига шундай деган: «Ўз  
навкарингизнинг ҳайъату салобати ва ҳайбату шавкатла-  
рига алданманглар. Уларнинг урган лофларига ва қилган  
даъволариға учмангиз. Аввал уларнинг сабру бардошини  
имтиҳон қилингиз. Агар саф синови билан холис ва буткул  
тайёр эканликлари маълум бўлса, уларнинг мардлигига  
ишонинг. Мард даъво билан иззат топмайди, сабрли бўлса,  
қадр билан қиймат топади.

**Сабр** (арабча — аччиқ, чидам, бардош) инсон маъна-  
виятининг таркибий қисми бўлиб, ошиқмасдан кутиш  
ёки ўзини тия олиш, тоқат, чидам-бардош, иродада ва  
қаноат қилишни билдиради.

Мавлоно Жалолиддин Румий: «Сабр имон туфайли  
бошқаларга тож бўлади. Шунинг учун сабри йўқнинг  
имони ҳам бўлмайди».... «Унингдек тасбеҳ йўқдир. Сабр  
қил, асл тўғри тасбеҳ шудир. Сабр қил, сабр тангликтининг,  
изтиробнинг калитидир»<sup>61</sup>, деган фикрни билдирган.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти турли  
ностандарт вазиятларда, кутилмаган ҳодисалар жараённида  
кечади. Шу боис ҳам ходимнинг турли-туман зиддиятли ва  
тўсатдан юз берадиган воқеа-ҳодисаларга бардош кўрсата  
олиши талаб этилади.

Давлат хизматчиси мақомига эга ички ишлар идоралари  
ходими учун сабр — юксак маънавият, ақл ва маданият  
белгиси бўлиб, бошқаларнинг фикри ва эътиқодига ҳур-  
мат кўрсатишни тақозо этади. Улар мураккаб ижтимоий  
вазиятларда муаммоларга ақл, билимдонлик, босиқлик ва  
бағрикенглик билан муносабат билдириши ҳамда хатти-  
ҳаракат қилиш кўнилмаларига эга бўлиши керак. Энг  
муҳими ходимда холислик фазилати юқори бўлиши зарур.

Ходимнинг турли вазиятлардаги жараёнларни (салбий  
ёки ижобий) фарқлаш уқуви, адолат, ҳалоллик билан  
баҳо бериш лаёқати унинг касбий тайёргарлиги юқорилиги  
ҳамда ностандарт вазиятларда тўғри қарорлар қабул қила  
оладиган кадр эканлигини кўрсатади.

<sup>61</sup> Жалолиддин Румий. Қалб қўзингни оч.... / Таржимон ва напрса  
тайёрловчи С. Бозорова. — Т., 2010. — 109-б.

«Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти» қўлланмасида ходимдан хизматга чидамли бўлиш, оғир ҳолатлар юз берганда уларга бардош қилиб, ўзини йўқотмаслиги, муомала маданиятига риоя этиши, ноўрин ҳаракатлардан ўзини тийиши қайд этилган. Зоро, ҳалқимизнинг «Сабрнинг таги — сариқ олтин», «Сабрлига ош, сабрсизга тош» каби мақоллари замираидан донишмандларнинг, аждодларимизнинг хуносалари мужассамлашган.

Сабрга оид ривоят:

Нақл қилишларича, бир амир подшоҳ билан бир иш юзасидан машварат қилаётган эди. Иттифоқо унинг кўйлаги ичига бир чаён тушиб, дам-бадам ниш ура бошлади, унинг баданига барча заҳарларини сочиб, азоб берди. Лекин амир сўзидан тўхтамади ва юзида ҳеч қандай ўзгариш ҳам содир бўлмади, сўзи ақл доирасидан ва ҳикмат қоидасидан ташқари чиқмади. Уйига қайтиб боргандан сўнг, чаённи кўйлаги остидин чиқарди. Бу хабар подшоҳга етди, у таажжубланиб, ҳайрон бўлди. Эртаси куни амир хизматга келганида подшоҳ деди: «Ҳар киши ўзига етган зарарни даф этиш чорасини кўради, сен ўтган кун чаён зарарини ўзингдин нима учун даф этмадинг?». Амир: «Мен сендеқ подшоҳ билан ҳамсуҳбат бўлиш шарафидан бир чаён заҳрининг алами туфайли воз кечадиган киши эмасман. Агар бугун бир чаённинг ниши заҳрига сабр эта олмасам, эртага жанг майдонида душманнинг ўткир тифи зарбига қандай қилиб тоқат қила оламан», — деб жавоб берди. Бу сўз подшоҳга хуш келиб, унинг мартабасини баланд қилди ва амир бир муддат сабр қилганлиги сабабидан муроду мақсадига етди.

Ҳалол хизмат қилиш ва турмуш кечиришда қаноатнинг ўрни ҳам бекиёсdir. Қаноат борасида ҳазрат Навоий шундай дейди: «Қаноат бир чашмаки, суви олган билан қуримас, у бир хазинаки, сарфлаган билан нақди камаймас, у бир экинзорки, ундаги уруглар иззату шавкат ҳосилини беради ва у бир дарахтки, муҳтоҗсизлик ва ҳурмат мевасини тугади. Ундан кўнгилга очиқлик ва кўзга равшанлик етади.

Қаноатли дарвешнинг қотган нони тамагир шоҳнинг тўкин дастурхонидан яхшироқдир. Шоҳ бу олмасдан бергувчидир, гадо сочмасдан тергувчидир.

Кимки, қаноатга одатланса, у шоҳу гадо бўлишдан озод бўлади. Маош уйи (ҳаёт кечириши) гарчи тор бўлсада, муболаға қилишга арзийдиган жойи бор. Бу уй бир қалъаки, унга кирсанг, нафс балосидан қутуласан, у бир тоғки, унга чиқсанг душману дўстга муҳтожлик сезмайсан. У бир бечораликки, натижаси улугворлик ва бир муҳтожликки, самараси бениёзликдир. У бир уруғдирки, ҳосили — бойлик, у оғир, лекин фарогатга олиб борадиган йўлдир.

Қаноатда фарогат ва хотиржамлик қанча кўп бўлса, тамада разолату жазо шунчалик бисёр бўлади».

Ҳасис нафсга дўстдир, гадошевалик киши разолатни хуш кўради. Бунинг оқибати хорлигу зорлик билан тугайди. Кимнинг табиатида бу нарсалар бўлса, ҳалқ уларни лаънатлади. Бу нарсалар пасткашлик ва тубанликни авж олдиради, инсониятга завол келтиради. Булар номус уйини куйдирувчи ўт, иззат хирмонини совурувчи ва виқор шамини ўчирувчи елдирлар. Очкўз таомга қанчалик ташна бўлса, тамагир инъомга шунчалик ўч бўлади. Буларнинг бири ҳайвоннинг сифати бўлса, иккинчиси — пасткашнинг табиати.

Қаноат бир гавҳарки, кишини икки балодан сақлайди. Улар бир-биридан ёмон бўлиб, бири очкўзлик ва иккинчиси хорликдир.

Сабот ишларни битиришда событқадамлик ва заарли одатларни даф қилишда барқарор бўлишдир. Дарҳақиқат, сабот баракот богининг мевадор дараҳти ва нажот йўлинига раҳбаридир. Инсонлар тоифасининг ҳеч бири саботга ички ишлар идоралари ходими каби вобаста эмас, чунки саркаш, хулқи бузук фуқаролар ва жиноятчиларни жиловлаш ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этишда ходимнинг саботи барча фуқарога равшан бўлмаса, қонунга итоат этмай қўядилар ва гийбату фасод аҳли исёну ғавғо қутаришдан қўрқмайдилар.

Собитқадам киши ҳеч бир кишининг дағдағаси билан ўз йўлидан ортга қайтмайди, ўз мақсадидан юз ўгирмайди ва ҳеч кимнинг васвасаси билан ўзининг эътиқодидан чиқиб, ўзга йўлга юрмайди.

Сабот нишонаси икки нарсада кўринади. Бири шуки, киши ҳар ишга қўл урса, уни ниҳоясига етказишни ўзига лозим деб билади.

Иккинчиси шуки, тилига жорий бўлган ҳар қандай сўзининг аксини мумкин қадар айтмайди.

Тарихда ёзилишича, султон Маҳмуд бир кун Фазнин майдонидан ўтаётганида, бир киши кўтара олмайдиган оғир тошни орқалаб кетаётган бир ҳаммолни кўрди. Ҳаммол тошнинг оғирлигидан кўп азият чекарди. Султон унинг машаққатини кўргач, шафқат юзидан: «Эй ҳаммол, тошни ташла», — деди. Ҳаммол дарҳол тошни ташлади. Ўша тош анча муддат йўл устида ётди. Отлар унга яқинлашганда хуркиб, ортга қайтиб кетардилар. Махсуслардин бир жамоа, фурсат топиб султонга: «Фалон кун бир ҳаммол олий амрингиз билан орқасидаги оғир тошни майдон ўртасида йўл устига ташлади, бироқ, отлар бу йўлдан кўп машаққат билан ўтмоқдалар. Ўша ҳаммолдан ўзга киши уни кўтаришга қодир эмас. Агар буюрсангиз ўша ҳаммол уни олиб ташлаб, йўлни бўшатса, бағоят муносиб иш бўларди», — деб арз қилдилар. Султон деди: «Биз «тошни қўй», деб буюрдик, энди агар «Уни ол», десак, халойиқ бу ишни бизнинг бесаботлигимизга йўядилар. Кўйинглар, тош ўша ерда тураверсин». Айтишларича, ўша тош султоннинг умри охиригacha майдонда турган. Султон вафот этганидан кейин ҳам унинг авлодидан ҳеч киши бу тошни йўл устидан олдирмаган.

Шундай қилиб, комилликка интилувчи инсон тараққиёт даражасида ўзини ширк, риё ва кибрдан қутқаради, нафсини жиловлайди, хулқини гўзаллаштиради, бошига тушган қулфатларни, дарду мусибатларни Тангри таолонинг синови, илтифоти деб билади ва қўнглидан олий ва эзгу мақсаддан ўзга ҳамма нарсаларни чиқариб ташлайди.

Демак, ички ишлар идоралари ходими аввало нафсини қаноат ва сабот билан жиловлаши, яъни баъзи дунёвий

орзу-ҳаваслардан воз кечиши, ҳеч кимдан ҳеч нарса тама қилмаслиги керак.

#### 6.4. Бурч ва ҳалоллик

**Бурч** — маънавий соҳада юксак масъулият, лафзи ҳалоллик, ваъдага вафо қилишни, ҳуқуқий соҳада қонун хужжатлари, шартнома, хизмат бўйича юкланган мажбуриятни англатувчи тушунча. Бурч — инсон маънавиятининг таркибий қисми, маънавият фалсафасининг фундаментал категорияларидан бири ҳисобланади. Бу тушунча шахснинг зиммасига қўйилган талабларга нисбатан масъулияти ва мажбуриятини бажариш маънавий заруратга айланишини ифодалайди.

Маънавий қадрият — бурчнинг манбай инсон бўлиб, унинг мазмун-моҳияти жамиятга, ижтимоий тузилмаларга ҳалол хизмат қилиш муносабатида намоён бўлади. Бурч категорияси масъулият, ўзликни англаш, виждон, хулқ каби тушунчалар билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Чунки бурч инсоннинг маънавий қиёфасини тавсифловчи воқеалиқдир. Бурч ижтимоий-индивидуал хусусият ва субъектив жиҳатларга эга. Аввало, у масъулият, мажбурият каби умуминсоний қадриятларга таянади. Ҳар бир кишининг оила, ота-она, Ватан, халқ олдидаги умумий бурчи билан бир қаторда, бурчнинг индивидуал даражаси ҳам мавжуд. Бурч муайян шахсга хос ваъдага вафо, ўз сўзида туриш, обрў-эътибор ва шаънини сақлаш, ҳалоллик каби хислатларда яққол намоён бўлади. Шу боис бурч ва ҳалоллик бир-бирини тақозо этади.

Маълумки, бурчнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий асослари Конституция ва қонунларда ўз аксини топган. Унинг иқтисодий асосларини турли шартномаларда яққол кўриш мумкин. Бурч эркин, англанган ҳолда танлаб олинган тақдирдагина маънавий-ахлоқий категория сифатида амал қиласи. Бурчнинг негизларидан бири имон-эътиқод бўлиб, бундай сифатга эга бўлган инсон уни теран англайди, унга садоқатли бўлишга интилади.

Инсон маънавиятида бурчнинг алоҳида аҳамияти ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида долзарблик касб

этади. Бурч виждон, эътиқод, масъулият каби тушунчалар билан мустаҳкам боғлиқ. Шу боис ходим ўз хизмат вазифасига вижданан, ўта масъулият билан ёндашиши талаб этилади. Умуман, ходимнинг хизмат фаолияти ва ҳар бир хатти-ҳаракати замирида бурчга, қасамёдга, эл-юрга садоқат ётиши унинг мартабасини зиёда қилади ва ҳалқ ишончини қозонишга олиб келади. Бурчнинг инсонлик бурчи, фуқаролик бурчи, оталик бурчи, оналик бурчи, фарзандлик бурчи сингари барча даврлар учун умумий бўлган тушунчалари ҳам, журналистлик бурчи, шифокорлик бурчи, олимлик бурчи, ички ишлар идоралари ходимлари бурчи каби касблар доирасидаги тушунчалари ҳам мавжуд. Бурчнинг муҳим жиҳатларидан яна бири унинг маълум вақт мобайнида ва жамиятда ўзига хос тарзда намоён бўлиш хусусиятига эга эканидир. Чунончи, бир тузум ё жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари бошқаси учун салбий маъно касб этиши мумкин. Ҳарбийлашган ва ўта мафкуравийлашган жамиятларда эса бурч омма ҳамда шахс ҳаётида фожиавий тус олиши ҳам мумкин. Усталик билан йўлга қўйилган тарғибот натижасида бундай жамият аъзоларининг кўпчилиги оқни қора, қорани оқ деб қабул қилади. Бу умумбашарий ва миллий қадриятларни оёқости қилган шафқатсиз тоталитар тузумлар мафкураси ва амалиётида яққол намоён бўлганлигини ҳозирги кекса авлод яхши билади. Тарихда ўз бурчига садоқатли бўлган кишилар тақдири оғир кечганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Фурқат мустамлакачилар мафкурасига хизмат қилганида ҳаёти роҳат-фарофатда кечиши мумкин эди. Лекин у, Ватан ва ҳалқ олдидаги бурчига содиқ қолиб, муҳожирликнинг оғир қисматига дучор бўлди, Ватандан йироқда вафот этди. Баъзан бурч туфайли кишилар севгисидан, ҳатто ака-укаси, опасинглиси ёки фарзандидан кечишга ҳам мажбур бўлади.

Конституциямизда қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ҳалқимизнинг тарихий, маданий ва маънавий меросини авайлаб-асраш, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, қонун билан белгилан-

ган солиқлар ва маҳаллий йигимларни тұлаш, Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи экани қайд этилған. Үз бурчига содиқлик ҳар бир кишининг ахлоқ-одоби, маънавий қиёфасини ифодаласа, сўзининг устидан чиқмайдиган, үз бурчини бажармаган кишилар халқ орасида ҳурмат топмайди. Бурч үз-үзидан шаклланмайди, у тарбия жараённи камол топади. Шу маънода, үз бурчини яхши англайдиган, ўзига талабчан, иши, билими ва куч-қувватига ишонадиган, үз қадр-қимматини сақлай оладиган баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бурч бажарилиши лозим ва талаб этиладиган вазифа, яъни мажбурият. Шахснинг ота-онаси, фарзандлари, ёру дўстлари, устоз-мураббийлари, Ватани, халқи ва касби олдидаги бурчлари мавжуд. Бироқ, ушбу бурчларни ҳамма ҳам бирдек тұлиқ адo этавермайди. Шунинг учун ҳам жамиятда инсонлар ўртасидаги турли муносабатларда муаммолар пайдо бўлади, инсонларнинг ҳақ-хуқуқлари бузилади, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилади.

Конституциямизнинг 52-моддасида Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси зиммасига Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас конституциявий бурч юклатилған.

Халқ ва мамлакат раҳбарияти ишонч билдирган кишилар, шу жумладан, ички ишлар идоралари ходимлари ҳам, үз вазифаларини пухта ва ҳалол бажарсалар, Ватан ва халқ осойишталиги таъминланиб, барқарор тараққиёт давом этади. Бунинг учун барчамизнинг виждонимиз уйғоқ бўлиши керак. Чунки бугун ислоҳотнинг қай даражада амалга ошиши нафақат раҳбарларнинг дунёқарашига, балки уларнинг ҳалол ва пок, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига bogлиқdir.

«Бобомиз Амир Темур: «Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир», — деб авлод-аждодларимизга васият қилған эканлар, дейди Ислом Каримов, — бугун юрт дарди билан яшаш, элга ҳалол меҳнат қилиш — улуғ бобомизнинг насиҳатларини бажаришдир» деган пурмаъно фикрлари ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг бош мезонини белгилаб беради.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, барча эзгу орзуларимизни мужассамлаштирган шиоримиз: келажагимиз учун, фарзандларимизнинг бахту саодати учун яшайлик ва ҳалол меҳнат қилайлик! Авлодларга озод ва обод Ватан қолдирайлик!

Бундан ташқари, республикамиз раҳбарияти томонидан ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир кишига ўз оиласини боқиш, билим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, ўзининг ва қариндош-уругларининг қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун баробар имкониятларни вужудга келтириш борасида ҳам муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ўнгланиш, тикланиш, ривожланишни маънавий ўнглаш, покланиш, юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлиб хизмат қилиш ҳар бир ички ишлар идоралари ходимининг хизмат бурчидир.

Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қурули экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш давр талабига айланди.

Келажаги порлоқ буюк давлат қуриш, фарзандларимиз иқболи учун, авлодларга озод ва обод Ватан қолдиримоқ учун яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Бу йўлда биздан талаб этиладигани — сидқидилдан, яхши ният билан ҳалол меҳнат қилишдир.

## **6.5. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳалол хизмат қилиш ва унинг шартлари**

Ҳаётда инсон баъзан икки йўл, яъни ҳалол (пок) ва ҳаром (нопок) йўлга тўғри келиб қолади. Улардан қайси бирини танлаш унинг ақлига, иродида кучига, виждан амрига боғлиқ бўлади. Баъзи инсонлар ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормайди, айримлари эса ҳаромдан ҳазар қилмайди. Айтайлик, харидорни алдаган сотувчи болаларини боқиши учун бошқа чора топа олмабдими? Бошқа даромад

йўлини билмасмиди? Нима бўлган тақдирда ҳам топганига ҳаром аралашди. Бундан топган фойдани болалари ейди.

Атрофга қарайлик, кимнингдир боласи ўғирлик қилиб, қамалган. Кимнингдир боласи жиноят қилиб, қочиб юрибди. Яна кимнингдир қизи фаҳш кўчасига кириб кетган... Бу кўргиликларнинг илдизи қаердан сув ичади? «Қозонингга меҳнат ҳосилидан бўлак ҳаром-харин нарса тушмасин, билъакс, уни истеъмол қилган фарзандлар ота-онасига бемеҳр, бемуруват бўладилар», деган оддий ҳақиқатни билмайдиганлар кўпми орамизда? Ҳаром ботқогига ботиб ётганларга бало ҳам урмаяпти, сотувчи-харидор можароси денгиздан бир томчи-ку, демоқчими-сиз?

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда **адолат қонуни** мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан?

Агар одам охиратдан қўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди»<sup>62</sup>.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз ҳадисларида пора олган ҳам, пора берган ҳам дўзахий эканини таъкидлаганлар. Поранинг тури қўп. Масалан, пора – ҳақи бўлмаган ишни бажариш учун ишнинг бошида турган раҳбарларни ҳаром йўлга, гайриқонуний йўлга бошлаш, тўғри йўлдан кўз юмиш, ноҳақлик қилиши учун бериладиган пул ёки моддий манфаатдорлик. Натижада ҳар икки томон ҳаром ишга қўл урган бўлади.

Хоҳ суд, хоҳ солиқ, хоҳ божхона, хоҳ ҳокимият маъмурияти бўлсин, хоҳ олий ўқув юрти ёки шу қаби бошқа жой бўлсин, у ерда давлат томонидан ҳар бир фуқаронинг ҳақини ҳисоб-китоб қиласиган, ишчиларга маوش беради-

<sup>62</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-т. – Т., 1999. – 240-б.

ган ходим ёки ходимлар бўлади. Бу ходим, албатта, қонун асосида ишлаши, ҳар бир фуқаро ҳақини кўз қорачиғидек асрashi керак. Лекин пора бериб, ўз ишини бажарадиган киши: «Сенинг халқнинг ҳақи билан ишинг бўлмасин, лавозимингни ҳам ўйлама, мен сенга шунча пора бераман, менинг ишимни бажар. Ноҳақ бўлсан ҳам ишим битсин. Мен сени кўрмадим, сен мени кўрмадинг, тамомвассалом!», — деб ишини бажариб кетганлар оқибатини, дўзах оловини ўйламайдиларми? Олганлар-чи?! Гугурт чўпининг олови бармоқни куйдирса, неча кун азоб чекилади, а? Жаҳаннам олови-чи?

Пора берувчи жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидани бузган, қонунни ўз фойдасига ишлатган, ноҳақлик қилиб ишини бажариб кетган ҳисобланади. Пора олувчи вижданини сотган, ноҳақликка, адолатсизликка рози бўлган, ўз манфаатини ўйлаган, халқ ҳақига хиёнат қилган бўлади.

Мана шундай йўллар билан жамиятдаги қонунлар оёқости бўлади, ривожланиш оқсайди, хукуқлар топталади, мазлум ва бегуноҳ халқнинг ҳақи ҳимояланмайди. Золимлар халқ пулини, молини, давлат хазинасини талон-торож қиласидилар, халқ манфаатини асло ўйламайдилар. Девор дарз кетса, охир-оқибат уй қулайди. Тўғонда игнадек тешик пайдо бўлса, натижада уни сув ювиб кетади. Пора туфайли жамият устунларига дарз кетади, қонунлар бузилади, энг хавфлиси фуқароларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларга ва эртанги кунига ишончи сўна бошлайди.

Билим олишга хоҳиши ҳам, лаёқати ҳам йўқ бола пора туфайли ўқишга киради. Кимнинг ўрнига? Илмга ўч боланинг ўрнига! Оқибати — маълум...

Пора туфайли золимга жазо бериш ўрнига, лутф кўрсатилади...

«Чораси борми?», «Иложи борми?».

Пора бергувчининг саволи шундай бўлади:

«Бор... озгина чиқими бор...»

Бу олувчининг жавоби. Униси «пора берайнми?» демайди, буниси «бер», демайди. Чиройли ишоралар билан сўзлашадилар. Баъзилар бу олди-бердини «пора» деб атади

майдилар, «ҳадя» ёки «құл ҳақи» ёки «атаганим бор эди», дейдилар.

Ҳақни әшитмаслик ва ҳаромдан ҳазар қилмаслик үлімни ҳали узоқ деб билишдан пайдо бұлади. Расулуллох (с.а.в.) дедилар: «Аллоҳ бир қавмға нимани ҳаром қылса, унинг орқасидан келадиган пулни ҳам ҳаром қилади».

Ҳазрати шайх Абу Ҳозими Маданийдан (қ.с.) сұрадилар:

— Биз нима билан најот топгаймиз?

Дедилар:

— Ҳалоллик билан пул топиб, ҳалол жойга сарф этишдан.

«Ҳаром» сүзининг луғавий маъноси тақиқлашдир, яъни қилиш, фойдаланиш, истеъмол этилиши шаръан ман этилган нарсадир. Ҳеч нимадан сақланмасдан тановул қилиш «ҳаром-хариш емоқлик» дейилади, яъни «ҳаром-хариш» (хариш — қаттық, құпол) ўта ҳаромликни англатади. «Ҳаромзода» — ҳаромдан туғилған, оқпадар бұлған кимса. «Ҳароми» — кимсанинг молига, ҳаром нарсага құл узатувчи одам, ўғри, йүлтүсар, безори ҳам шундай атала-ди. «Ҳаромнамаклик» эса ношукурликни билдиради. «Ҳалол» (ҳаллол) эса ечиш, яъни ҳаромни ечиб, йүлни очиш, соддароқ айтсак, ҳаромнинг акси, яъни мумкин бұлған, демекдир. Таом аслида ҳалол, аммо у ҳаром йүл билан құлға киритилгани учун ҳам «ҳаром луқма» ҳисобланади. Аксини «луқмаи ҳалол» дейишга одатланғанмиз.

Бир одам: «Мен ҳалолликка тупурдим, мен баҳтли яшашни истайман!», — дейди. Ажаб! Ҳаромлик ботқогига ботған ҳолда баҳтли бўлиш мумкинми? Эҳтимол у одам ҳаром йўлдан оқиб келган бойликни баҳт деб ўйлар? Эҳтимол, кунда, кунора ёш фоҳишалар билан айш қилиш унга баҳт бўлиб туюлар? Буниси бизга қоронғи. Бу одам ҳақиқий баҳт саройига фақат ҳалол йўл орқали етиб бориш мумкинлигини қачон англаб етади? Буниси ҳам бизга номаълум. Сиз «фарқламай ўлиб кетади», демоқчимисиз? Йўқ, умрининг сўнгги дақиқасида бўлса ҳам англайди ва афсус билан кўз юмади. Бу афсуси эса охиратда асқатмайди.

Худога шукур, атрофимизда эс-хуши жойида бўлған инсонлар кўп. Ҳаром дунёсидаги энг қабиҳ иллат — ич-

килиkbозлик, гиёхвандлик ҳақида уламолар ҳам, дунёвий олимлар ҳам тинмай гапиришади. Ҳукумат томонидан чоралар белгиланади. Лекин, афсуски, ижобий натижадан ҳали узоқмиз. Чунки бу иллатларни ҳукумат қарорлари билангина тузатиб бўлмайди, уламоларнинг насиҳатлари ҳам кифоя эмас. Қачонки, ҳар бир муслим ва муслима биродарини ҳаромлик ботқофидан суғуриб олишга киришмас экан, «ичкилик туфайли жиноятчилик кўпайиб кетди, ёшларимиз бузилиб кетишаپти», деб юраверамиз.

Расулуллоҳ (с.а.в.) май ичган одамнинг дуоси қирқ кунгача қабул бўлмаслигини таъкидлаганлар. Яқинларимизнинг дуолари қабул бўлмаслиги бизларни нечун қайфуга солмайди?

Ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган ва уларни енгиб ўтган инсон босиб ўтган йўлга қаралса, унинг поклигига ва ички дунёси гўзаллигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳалол ютуқقا эришиш қийин бўлса-да, унинг завқи totли, ширин бўлади. Шунинг учун ҳам яхшилар дейдиларки: «Ризқингни топиш учун яхши йўлларга отлан. Фойдани ҳалол йўл билан топ. Ҳаром йўллардан фойда топиш осон бўлса ҳам, охири азобдир». Ёмонлик эшиги ҳаром фойда билан очилади, яхшилик эшиги эса ҳалол фойда билан очилади. Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам тугайди. Боқийлик эса шуларга қараб, ё азоб бўлади, ё роҳат! Аллоҳ таоло тақиқлаган ишларни қилганлар охиратда йиғлаб, азоб тортадилар. Одам ҳаром-хариш воситалар билан молу дунё, ҳузур-ҳаловат топса ҳам, лекин маънавий жиҳатдан ҳалок бўлади. Ҳаромга берилган кимса ҳар одимда ҳаром еб, гуноҳ топгани каби ҳалолга интилган инсон ҳар ҳалолдан савоб топади. Ҳалол топиб, топганингдан муҳтожга ёрдам қилсанг савоби янада ортади.

Демак, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими жамиятимизда иллиз отган юқоридаги салбий ва заарали ҳолатларга қарши курашар экан, биринчи навбатда, ўзлари бошқаларга ўрнак бўладиган даражада ҳалолликка риоя этишлари, бу йўлда сабру қаноат ва саботу матонатларини бошқаларга қараганда икки карра эмас, ўн карра кўпроқ ишга солган ҳолда ўз бурчларини адо этишлари лозим бўлади.

Бўлажак хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими-лари ўз хизмат мажбуриятларини англаб етиш, хизмат қасамёдига содиқлик руҳида тарбияланадилар.

Шу боис ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими хизмат бурчини бажаришга вижданан ёндашиши, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш, фуқароларга беғараз ёрдам бериш, мулоқотда хушмуомала бўлиш, хизмат вазифасини бажаришда хато ва камчиликларга йўл қўймаслик, таниш-билишчилик ва маҳаллийчиликдан сақланиш каби касбий маданиятнинг асосий талабларига риоя қилиши талаб этилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг: «Биз мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адo этишни талаб қиласди»<sup>63</sup>, деб таъкидлашлари ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат кўлами нақадар кенг ва ўта масъулиятли эканлигини, юритимизда тинчлик ва барқарорликни ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш уларнинг асосий вазифаси ҳамда олий мақсади эканлигини англатади.

Ходимга ички ишлар хизматида ишлаш насиб этган экан, унинг, албатта, ушбу фаолиятининг асосий принциплари — қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳидаги юксак касб маданияти соҳиби бўлиши талаб қилинади. Давр ички ишлар идоралари ходимларидан мунтазам ўқиш, ўрганиш ва изланишда бўлишни, жумладан, ўз Ватанининг тарихи, адабиёти ва санъатини ўрганишини тақозо этмоқда.

<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. — 2007. — 25 окт.

Бу шартлар ходимнинг касбий билимлари, муомала маданиятини ўстиришда муҳим омилдир. Мустақил фикрга эга бўлиш ходимнинг муҳим фазилати ҳисобланади. Замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлиб яшаш ҳам бугунги қуннинг талабидир.

Ички ишлар идораларида ҳалол хизмат қилиш шартларидан энг муҳими қонунийлик принципига риоя этишидир.

Қонунийлик принципи — жамиятда мавжуд ҳуқуқий муносабатлар субъектлари томонидан давлат белгилаган ҳуқуқий асосларга риоя этилиши тушунилади.

Қонунийлик принципи — жамиятнинг нормал ҳаёти ва давлат органлари фаолият юритишининг асоси. Конституциямизнинг 15-моддасига биноан давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар, Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Мазкур принцип ҳалқнинг давлатга, унинг органларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига, ҳўжалик тузилмаларига нисбатан сиёсий-конституциявий талабидир. Қонунийлик ҳақидаги конституциявий принципда ҳалқ ҳокимиятчилигининг ички диалектикаси ўз аксини топган, яъни ҳамма биргаликда ҳокимият юргизади, айни пайтда, ҳар бир фуқаро ўзбек ҳалқининг қонунларда акс эттирилган суверен давлат иродасига бўйсунади.

Қонунийлик принципи ходимдан ўз хизмат мажбуриятини вижданан, ҳалол бажаришни талаб этади. Ҳар бир ходим хизмат мажбуриятини бажариш вақтидаги ноқонуний хатти-ҳаракати учун (манфаатпарастлик) қонун олдидаги жавоб беради. Чунки қонун барчага баравар.

Ички ишлар идоралари ходимларининг муҳим хизмат мажбуриятларидан яна бири аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимларни тарғибот қилиш ҳисобланади. Бу ишда профилактика хизматининг ўрни беқиёс.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов: «Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш — ҳар бир профилак-

тика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор<sup>64</sup>лиги вазифасини юклайди.

Ички ишлар идоралари ўзларига юклатилган вазифаларни ижро этишда давлатнинг бошқа нуфузли органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласди. Бундай ҳамкорлик ходимлардан амалдаги қонунларни мукаммал билиш, ўзларига нисбатан ўта талабчан, раҳбарлар ва турли тоифадаги фуқаролар билан муносабатда хушмуомала бўлиши, ақл ва мулоҳаза билан иш юритишни талаб этади.

Ички ишлар идоралари ходими халқ орасида хизмат қиласди экан, аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб бориши унинг хизмат бурчи ҳисобланади. Хизмат вазифасига доир ишларни юритиш давомида ҳамда касбий ва инсоний бурчини бажариш вақтида ҳалоллик фазилати унинг йўлдоши бўлиши керак. У касбий фаолиятида ҳаддан ошмасдан, кибрланишдан ўзини тийиб хизмат ўтагандагина халқ орасида обрў орттиради.

Ички ишлар идоралари хизматига вижданан ёндашув талаб этилади. Чунки вижданли ходимгина турли хавфдан холи бўлади, агар акси бўлса, у беҳаловатликка дучор бўлади, халқ орасида обрўси тушади.

Буюк Маҳмуд аз-Замахшарий (1075—1144)нинг «Ҳалол, покиза киши доим хотиржаму тинчликдадур, бирорга хиёнату ёмонлик қиласидиган киши эса ҳалокатга гирифтадир» деган ҳикмати ички ишлар идоралари ҳар бир ходимининг шиорига айланиши керак. Дарҳақиқат, инсон учун ўз хизмат вазифасига ҳалол муносабатда бўлиб, оиласи багрида тинч-осуда ҳаёт кечириш катта баҳт эмасми? Албатта катта баҳт.

Бежизга халқимиз «Сўнгги пушаймон, ўзингга душман» деб айтмаган. Барчамиз субҳидамда хизматга отланар эканмиз, рафиқамиз ва ширин фарзандларимиз бизни кутаётганликларини унутмаслигимиз керак. Зоро, энг катта баҳт оила ва яқинлар орасида тинч-осуда ҳаёт кечиришдир.

<sup>64</sup> Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2007. – 25 окт.

## 7-боб. КАСБГА ВА ЛАВОЗИМГА МУНОСИБ БЎЛИШНИ АНГЛАБ ЯШАШ – ОБРЎ-ЭЪТИБОР АСОСИ

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида жамиятимиз иқтисодий ва маънавий-маърифий истиқбол сари юз бурмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг «инсоннинг, жамиятнинг ва давлатнинг куч-қудрати фуқароларнинг маънавий-маърифий савиёяси даражаси билан баҳоланади» деган фикрларидан келиб чиққан ҳолда маънавият ва маърифатни ривожлантириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди.

Ички ишлар идоралари ходими, энг аввало, эгаллаган лавозимига муносиб эканлигини ва, энг муҳими, ходим эгаллаган лавозимига маънавий-ахлоқий жиҳатдан муносиб бўлғандагина ўша жойда ўз ҳимоясини топишини чукур англаши лозим. Ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси бевосита ходимнинг маънавияти, унинг шахсий сифатлари, камолоти, етук ва комил инсонлигига боғлиқ.

Давлатимиз раҳбарининг «Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар — милиция, суд, прокуратура ходимлари сафларини малакали, Ватанига ва ўз бурчига садоқатли, инсофли, ёш, иқтидорли ва замон талабларига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш ишлари кучайтирилиши лозим»<sup>65</sup>, деганларида айнан шу нарсани назарда тутганлигини эслаш жоиз.

Маълумки, ички ишлар идоралари ходими нафақат инсоннинг яшаш ҳуқуқини, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиласи. Барчамиз мамлакатимизда қабул қилинган ва қилинаётган қонунлар энг аввало инсон ҳуқуқларининг устуворлиги foясига асосланганлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

<sup>65</sup> Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-т. – Т., 1996. – 285-6.

Бугун ҳар бир ички ишлар идоралари ходими ўз фаолиятининг муваффақияти, обрўси унинг билими, касбий малакаси, маданияти, маънавий савияси, ташкилотчилик қобилиятини баҳолай олиши, соҳадаги ислоҳотлар мазмуми ва янги давр талабларини нечогли ўзлаштириб олаётганлиги, хизматга бўлган жонкуярлиги, ҳалол ва поклиги, эл-юртига, қасамёдига нақадар содиклигига боғлиқ эканлигини ҳис қилиши керак. Чунки, бугун гап ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан, ички ишлар идоралари ходимларининг обрўсини кўтариш ҳақида бормоқда. Президентимиз Ислом Каримов: «Ҳукуқ-тартибот маҳкамаларини мустаҳкамлаш билан бирга, уларга қўмак ҳам бериш керак. Уларнинг меҳнатини қадрлаш йўли билан бирга, обрўсини ошириш лозим» деганларида, халқимизда, айниқса ёшларимизда, Ватанимизга чуқур меҳр-муҳаббат, унинг юрт тинчлиги ва осойишталиги, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилувчи ҳукуқ-тартибот органлари билан фуурланиши ва уларнинг хизматига ҳурмат туйғусини тарбиялаш лозимлигини назарда тутганлигини қайд этиш лозим.

Ички ишлар идоралари ходими бўлиш ўта шарафли, шу билан бирга, ўта мashaққатли касб. Ходим ҳеч қачон давлат хизматчиси эканлигини унутмаслиги лозим. Демак, ички ишлар идоралариdek шарафли ва ўта масъулиятли тузилма сафида бўлиш учун инсонда энг аввало хизматга бўлган чуқур ишонч, кучли хоҳиш ва ҳаракат бўлиши шарт.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг лавозим кишига кибр-у ҳаво, бойлик тўплаш ва кайфу сафо учун берилмайди, аксинча, у юксак масъулиятни, ҳаётнинг бутун роҳат-фароғатидан кечиши, керак бўлиб қолганда ўзидан кечиши талаб қиласди, бундай қараш одатга айланиши, ҳаётга сингиб кетиши керак<sup>66</sup>, деган сўзлари ҳар бир инсон, айниқса, ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг бош мезонига айланиши керак.

<sup>66</sup> Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-т. – Т., 1999. – 216-б.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг тагзамини ҳам адолат ва ҳалолликдир. Айнан адолат ва ҳалоллик тантанаси ички ишлар идоралари ходимини шарафлайди ва обрўсини оширади. Чунки адолат ва ҳалоллик билан вижданан фаолият юритиш ҳар бир ходимнинг касбга киришишлари ҳамоноқ ўз ҳалқига, эл-юргита садоқат билан хизмат қилиш ҳақида қабул қилган қасамёдининг мазмунини ташкил этади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «қасамёд — бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, орномусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятни ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш»дир.

Ўзини ҳурмат қилган ходимнинг тантанали равища яқинлари ва кенг жамоатчилик иштирокида қабул қилган қасамёди унинг зиммасига Ватан, ҳалқ, қариндошлари ишончини оқлаш масъулиятини юклайди. Бундай шарафга юксак маънавият соҳибларигина лойиқ саналади.

Дарҳақиқат, қасамёд йигит кишининг ори, гурури. Буни ҳар бир ички ишлар идоралари ходими чуқур англаши зарур. Чунки қасамёд негизида бебаҳо неъмат — юрт тинчлигини сақлаш, осойишталикни асрар, ватанпарварлик, фидойилик, юртга, ҳалққа бўлган чинакам меҳр ётади.

Ходимнинг ўз қасамёдини бузиши Ватани, ҳалқи, ота-онаси ва яқинларига хиёнат ва сотқинликдир. Бундай инсонлар, албатта, ҳалқнинг нафратига мубтало бўлади ва бутун бир тизимнинг обрўсини тўкишга сабабчи бўладилар.

Сотқинлик ҳақида сўз юритилар экан, Президентимизнинг қуйидаги фикрлари бундай инсонларга нисбатан нафратининг ифодаси сифатида янграйди: «Маънавий ҳаётимизга жиддий хавф соладиган яна бир иллат ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Шахсан ўзим бу иллатдан жирканаман. Шу иллатга чалинган одамни кўрарга кўзим йўқ. Бу — сотқинликдир. Мен ҳар қандай ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам қўрқинчлидир. Табиатида сотқинлик хусусияти бўлган одам раҳбарлик курсисига ўтириб

қолса борми, у ерда осойишталик йўқолди, деяверинг. Иккита одамнинг, иккита мамлакатнинг ўртасидаги урушни ҳам айнан шундай одамлар бошлаб беради. Шу боис бундай одамлардан огоҳ бўлишимиз, уларга ёнимизда ўрин бўлмаслиги лозим»<sup>67</sup>. Ушбу фикрлар барчамизни инсонларнинг руҳий оламини, характеристини ўрганишга оид билимларимизни бойитишга ундейди. Чунки ички ишлар идоралари ходими хизмат фаолиятида турли вазиятларга дуч келади. Шу боис давр улардан низоли ҳолатларда унинг ечимини топа олиш қобилиятига эга бўлиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бу улардан нафақат хизмат, жисмоний ва жанговар тайёргарликни, балки мустаҳкам ирода, чуқур касбий билим ва психологик тайёргарликни талаб қиласди.

Кўриниб турибдики, ички ишлар идоралари ходими маънавияти юксаклиги бобида халқقا намуна, ибрат бўлишини замон талаб қилмоқда. Давр ҳар биримиздан ўзимизни тинимсиз тафтиш қилиш, ўз устимизда мунтазам ишлаш, фаолиятимизни тўхтовсиз такомиллаштириши кун тартибига қўймоқда.

Донишмандлар инсонни «икки оламнинг гултожи» деб таърифлайдилар. Демакки, инсон номи улуг. У шундай буюқ, муҳтарам ва мукаррамдир. Келинглар, барчамиз ёшимиз ва вазифамиз, мансабимиздан қатби назар қуидаги саволни мушоҳада қилиб кўрайлик. Ҳамма ҳам мана шу шарафга муносибми? Биз барчамиз бу қадар юксак таъриф ва тавсифга лойиқмизми?

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарига мурожаат қиласми: «Барчамизга маълумки, Оллоҳнинг ўзи инсон зотини вужудга келтирас экан, уни турли қиёфада, нафақат юз-кўзи, балки феъл-атворини ҳам бир-бирига ўхшамайдиган қилиб яратган. Ер юзида қанча инсон яшайдиган бўлса, бармоғининг изи ҳам, ички дунёси ҳам бир хил бўлган иккита одамни топиш, учратиш қийин. Табиийки,

<sup>67</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – 122-б.

бу инсонларнинг фикрлаш ва яшаш тарзи ҳам бир-биридан фарқ қилади. Таъбир жоиз бўлса, кимдир Раҳмон измида юрса, кимдир Шайтон измида юради»<sup>68</sup>.

Демак, инсоннинг ҳақиқати ва моҳияти унинг раҳмоний руҳ билан йўғрилганидадир. Кимдаки раҳмоний руҳ фолиб бўлса, нурланиб, порлаб турса, у шунчалик шарафга лойиқ бўлади.

Инсон номига муносиб бўлиш учун барчамиз давлатимиз раҳбарининг «Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзоднинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон»<sup>69</sup>ни ҳаётий ва хизмат фаолиятимизнинг олтин қоидасига айлантиришимиз шарт.

Зеро, буюк мутафаккир ва аллома Алишер Навоий «Садди Искандарий» (1485 й.) асарида ёзади: «Халқ буюрган ҳамма нарсаларни бажариб, рост (тўғри) сўзловчи одамлар қўлини узун айласун. Зулмгустарга – зулм ўтказувчиларга йўл бермай раиятга тинчлик-тотувлик етказсин»<sup>70</sup>.

Ҳар бир ҳуқуқ-тартибот посбони инсон маънавиятинг муҳим хусусияти унинг руҳан поклиги ва руҳан улғайишида эканлигини чуқур англаши лозим. Кимдаки руҳи заиф бўлса, у шунчалик нафсга, жисмоний-ҳайваний майлларга асир бўлади.

Буюк аждодларимиздан бири Бобораҳим Машрабнинг «Нур бўлар эрдум, агар нафс балоси бўлмаса» деб зорланиб айтган сўzlари ҳам барчамизни қадамимизни ўлчаб босишга ва ўйлашга мажбур этади.

Айниқса, бугунги кунда ўзини ўзи кўз-кўз қиласиган ҳар қандай одамни мукаммал инсон деб айтиш мумкин эмас. Бу бир мансаб ёки даража ва ҳатто обруй-эътибор мезони ҳам эмас.

<sup>68</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008. – 23-б.

<sup>69</sup> Қаранг: Ӯша манба. – 25-б.

<sup>70</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т., 2009. – 8–9-б.

Ижтимоий ҳаёт ривожи кўрсатаётганидек, барчамиз чин инсон йўлини касб қилишимиз керак. Бежизга мамлакатимизда «комил инсон» фоясини рўёбга чиқариш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилмаган.

Комиллик чин инсонийликни ҳар қандай вазият ва шароитда сақлаш ва уни зарурат туғилгандагина намоён қилиш демакдир.

Бугун яна бир ўз ечимини кутаётган ва барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига тааллуқли бўлган муаммо мавжуд. У ҳам бўлса, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ушбу касбни танлаган айрим ходимларнинг маҳсус хизмат либосини кийиши билан бирданига юриш-туриши, ҳулқ-атвори ўзгариб қолиши ҳамда уларнинг онгида «биз давлатнинг ишончли одамларимиз, қолганлар эса биз назорат қилиб туришимиз лозим бўлган омма, холос», деган кайфият пайдо бўлади.

Бу ахир ўтмишга, шўролар даврига хос бўлган ахлоқий тубанлик асорати эмасми? Оддий одамларда ҳуқуқ-тартибот идораларига нисбатан гоҳида ишончсизлик туғилиши-нинг сабаби ҳам шунда эмасми? Аксарият ҳолларда жамоатчилик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида девор пайдо бўлиши ҳам ана шундай манманлик, ўзгаларни менсимаслик туфайли келиб чиқишини назарда тутиш лозим<sup>71</sup>.

Бугун ҳар бир ҳуқуқ-тартибот маҳкамаси ходими ўз фаолиятида Президентимизнинг «ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир»<sup>72</sup>, деган қарашларига сўзсиз итоат этиб, қонун барчага баробарлигини чуқур англаши шарт.

Шу ўринда яна шоирларнинг сultonи Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асарига мурожаат этишни ўринли деб топдик. Искандар шоҳ сифатида илк тахтга

<sup>71</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-т. – Т., 2002. – 45–47-б.

<sup>72</sup> *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-т. – Т., 1998. – 92–93-б.

ўтирган замон «Илоҳим менга ҳалқ аҳволини сўраш ҳуқуқини берди» деган шукронасини бугун ҳар бир ҳуқуқ-тартибот ходими чуқур мушоҳада этиши зарур. Чунки ҳамма ҳам давлат хизматчиси, ҳалқ аҳволини сўраш ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш мартабасига эга бўлавермайди. Ваҳоланки, мансаб ваколати барча ходимга масъулият, ўзига ва ўзгаларга эътибор юклайди. Кимки ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилса, қонунларга беписанд бўлса, қонунларга итоатгўйликда шахсий намуна кўрсата олмаса, ҳалқнинг нигоҳида ўз обрўсини тўкади. Натижада у ёки бу мансабга эришишда йиллар мобайнида мисқоллаб тўплаган обрўсига путур етади. Ён-атрофдагилари, яқинлари, айниқса, фарзандларига моддий ва маънавий зарар етказади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмати ҳалқ орасида, улар назарида кечади. Шу боис ходимлардан кийиниш маданиятига амал қилиши, сўзи, яъни муомала маданияти ва ҳаракатини назорат этиши талаб этилади. Шу ўринда ходимнинг маънавий қиёфаси ҳам муҳим ўрин тутади.

Ҳар бир инсон, таъбир жоиз бўлса, назорат механизми билан дунёга келади. Бу ноёб мўъжизанинг номи виждондир. Виждони пок инсон ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам назорат қиласди. Виждон поклиги ҳар бир ходимни ўзига ишончини янада мустаҳкамлайди. Чунки у ҳалол хизмат қиласди, ўзгалардан тили қисиқ жойи бўлмайди. У ўз бурчини чуқур англайди. Бу бурч адолат ва ҳалоллик билан, вижданан хизмат қилишдир. Бундай ходимнинг маънавияти юксак бўлади. Юксак маънавиятли ходим ҳеч қачон енгилмайди, аксинча, ҳалқ орасида обрў топади, мансаб поғоналиридан юқори кўтарилади.

Араб дунёсини саводхонликка ўргатган аждодимиз Маҳмуд Замахшарийнинг «Ҳалол, покиза киши доим хотиржаму тинчликдадур, бировга хиёнату ёмонлик қиласиган киши эса ҳалокатга гирифткордур», деган ҳикматлари ҳар бир ички ишлар идоралари ходими учун ибратдир.

Барчамиз субҳидамда хизматга отланар эканмиз, рағиқамиз ва шириң фарзандларимиз бизни кутаётганилек-ларини унутмаслигимиз, ноқонуний хатти-ҳаракатлардан тийилишимиз, виждон амрига қулоқ тушиб, ўз вазифамизни адo этишимиз зарур. Зеро, энг катта баҳт оила ва яқынлар орасида тинч-осуда ҳаёт кечириш бўлиб, бундай буюк неъматга шукроналик билан муносабатда бўлиш бизнинг инсонийлик бурчимиздир.

## **8-боб. ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

Давлатимиз раҳбарининг 1993 йилда чоп этилган «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли ижтимоий-сиёсий ва тарихий аҳамиятга молик рисоласида: «Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий хужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингтан ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рӯёбга чиқади»<sup>73</sup>, — деб таъкидлаган эди.

Мустақиллик йилларида Конституцияга ҳамда жамиятда қабул қилинган қонунлар, ахлоқий нормаларга риоя қилишга асосланган ҳуқуқий давлат негизларини мустаҳкамлашга эришдик. Қонунлар, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалар бузиладиган давлат ҳуқуқий давлат бўла олмаслигини бугунги кунда аксарият фуқароларимиз англаб етди.

Қонунларни менсимаслик иллати бутун жамиятни заҳарлайди, давлат томирлари емирилади ва чирий бошлайди. Украинадаги воқеалар ривожини Конституция талаблари ва қонунларни писанд қилмаслик оқибати сифатида қарааш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1995 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

<sup>73</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т. – Т., 1996. – 321–322-б.

нинг тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида жамиятимизда шунга ўхшаш ҳолатларга барҳам берадиган давлат хизмати ва давлат хизматчилари тўғрисида қонун қабул қилиш фурсати етганлиги, мазкур қонунда давлат хизматини ташкил этиш принципи: кучли ижроия ҳокимияти, хизматчиларнинг сиёсий жиҳатдан бетарафлиги принципи, хизмат бурчларига садоқат ҳамда бошқа принциплар – тамойиллар ўз ифодасини топиши кераклиги, барча хизматчилар учун, улар қаерда хизмат қилишидан қатъи назар, ҳукуқ ва мажбуриятларнинг умумий рўйхати, тайёргарлик ва малака оширишнинг умумий тизими, лаёқатлилик назорати, давлат хизматининг умумий меъёрлари, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг умумий тизими амал қилиши кераклиги вазифа этиб белгиланган эди. Мустақиллик йилларида бу вазифаларнинг ижроси таъминланди. Амалдаги кодекслар, қонунлар, норматив-ҳуқуқий хужжатлар танқидий баҳоланиб, ҳуқуқий давлатни шакллантириш учун биринчи галда қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий хужжатлар аниқлаб олинди ҳамда босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳаётга жорий этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ислоҳот, аввало, одамлар онгидаги ўзгаришдир. Бунда таълим-тарбиянинг ўрни бекиёс. Чунки таълим-тарбия инсон онгидага тафаккурни шакллантиради. Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси қонун устуворлигидир, бу жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни талаб этади. Ушбу беназир қадриятларнинг заруратини инобатга олиб, 1997 йил 20 май куни республика ҳуқуқтартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентимиз Ислом Каримов «Юксак ҳуқуқий тафаккур демократик жамият тақозоси» мавзуси асосида билдирган фикрларини келтириш ўринли деб билдиқ: «Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим, деди Президент. Зоро, мустақиллик сўзининг замирида ҳам катта, улуғ ҳуқуққа эга бўлиш деган тушунча ётади. Яъни, мустақиллик нафа-

қат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини қуриш, балки ўз ҳаётмамотини ҳал этишда катта ҳуқуқقا эгалик ҳам демакдир<sup>74</sup>. Давлатимиз раҳбари иштирокидаги ўша муроқот чоғида ҳаётимизнинг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, давлат, жамият ва фуқаро манфаатлари уйғунлигини таъминлаш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари, шу соҳа ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари олдида турган вазифалар атрофлича мұхокама этилган эди. Шундан сүнг, яни 1997 йил август ойида «Аҳоли ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш бўйича Давлат дастури» қабул қилинганлиги барчамизга маълум.

Дарҳақиқат, амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар қонунчилик тизимини йўлга қўйди, такомиллаштириди ва демократик ислоҳотларнинг боришида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Ҳуқуқий давлат «шунчаки расмий қонунийликни билдирумайди, у инсон шахсини энг олий қадрият сифатида эътироф этишга ва тўла-тўқис қабул қилишга асосланган яхлит амал қилувчи тизимдир»<sup>75</sup>. Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан событқадамлик билан бормоқда.

Жамият ҳуқуқи масаласига келсак, мамлакатимизда уни шакллантириш ва рӯёбга чиқариш борасида жиддий ишлар қилинди. Тараққиётимизнинг ўтган даври мобайнида аҳолига чуқур ҳуқуқий билим бериш йўлга қўйилди, бу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига сезиларли даражада эришилди. Том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантиришни талаб даражасига етказиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

«Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У — қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсуниш маданияти демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат

<sup>74</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-т. – Т., 1998. – 25–30-б.

<sup>75</sup> Ўша манба. – 157-б.

этиш эҳтиёжи демақдир. Ҳуқуқий маданият дегани – турли мажароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демақдир»<sup>76</sup>.

Ўзбекистон аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдан кўзланган асосий мақсад жамиятнинг тўгри, демократик йўлдан ривожланишида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданият соҳиби бўлишига эришишдан иборат. Чунки ҳуқуқий тафаккур шаклланмаса, турли хил номутаносибликлар келиб чиқади. Бунга ўтган асрнинг 90-йиллари бошида мамлакатимизда рўй берган вазиятни мисол тариқасида келтириш мумкин. Шундай экан, юксак ҳуқуқий тафаккур, қонун устуворлиги нафақат бугунги жамиятимиз учун, балки биздан кейин келадиган авлодлар учун ҳам зарурдир.

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида шундай ёзади: «Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қиласди, бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини камситмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт»<sup>77</sup>.

Ўзбекистонда ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштиришга оид амалга оширилган ислоҳотларга мамлакатда жиноятчилик ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган кучли чора сифатида қаралди. Қонуннинг мутлақ устунлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя

<sup>76</sup> Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-т. – Т., 1996. – 22-б.

<sup>77</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-б. – Т., 1998. – 151-б.

қилиниши ҳуқуқий ислоҳотларнинг мақсадига айланди. Мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларни ҳуқуқий тарбиялашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ниҳоятда зарурлиги долзарб вазифа сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «фуқароларимизнинг ҳуқуқбузарликка қарши ички имкониятлари ва юксак даражадаги ахлоқи жиноятчилик ва коррупция жамиятга олиб кирадиган емирилишдан энг яхши ҳимоядир. Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори — ҳамма-ҳаммаси одамларимизда қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршиликни шакллантиришга қаратилмоғи лозим»<sup>78</sup>.

Афсуски, ҳанузгача ҳаётимизда қонун талаблари бузилиши ҳолатини вужудга келтирувчи сабаблар учраб туради. Бунинг бош сабабини, Президентимиз таъбири билан айтганда, «... ижтимоий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар — маҳалла, аёллар, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳаётимиздаги таъсири ва ўрни етарли даражада шаклланмагани билан изоҳлаш мумкин»<sup>79</sup>. Ушбу фикр замирида адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётга жорий этиш учун биргалашиб курашиш вазифаси, фидойи бўлиш бурчи мужассам эканлигини унутмаслигимиз керак. Бугун дунёда, минтақамизда рўй берайтган воқеалар ривожи барчамизни янада огоҳ бўлишга, ҳушёрликни асло йўқотмасликка даъват этади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «юрг осойишталигини, аҳоли тинчлигини сақлаш фақат Қуролли Кучлар ва ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси эмас. Бу — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Маҳалла посbonлари ва чегарачиларга ёрдам берувчи

<sup>78</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-т. – Т., 1998. – 88–97-б.

<sup>79</sup> Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-т. – Т., 1999. – 249–252-б.

күнгиллилар ишини янада фаоллаштириш, бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш – энг долзарб масаладир»<sup>80</sup>.

Юқоридагиларга асосланиб, шуни таъкидлаш лозими, қонунга итоат ва ҳурмат билан қарашни тарбиялаш бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракатга айланиши лозим.

1997 йилнинг август ойида жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича давлат дастури қабул қилинди ва уни рӯёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Натижада фуқароларимиз, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Фуқароларимизнинг амалдаги қонунларни билишга эҳтиёжлари ўси. Қарийб чорак аср давомида мамлакатимизда дунёвий ва демократик тараққиёт йўлининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи мукаммал қонунлар ишлаб чиқишга катта эътибор берилди.

---

<sup>80</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-т. – Т., 2000. – 290-б.

## **9-боб. МАҲАЛЛА – ЎРТИМИЗДА ЖАМОАТ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАСИ**

Мустақиллигимизнинг ўтган йилларида юртимизда туб маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди, давлат бошқарувининг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича принципиал жиҳатдан мутлақо янги тузилмаси шакллантирилди, жойларда ҳокимлик институтини жорий этиш орқали маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил этилди, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими — *маҳалла институти* ривожлантирилди ва мустаҳкамланди. Буларнинг барчаси ҳалқ ҳокимияти институтларини ривожлантиришга олиб келдики, бу жамоат назоратини кучайтиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади ва коррупцияга қарши ишончли тўсиқ вазифасини ўтайди.

Таъкидлаш жоизки, Юрбошимиз фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган маҳалланинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти юзасидан Ўзбекистон мустақилликка эришишдан аввалоқ, ўзининг концептуал фикр-мулоҳазаларини олға сурган эди. Ҳусусан, 1990 йил 20 январда Тошкент шаҳар фаолларининг йигилишида мазкур институтнинг жамият бошқарувидаги роли нақадар муҳимлигини қўйидагича таърифлаганди: «Маҳалла аҳли ўз даҳалари ва районларини обод қилиб, муштарак эҳтиёжлар учун одамларни жисплаштириб, шодлик кунларида ҳам, ғам-ғуссада ҳам бир-бирига мадад беришдек анъаналарни қўллаб-қувватлаб, оиласидаги жанжаллар ва бошқа можароларни бартараф этиб, ёшларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялаб, миллий ва умуминсоний қадриятларни маънавий, руҳий жиҳатдан асраб-авайлашдек жуда муҳим ишни қўз-қўз қилмай, аммо кун сайин қунт ва чидам билан амалга оширмоқда»<sup>81</sup>.

<sup>81</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т., 2011. — 123-б.

Президентимиз Ислом Каримов 1994 йил 15 июль куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаси сессиясида «Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин» мавзусида сўзлаган нутқида маҳаллаларнинг жамоат тартибини саклашдаги ўрнига эътибор қаратиб, шундай деган эди: «Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Мен яна бир бор маҳаллалар фаолиятига аҳамият беришга, уларнинг даражасини кўтаришга даъват қиласман. Зеро барчамиз маҳаллада ўсганмиз. Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу — сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Энг зўравон, манаман деган одам ҳам маҳалла аҳли олдида ювош бўлиб қолади. Нега деганда, ҳамма — у қандай одам бўлмасин, қайси лавозимда ўтирасин, маҳалла аҳлига бўйсунишга мажбур. Шунинг учун, такрор айтаман, айрим «бели бақувватлар» ҳам, қутуриб кетаётган баъзи кимсалар ҳам маҳаллага қулоқ солади. Қулоқ солмай ҳам кўрсин-чи! Шундай экан, барча масалада маҳаллаларга суюнган ҳолда ишлашимиз, келажагимизни улар ёрдамида қуришимиз лозим»<sup>82</sup>.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўзини ўзи бошқариш органлари, айниқса, маҳалла-

<sup>82</sup> Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-т. — Т., 1996. — 281—282-б.

нинг ўрни бекиёсдир. Чунки бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланаб келмоқда. Унинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналарини ва қадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётгани, айниқса, муҳимдир. Президентимиз Ислом Каримов эътироф этганидек: «Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларида тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз»<sup>83</sup>.

Ўз навбатида, маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи, деб тан олингани билан ҳам ўзининг юксак мавқеига эга.

Истиқлол йилларидағина маҳалла халқимизга хос ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими сифатида қайтадан ўз ўрни ва нуфузини тиклай бошлади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов: «Бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Бу юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизимиdir»<sup>84</sup>, дея фикр билдиради.

Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта «маҳалла» тушунчаси мамлакатимиз Конституциясига киритилиб, жамият бошқарувидаги ўрни ва конституциявий мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Айни пайтда маҳаллага оид 50 дан ортиқ норматив-хукуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Маҳалла бошқарувига бундай катта эътибор бугун мамла-

<sup>83</sup> Каримов И. А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-т. — Т., 2003. — 109-б.

<sup>84</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-т. — Т., 2002. — 157—158-б.

катимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, баркамол авлодимизнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, «халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз «Маҳалла — ҳам ота, ҳам она» деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиласиз. Маҳалла ҳақида гапирганда, қўпчилик ана шундай чуқур маъноли сўзларни эслаши ва тилга олиши табиий. Улар шу тариқа наинки ўзларининг дарду ташвишларини ҳал қиласиган таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси, айни вақтда она юрт рамзи бўлган маҳаллага ўзининг муносабатини изҳор этади»<sup>85</sup>.

Маҳалла институтининг тикланиши ва ривожлантирилиши миллий ва умуминсоний қадриятлар, яқин қўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтоҷ одамларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ватанпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ва жавобгарлигини теран англаш руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, адолатли ва очик фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнинда аҳоли кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар ўз салоҳиятларини рӯёбга чиқаришлари, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаолликларини оширишларида ёрдам кўрсатиш учун ушбу

<sup>85</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — 21—23-б.

тузилмаларнинг зарур ҳуқуқий асослари яратилган. Фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, бу уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятларини ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида маҳалла алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таърифи билан айтганда, у том маънода «она юрт рамзи»<sup>86</sup>, ва «халқ виждони»<sup>87</sup>га, «таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси» ва «ўзини ўзи бошқариш мактаби, идораси»<sup>88</sup>, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқий демократия дарсхонаси»<sup>89</sup>га айланган.

Ҳозирги вақтда юртимизда ўн мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг изчил ҳаётга татбиқ этилаётганлиги илгари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатида бўлган ижтимоий-иктисодий хусусиятга эга 30 дан ортиқ вазифаларнинг бевосита маҳаллалар томонидан бажарилаётганида ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатда аҳолини, айниқса, унинг ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ қисмини маҳалла институти орқали ижтимоий ҳимоя қилишнинг бетакрор тизими ҳаёт синовидан ўтди. Кам таъминланган оиласалар, ёлғиз қариялар, ногирон ва етимларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали, ижтимоий адолат тамойилига қатъий риоя этилган ҳолда, амалга оширилмоқда.

<sup>86</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2008. — 59-б.

<sup>87</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-т. — Т., 2012. — 88-б.

<sup>88</sup> Ўша жойда.

<sup>89</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-т. — Т., 2000. — 503-б.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда»<sup>90</sup>.

Маҳаллалар аҳолига энг яқин бўлган анъанавий демократик ўзини ўзи бошқарув тизимиdir. Шунинг учун Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида маҳаллаларнинг хукуқ ва ваколатларини изчиллик билан ҳамда босқичма-босқич кенгайтириш, бошқарув тизимидағи ўрни ва аҳамиятини кучайтириш талаб этилмоқда. 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлари фуқаролар йигинлари ваколатларини янада кенгайтиришда навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Қайд этиш лозимки, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда барча вилоятларда маҳаллаларга доир қонунларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик эшитувлари ўtkазилди. Натижада долзарб масалаларнинг кенг кўламли муҳокамаси тури сифатида жамоатчилик эшитувлари тажрибаси шаклланди ва бугунги кунда назорат-таҳлил фаолиятининг демократик шакли сифатида мустаҳкамланмоқда.

---

<sup>90</sup> Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-т. –Т., 2011. – 95-б.

## ХУЛОСА

1. Коррупция — глобал ҳодиса, ундан заар құрмаган мамлакат йүқ, бироқ, коррупциялашув даражаси турли мамлакатларда турлича. Бу коррупцияның илдизлари чуқурлигидан гувоҳлик беради.

2 Коррупция — жамиятни турли йүллар билан искаңжага оладиган даҳшатли иллат. У демократия ва ҳуқуқ устуверлиги асосларига путур етказади, инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тұсқынлик қиласы, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, *терроризм* ва бошқа ҳодисаларнинг илдиз отиб, ривожланиши учун шароит яратып беради.

3. Коррупция демократик институтлар ва қадриятлар, этник қадриятлар ва адолатта путур етказади, барқарор ривожланиш ва ҳуқуқ-тартиботта заар қелтириб, жамиятнинг барқарорлығы ва хавфсизлигі учун муаммо ва таҳдидларни вужудға келтирүвчи сифатида баҳоланади.

4. Коррупция ва жиноятчиликнинг бошқа турлари, хусусан, уюшган ва иқтисодий жиноятчилик үртасидаги алоқалар, шунингдек, ноқонуний пул маблағларини легаллаштириш каби күринишларда намоён бўлади.

5. Коррупция ҳолатлари давлатлар ресурсларининг катта улушкини ташкил этиши мумкин бўлган ва ушбу давлатларнинг сиёсий барқарорлығи ва изчил ривожланишини таҳдид остига соладиган катта ҳажмдаги активлар билан боғлиқ ҳодиса сифатида ҳам баҳоланади.

6. Эндилиқда коррупция локал муаммодан бутун жамият ва барча мамлакатлар иқтисодиётіга дахл қиласынан ва бу билан коррупцияның олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг жуда муҳим аҳамиятини белгилайдиган трансмиллий ҳодисага айланғанлигига дунё аҳли амин бўлмоқда.

7. Коррупция муаммоси ҳамда унинг олдини олиш, унга қарши курашишда Конвенциянинг мақсади англанишини чуқурлаштириш мақсадида 9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни деб эълон қилинганини, ёши ва вазифасидан қатъи назар, барчанинг коррупция ҳақидаги саводхонлигини оширишни кун тартибига қўймоқда.

8. Конвенциянинг қабул қилиниши халқаро ҳамжамият томонидан ажойиб ютуқ сифатида баҳоланмоқда. Конвенциянинг мақсадлари қуидагилардан иборат:

— янада самарали ва таъсирчан равишда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш ҳамда мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

— коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, шу жумладан, активларни қайтариш борасида халқаро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам кўрсатилишини рағбатлантириш, осонлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;

— ҳалоллик ва содиқлик, масъулиятлилик ҳамда оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни талаб даражасида бошқаришни рағбатлантириш.

9. Конвенцияда «Коррупциянинг олдини олиш ва унга бутқул барҳам бериш — барча давлатларнинг вазифаси ва бу соҳадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини таъминлаш учун фуқаролик жамияти, ноҳукумат ташкилотлар ва жамоалар негизида фаолият юритаётган ташкилотлар каби оммавий сектор доирасидан ташқарида алоҳида шахслар ва гуруҳлар кўмаги ва иштирокида бир-бири билан ҳамкорлик қилишлари» талаб этилиши кераклиги қайд этилган. Бизнингча, коррупция шундай ҳодисаки, уни таг-томири билан йўқотиш жуда мушкул вазифа. Ушбу ҳодисани минимал даражага тушириш учун нафақат иқтисодий, ҳуқуқий тизимни модернизация қилиш, аввали, инсон маънавиятини юксалтириш, онгни модернизация қилиш талаб этилади.

10. Коррупциянинг халқаро хусусиятга эгалиги бутун дунёда эътироф этилган бўлиб, у коррупциянинг универ-

саллигидаги ҳам (ушбу ҳодиса у ёки бу тарзда, сиёсий ва иқтисодий тизимлардан қатъи назар, барча жамиятларда мавжуд), коррупция фаолиятининг халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг самарадорлигини кескин (жилдий) пасайтирувчи трансмиллий турлари пайдо бўлганида ҳам ўз ифодасини топади.

11. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда энг маъкул йўл — бозор муносабатларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларини изчил давом эттиришdir. Бундай заруратни бозор тизими ривожланган жойда коррупция кучсиз бўлиши фактининг ҳам эътиборга олинганлигидир.

Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш борасида максимал қулай шароитлар яратиш мақсадига қаратилган демократик ислоҳотлар фаол давом этмоқда. *Иқтисодиёт узлуксиз ривожланишининг ҳуқуқий майдони яратилдики, бу мамлакатимизда коррупция даражасини минималлаштиришга баҳоли қудрат хизмат қилмоқда.*

Ҳозирги вақтда иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлган, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратиш бир қанча муҳим йўналишлар бўйича амалга оширилди. Уларнинг барчаси бугунги кунда иқтисодиётимизни либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

12. Коррупция келиб чиқишининг объектив сабаблари иқтисодий тизимга боғлиқлигини назарда тутган ҳолда, мамлакатимизда нафақат иқтисодий тизим, балки ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришга ўта муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

13. Коррупция иқтисодий ҳодиса ҳисобланар экан, унинг иқтисодий илдизларини топиш лозим, бу илдизлар

пул муносабатларининг ўзида жойлашган. Пул универсал тўлов воситаси, уни ҳамма операциялар учун қабул қилишади, пул бойликнинг тимсоли, бойлик тўплашнинг энг қулай шакли. Пулни сақлаш хавфсиз, уни хоҳлаганча жамгариш мумкин. Пул ликвидлиги энг юқори бўлган активдир. Ликвидликни эса пулнинг қадр-қиймати белгилайди. Пул кўзга кўринмас молиявий алоқалар ўрнатиш имконини беради. Пулнинг ликвидлиги муҳим бўлганидан пора беришда ишлатилади. Пул — бозор муносабатларининг маҳсули, шу сабабли пул муносабатларининг ривожланиши коррупцияни озиқлантиради.

14. Маълумки, давлатнинг иқтисодиётга таъсири иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий усуллар орқали юз беради. Бу усулларнинг кўлланилиши амалдорлар фаолиятига боғлиқ. Давлатнинг рухсат бериш функцияси ҳаддан ташқари кенг доирада сақланиб қолиши ҳам коррупциянинг илдизларидан биридир. Шу боис, мамлакатимизда коррупцияни жиловлаш мақсадида сўнгги йилларда давлатнинг рухсат бериш функциясини минимал даражага тушириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бу эса ўз натижасини бермоқда.

15. Коррупция мамлакат иқтисодиётига таҳдид соладиган ижтимоий ҳодисадир. Бу порахўрликда намоён бўлади. Давлат номидан хизмат кўрсатиш чогида ўз мансабини суистеъмол қилувчи амалдорлар билан шу хизматдан фойдаланувчи фирмалар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ўртасида юз беради. Коррупция бозор қоидаларига биноан хизматларни ихтиёрий равишда олди-сотди қилиш эмас, балки уларни кўрсатиш учун гайриқонуний ҳақ олишидир.

16. Давлат коррупцион даромадга қарши саъй-ҳаракатларни амалга оширади. Чунки коррупцион даромад ҳаром даромад бўлиб, бу даромадлардаги тенгсизликни кучайтириб юборади. Коррупциянинг хатарли томони шундаки, бу кишиларда норозилик уйғотиб жамиятдаги ижтимоий мувозанатга рахна солади ва ижтимоий кескинликни келтириб чиқаради.

17. Коррупциянинг тараққиёт учун яна хатарли жойи шундаки ҳаром даромад топган – порахўрлар қўлидаги яширин пул инвестиция учун хизмат қилмайди. Бу аҳоли қўлидаги пул қолдигини қўпайтиради, бу билан пул муомаласига таҳдид солинади. Маълумки, пул оқими иқтисодиёт учун озиқадир, унинг тўхтовсиз бориши иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Муомаладаги пулнинг етишмаслиги иқтисодий оборотни секинлаштиради, монетар хавфсизликка таҳдид солади. Бу коррупцияни заифлаштирмасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмаслиги ни кўрсатади.

18. Коррупция макроиқтисодий барқарорликка таҳдид солади. Шу боис хавфсизликни таъминлаш йўлида давлат коррупцияга қарши сиёсатга амал қиласди. Қонунчиликка кўра порахўрлик қаттиқ жазоланади. Давлат кишиларни мансабдорларга қарамлигини қисқартириш учун иқтисодий эркинликни кенгайтириб, турли рухсат беришларни қисқартириш чораларини кўради. Қонунчилик йўли билан амалдорларга совға-салом бериш тақиқланади. Давлат амалдорларига чет элда кўчмас мулк сотиб олиш, четга капитал қўйиш, чет эл банкларида ҳисоб вараги очиш, у ерда қимматли қоғозлар сотиб олиш ман этилади. Амалдорларга бизнес билан шуғулланиш тақиқланади. Бу чоралар коррупцияни ҳеч бўлмагандан меъёрий чегарада тутиб туриш имконини беради.

19. Коррупциянинг саратонини (рак) секинлаштириш, коррупцияга қарши курашда ўсиб келаётган демократия ва оммавий ахборот воситалари энг муҳим қуролга айланиши керак. Сабаби коррупция ҳам терроризм каби ишончли ахборотларнинг етишмаслиги туфайли гуллабяшнайди. Мамлакатимизда ОАВнинг ролини оширишга қаратилган самарали хуқуқий механизм яратилдики, бу фуқароларни ахборот олиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Эътиборлиси шундаки, жамоатчилигимизнинг давлат бошқаруви органлари ихтиёридаги расмий ҳужжатлардан фойдаланиши, давлат ҳокимияти органларининг фаолияти ҳақида хабардор қилиш жараёнлари кафолатлаб қўйилган.

20. Ўтган асрнинг охирлари ва XXI асрга келиб Еарб мамлакатларида моддиётга берилиш, нафсни қондириш, буюмпарастлик каби иллатларнинг сингдирилиши иқтисодий жараёнларни жадаллаштириди. «Барча нарса сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган товарга айлантирилади» деган тушунча инсонлар руҳиятига сингдирила бошланди. Товар (буюм)га сигиниш кучайди. Глобаллашувнинг хусусияти маданиятларнинг «дурагайлашувига» олиб келди. Фикр ва буюмларнинг, инсон танаси ва руҳиятининг, табиат ва маданиятнинг товарга айлантирилиши бугунги куннинг асосий хусусияти бўлиб қолмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида савдо-сотик муносабатлари устувор бўлмоқда, «емак ва томошалар» шиори остида инсонларда истеъмолчилик кайфияти авж олдирилди. «Инсоннинг ҳамёни қаерда бўлса, унинг қалби ҳам ўша ерда» деган ҳалокатли ғоя сингдирилмоқда. Молпарастлик ва худбинликнинг шу тариқа ҳаммабоп қадрият сифатида тиқиширилиши инсон маънавий оламига жиддий таҳдид солмоқда. Бугунги инсон иқтисодий инсондир. Унга манфаатпарастлик ва худбинлик (эгоизм) хос. Худбинлик ва манфаатпарастлик коррупцияни келтириб чиқаради. Шу боис мамлакатимизда моддий ва маънавий оламни айри ҳолда эмас, балки яхлит ҳолда кўриш ва тушуниш тавсия этилади.

21. Коррупцияга қарши маърифат инсонда билим, «иммунитет», шунингдек, коррупцияга қарши олий мақсадга мос келувчи барқарор хулқ-атвор меъёрларида ўз аксини топган тегишли маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар, инсоф, имон-эътиқод, ҳалоллик каби сифат ва ҳисснётларни шакллантиришга қаратилган мақсадли жараёндир.

22. Коррупцияга қарши кураш аҳоли маънавиятининг даражаси ва ахлоқ-одоби, демократия қоидаларига содиқлигига боғлиқ бўлади.

23. Жамиятдаги мавжуд иллатларга қарши кураш талабларини ҳар бир давлат хизматчисининг ички ахлоқий-руҳий маслаги ва эътиқодига айлантириш коррупцияга қарши маърифатнинг ўзагини ташкил қиласи. Мазкур талаблар кейинчалик ҳар бир давлат хизматчисининг на-

фақат касбий фаолиятида, балки ҳаётида ҳам йўл бошловчи маёқ бўлиб хизмат қиласи.

24. Коррупцияга қарши қурашишда диний қадриятларнинг ўрни бекиёс. Умматлари нималарга ружу қўйишини VII асрдаёқ Пайғамбаримиз Мұҳаммад (с.а.в.) башорат қилиб, ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан қўрқаман: биринчиси, нафсу ҳавога берилиб йўлдан озишдан; иккинчиси, нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетишидан; учинчиси, илми маърифатли бўла туриб, гоғилнинг ишини тутишидан, деган эканлар.

Пайғамбаримиз башоратлари асосида тарбиясизлик алал оқибат ўлимга олиб келиши мумкинлигини уқтириб ўтганлар.

Юқоридагиларга асосланиб шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида мураккаб түсиқларни бартараф этган ҳолда, БМТнинг Мингийиллик декларациясида эълон қилинган ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги залворли вазифаларни бажарди. Китобимизда келтирилган рақамлар замирида, аввало, миллионлаб юртдошларимизнинг кундалик фидокорона меҳнатлари, ўз умрини ўтаб бўлган бошқарув ва хўжалик юритиш тизимидан воз кечилгани, мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган дастури амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш босқичини янада мустаҳкамлади.

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>1-боб. БМТНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРИХИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР.....</b>	<b>11</b>
<b>2-боб. КОРРУПЦИЯ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ</b>	
2.1. Коррупциянинг моҳияти тўғрисидаги қарашлар .....	15
2.2. Коррупциянинг келиб чиқиш сабаблари .....	23
<b>3-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ</b>	
<b>4-боб. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – КОРРУПЦИОН ВАЗИЯТНИ КУЧСИЗЛАНТИРИШ- НИНГ МУҲИМ ШАРТИ</b>	
4.1. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чоралари .....	50
4.2. Фуқаролик жамияти иқтисодий негизларини коррупциядан ҳимоя қилишга қаратилган фармоннинг ўрни ва аҳамияти .....	67
<b>5-боб. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МАЪРИФАТНИ ЮКСАЛТИРИШ</b>	
5.1. Коррупцияга қарши маърифат ва унинг вазифалари ....	74
5.2. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимининг коррупцияга қарши хулқ-атвори: маънавий-ахлоқий моҳияти .....	82
5.3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари- нинг коррупцияга қарши маърифати – касбий маданиятнинг ажралмас қисми .....	86

5.4. Ички ишлар органларида коррупцияга қарши кураш чоралари тизими .....	91
<b>6-боб. ҲАЛОЛЛИК – КОРРУПЦИЯДАН ТИЙИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ</b>	
6.1. Ҳалоллик — юксак маънавий-ахлоқий фазилат .....	102
6.2. Нафсни жиловлаш ҳақида .....	106
6.3. Шукур, сабр ва сабот тӯғрисида .....	113
6.4. Бурч ва ҳалоллик .....	119
6.5. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳалол хизмат қилиш ва унинг шартлари .....	122
<b>7-боб. КАСБГА ВА ЛАВОЗИМГА МУНОСИБ БЎЛИШНИ АНГЛАБ ЯШАШ – ОБРӮ-ЭЪТИБОР АСОСИ .....</b> 130	
<b>8-боб. ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .....</b> 138	
<b>9-боб. МАҲАЛЛА – ЙОРТИМИЗДА ЖАМОАТ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАСИ .....</b> 144	
ХУЛОСА .....	150

**ШАРИФ РАҲИМОВИЧ ҚОБИЛОВ,**  
*иқтисод фанлари номзоди, доцент*

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ:  
ИҚТИСОДИЙ, МАЊНАВИЙ-МАЊРИФИЙ  
ЧОРАЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ**

**МОНОГРАФИЯ**

Муҳаррир *Бахтиёр Эргашев*  
Техник муҳаррир *Дилшод Джалилов*

Босишга рухсат этилди 25. 06. 2015. Бичими  $60 \times 90^1/_{16}$ .  
Гарн. Таймс. Кегли 11 шпонли. Нашриёт ҳисоб табори 10,0.  
Алади 3000 нусха. Буюртма №164-15.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.

„O‘qituvchi“ НМИУ босмахонасида чоп этилди. Тошкент — 206,  
Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1- уй.

K-52

Қобилов Ш.Р.

Коррупцияга қарши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2015. – 160 б.



М.Р. Қобиев

КОРРУПЦИЯГА  
ҚАРШИ КУРАШ:  
ИҚТИСОДИЙ,  
МАҲНАВИЙ-МАҶРИФИЙ  
ЧОРАЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ

ISBN 978-9943-4530-1-2



9 789943 453012